


Хуринисо Усмонова

Ўзбек тилидаги гап бўлаklarининг позицион тадқиқи



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
А. НАВОЙИ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУРИНИСО УСМОНОВА

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ
ГАП БЎЛАКЛАРИНИНГ
ПОЗИЦИОН ТАДҚИҚИ**

Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси

«Фан» нашриёти

2005й



Ушбу монография ўзбек тили синтаксисининг энг долзарб масалаларидан бири бўлган гапни бўлақларга ажратиш муаммосига бағишланган бўлиб, унда гап бўлақларини позициян нуқтаи назаридан белгилаш масалалари ёритилади.

Монография филолог олимлар, бакалаврлар, магистр ва аспирантлар учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

ф.ф.д., проф. А. Нурмонов
ф.ф.д. Ш. Искандарова,
ф.ф.н., доцент Т. Нуъмонов,
ф.ф.н. Ш. Абдурахмонов.

Монография Наманган Давлат университети
Илмий кенгашининг қарорига асосан нашрга
тавсия этилган (7-В сонли баённома)

ISBN 5-648-03146-7 © Ўзбекистон Республикаси
ФА «ФАН» нашриёти, 2005 й.

КИРИШ

Кейинги йилларда синтактик назария тараққиётида жиддий ўзгаришлар рўй берди.

Тилшуносликда ҳам илмий тадқиқотлар бевосита кузатиш босқичидан, лисоний ҳодисаларни автоном ҳолда тадқиқ қилишдан уларнинг амалий кузатиш босқичида илғаш мумкин бўлмаган, фақат ҳодисалар муносабатидагина номоён бўладиган яширин хусусиятларини очишга имкон берадиган назарий босқичга кўтарилди¹.

Илмий тадқиқотларнинг амалий босқичдан назарий босқичга кўтарилиши тилшуносликнинг катта назарий ютуқларга эришувига замин яратади.

Назарий тилшунослик амалий тилшунослик ютуқларига таянса ҳам, аммо у ҳодисаларни текшириш усулига кўра фарқ қилади. Ҳодисалар муайян тизимнинг бир бўлаги сифатида унинг таркибида бошқа ҳодисалар билан муносабатда ўрганилади. Бунга мувофиқ, ҳар қандай лисоний ҳодиса муайян узвлардан ташкил топган бутунлик сифатида талқин қилинади. Шу нуқтаи назардан синтактик бирликлар ҳам, аввало, шакл ва мазмун бирликларидан ташкил топган бир бутунлик бўлиш билан бирга, бошқа худди шундай бутунликлар билан парадигматик муносабатда бўлади.

Тилнинг фенологик сатҳ бирликларидан бошқа барча сатҳ бирликлари шакл ва мазмун муносабатидан ташкил топган мураккаб қурилма саналади. Шунинг учун ҳам бу сатҳларга мансуб бўлган лисоний бирликларнинг ҳар икки томонини ўрганиш, уларнинг ўзаро муносабатини белгилаш

1 Нурмонов А. ва бошқ. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. 4-бет.

ҳозирги систем тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Синтаксиснинг вазифаси синтактик бирликларнинг нисбатлардан ташкил топишини ўрганиш билан бирга, уларнинг бошқа бирликлар билан муносабатини ҳам очиб беришдан иборат бўлиши керак.

Синтактик сатҳнинг марказий бирлиги бўлган гапнинг тузилиши морфемик, лексик, морфологик сатҳ бирликлари тузилишига нисбатан ҳам мураккаброқдир. Чунки гап мазмуни лексик ва морфологик бирликларда мавжуд бўлмаган янги мазмуний узвлар билан бойийди. Бу эса гапнинг мураккаб қурилма сифатидаги табиатини очиш, унинг ҳар қайси томонининг ўзига хос хусусиятларини ва айни пайтда, бир бутун таркибида ўзаро муносабатини белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Шу кунга қадар ўзбек тилшунослигида гапнинг асосий шаклий тузилишига эътибор жалб қилинди. Ахён-ахёндагина мазмуний тузилишга хос бўлган хусусиятлар ҳам эсга олинди¹. Лекин мазмуний тузилиш ва унинг қандай қисмлардан ташкил топганлиги, уларнинг моҳияти тадқиқотчилар назаридан четда қолди.

Ўзбек тилшунослигидаги ана шу бўшлиқни тўлдириш мақсадида 80-йиллардан бошлаб бир қатор асарлар майдонга келди². Бунинг натижасида гапнинг мазмуний аспекти билан боғлиқ ҳали ёритилиши лозим бўлган бир қанча муаммолар, маълум даражада ойдинлашди.

¹ Абдурахмонов Ф. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент: ЎзФан нашриёти, 1958; Абдурахмонов Ф. Ҳозирги ўзбек адабий тили. II том. Тошкент: Фан, 1966; Ўзбек тили грамматикаси. II том. Тошкент: Фан, 1976.

² Нурмонов А ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан, 1992; Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1995; Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. Тошкент: Ўқитувчи, 1984.

Анъанавий тилшунослик гапнинг, асосан, шаклий томонини ўрганишга эътиборни қаратган бўлса-да, лекин бу соҳада ҳам ўз ечимини кутаётган муаммолар оз эмас.

Гапнинг шаклий тузилиши, одатда гап бўлаклари руқни остида ўрганиб келинди.

В.С.Храковский таъкидлаганидек, гап бўлаклари концепцияси тилшуносликда XX асрнинг ўрталарига қадар синтактик таҳлилда етакчи ўрин эгаллаган¹. Шундай бўлишига қарамасдан, гап бўлаклари концепцияси ҳеч қачон бир хил бўлган эмас. Бу масалага турлича қарашлар турли даврдагина эмас, балки бир даврнинг ўзида ҳам мавжуд бўлган².

Гапни бўлақларга ажратишда қайси асосга таяниш жуда муҳим роль ўйнайди. Шу вақтга қадар тилшуносликда гап бўлақларини белгилашда бош мезон синтактик бирликларнинг тобе алоқаси саналади. Тобе алоқага киришмаган синтактик бирликлар гап бўлаклари рубрикасидан четда қолди. Бу эса бутунни бўлақларга ажратиш принципига зид келади. Чунки мантикий нуқтаи назардан бутунни бўлақларга шундай бўлиш керакки, биронта бўлак унинг ташқарисида қолмасин. Шунинг учун ҳам ўзбек тилшунослигида айрим муаллифлар томонидан учинчи даражали бўлак тушунчаси олиб кирилди ва анъанавий гап бўлаклари сирасига киритилмайдиган, грамматик алоқадан ташқаридаги гапнинг узвлари, учинчи даражали бўлак ҳисобланди³. Академик Ф. Абдурахмонов гапнинг ажратилган иккинчи даражали бўлақларини алоҳида типдаги бўлақлар эканлигини таъкидлайди⁴.

¹ Храковский В.С. Очерки по синтаксису арабского языка. М., 1973.

² Нурмонов А.Н. Гап ҳақидаги синтактик назариялар. Тошкент, 1988. 10-бет.

³ Сайфуллаев А. Ҳозирги ўзбек тилида гап бўлақларининг семантикаси ва грамматикаси. Филол. фан.док.дисс. Автореф. Тошкент, 2001.

⁴ Абдурахмонов Ф.А. Гапнинг ажратилган иккинчи даражали бўлақлари. Тошкент, 1955; Ўзбек тилининг грамматикаси, II том, Тошкент, 1977.

Гапни бўлакларга ажратиш масаласи узоқ даврлардан буён тилшунослар диққатини жалб қилиб келади. Шунинг учун ҳам бу масала бўйича хилма-хил қарашлар вужудга келди. Ана шундай йўналишлардан бири ва шу давргача етакчилик қилиб келаётгани атрибутив мантиқ таъсирида вужудга келган ўзаро тобеланиш асосидаги гапни бўлакларга ажратувчи йўналишдир.

Бунга мувофиқ, гапни таркибида иштирок этган синтаксемаларнинг ҳаммаси ҳам гап бўлаги ҳисоблана бермайди. Гап бўлаги бўлишнинг бирдан-бир шарти ўзаро тобеланиш муносабатида бўлишдир. Тобе алоқага киришмаган бирликлар гап бўлаги доирасига кирмай қолди. Бу эса кейинчалик бир қатор тилшуносларнинг эътирозига сабабчи бўлди.

А.Сайфуллаев узоқ йиллардан буён гап бўлаклари доирасига кирмай қолган синтактик бирликларни тадқиқ қилиб, бундай бирликларни гап бўлаклари сирасига кириштириш учун асос қидириб келади. Натижада гап бўлакларини анъанага кўра икки даражага эмас, балки уч даражага ажратади.

Мантикнинг бутунни бўлакларга ажратиш тамойили нуқтаи назардан ёндашилса, муаллиф ҳақ. Чунки бутун истисносиз бўлакларга бўлиниши керак. Лекин “гап бўлаклари” атамаси остида фақат тобе муносабатга киришувчи синтаксемаларнигина тушуниш гапни ташкил этган унсурларнинг айримларини гап бўлаклари тизимидан ташқарида қолишга олиб келди.

У кириш ва киритмаларни гап бўлаклари сирасига киритар экан, анъанавий икки чўққили назарияни асос қилиб олади. Гап таркибидаги икки чўққи - эга ва кесимни бош бўлаклар, бош бўлакларга тобе боғланиб, уларнинг маъносини изоҳлаб келган бўлакларни икинчи даражали бўлаклар, ҳар икки гуруҳга кирмайдиган синтактик бирликларни эса учинчи даражали бўлакларга киритади.

Гап бўлақларининг гапдаги ролларига кўра даражаланishiда ҳам тилшуносликда бир хил фикр йўқ. Бундай фикрий хилма-хиллик гапнинг предикативлик белгиси ва предикатив асосини ташкил этувчи бўлақларга ёндашувнинг хилма-хиллигидан келиб чиқди.

Аристотел логикаси асосида майдонга келган анъанавий тилшуносликда ҳар қандай гап таркибида эга - кесим муносабати ётади, эга, кесим ифодаланган белгининг ташувчиси, кесим эса эганинг белгисини билдирувчи бўлақ деб ҳисобланди¹, муносабат логикасига асосланган тилшуносликда ҳар қандай гапнинг мазмуний ва грамматик асоси кесим саналади².

Биринчи йўналиш тарафдорлари эга ва кесимдан бошқа бўлақларни иккинчи даражали бўлақлар ҳисоблайдилар ва иккинчи даражали бўлақлардан бирига боғланиб, гапдан ифодаланган мазмунни кенгайтириб келишини таъкидлайдилар. Бундай ёндашув иккинчи даражали бўлақларнинг гапдаги роллари бир хил эмаслигини, шу билан бирга, ҳар қайси бўлақ ўз ичида майда бўлақлардан ташкил топган нисбий бир бутунлик бўлиши мумкинлигини тушунтириб бера олмайди.

Шунинг учун ҳам иккинчи йўналиш майдонга келди ва бу йўналиш ҳозирги кунда жаҳон тилшунослигида тобора кенг қулоч ёзмоқда.

Биз ҳам гапнинг шаклий тузилишини ўрганишда иккинчи йўналишга асосланамиз. Шу билан бирга, гап бўлақлари синтактик вазият (позиция) асосида изоҳланади.

¹ Абдурахмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1958; Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Фан, 1987.

² Ломтев Т.П. Структура предложения в современном русском языке. М., 1979. С.51. Теньер Л. Основы синтаксиса французского языка. М., Прогресс, 1988.

Синтактик вазият (позиция)

Гап таркибидаги мазмуний ва грамматик таянч нукта предикативлик шаклидаги предикат, яъни кесим ҳисобланади. Бошқа барча бўлақлар кесимнинг “бўш ўринлари”ни тўлдириб, унга нисбатан маълум вазиятда келади. Кесимнинг “бўш ўрни”ни тўлдириб, маълум синтактик вазиятда (эга, тўлдирувчи, ҳол) келган синтактик бирликлар моддий жиҳатдан бир морфологик шакл ёки бир неча морфологик шакллардан ташкил топади.

Бир неча морфологик шакллардан ифодаланган, кесимга нисбатан бир синтактик вазиятда келган синтактик бутунлик бир бутун ҳолда функциялашади. Бундай синтактик бутунликларда бир узв бошқа узвларни бирлаштирувчи етакчи восита саналади. Айни пайтда, бу етакчи қисм ўзи эргаштириб келган бошқа қисмлар билан биргаликда бир бутун ҳолда кесимга нисбатан тобе вазиятда келади. Тобе алоқа таркибида муайян синтактик вазиятда келувчи энг кичик синтактик шакл гап бўлаги саналади.

Муайян сўз шаклининг бошқа сўз шаклига нисбатан ҳолати унинг вазияти саналади. Айни бир сўз шакли турли хил синтактик вазиятда турли гап бўлаги вазифасида қолиши мумкин. Тобе алоқага киришаётган сўз шакллар жуфтлигида тобе қисм ҳоким қисм талаб этган вазиятда келади. Қўринадик, тобе қисмнинг вазияти аниқ, ҳоким қисмнинг вазияти эса ноаниқ бўлади. Унинг қайси вазиятда келаётганлиги нутқ занжирининг кейинги халқасида аниқланади. Масалан, гап қурилиши **а, б, с** ва бошқа сўз шаклларида ташкил топган бўлсин. Агар биз **а** сўз шаклининг вазиятини **б** сўз шаклига муносабатига қўра белгиласак, **б** сўз шаклининг вазиятини **а** шаклига қараб белгилаб бўлмайди. Унинг вазияти **с** сўз шакли муноса-

батига кўра, ўз навбатида, с сўз шаклининг эса д шаклига кўра белгиланади¹.

Гап бўлаги ҳам тил бирлиги сифатида шакл ва мазмун қарама-қаршилиги ва бирлигидан ташкил топган мураккаб қурилма саналади. Гап бўлагининг шакл томони ҳам, мазмун томони ҳам, гарчи бир бутунлиқнинг икки томони бўлса-да, ҳар қайсиси ўз ички тузилишига эга. Шунинг учун ҳам гап бўлақларининг бу икки хил ички тузилишини ўрганиш, шакл ва мазмун ўртасидаги муносабатини белгилаш назарий тилшунослиқнинг муҳим вазифасидир.

Ҳар қандай гап бўлаги шаклий жиҳатдан моддий асос (морфологик шакл) ва синтактик вазият (синтактик шакл) қарама-қаршилиги ва бирлигидан иборат¹. Морфологик шакл синтактик шаклнинг вужудга келиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Лекин морфологик шакл асосида ҳосил бўлган синтактик шакл сифат жиҳатидан тамоман фарқли бўлган янги ва унга нисбатан юқори шаклдир. Бир морфологик шакл бир неча синтактик шаклга асос бўлганидек, бир неча морфологик шакл бир синтактик шаклга асос бўлиши мумкин. Лекин бу икки шакл ўзаро узвий боғлиқ. Бири иккинчисисиз яшай олмайди.

Синтактик шакл морфологик шакл асосида вужудга келган юқорироқ бирликдир. Шундай экан, синтаксис учун синтактик шакл белгиловчи роль ўйнайди. Гап таркибида бутуннинг бўлақлари сифатида синтагматик муносабатда синтактик шакллар киришади. Морфологик шакл эса муайян синтактик шаклнинг ички томонини кўрсатади. Синтактик шакл бирлаштирувчилик, морфологик шакл эса фарқловчилик хусусиятига эга. Бошқача айтганда, маълум

¹ Нурмонов А. Гап ҳақидаги синтактик назариялар. Тошкент, 1988.

Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент: "Ўқитувчи", 1995. 60-бет.

¹ Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент: "Ўқитувчи", 1995. 60-бет.

синтактик шакл бир неча морфологик шаклларни бирлаштириш асосида майдонга келади. Айни пайтда, шу синтактик шаклнинг ички фаркли белгиларини аниқлашда унинг қандай морфологик шаклга таянганлигига асосланади. Синтактик шакл морфологик шакл асосида вужудга келганлиги учун морфологик шакл синтактик шакл ичида ўзининг вазифасини бажаради. Демак, морфологик шаклнинг функциялашиш шароити синтактик шакл, ўз навбатида, синтактик шаклнинг функциялашиш шароити жумла саналади ва у жумланинг мундарижасини белгилайди.

И.Б.Долининининг фикрича, бундай синтактик бирликлар, бир томондан, ўз ичида синтактик бўлиниш хусусиятига эга; иккинчи томондан, бир бутун ҳолда гап таркибида бир гап бўлаги каби иштирок этади. Бу эса юқоридаги синтактик бирликларнинг ички синтактик муносабатлари бутун гапга нисбатан нофункционал, уларнинг функциялашуви фақат шу синтактик бирликнинг ўзи учун хос эканлигини кўрсатади¹.

Бир синтактик вазиятда келган ана шундай синтактик бирликларнинг ички синтактик муносабатларини аниқлаш ҳозирги тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Гап таркибидаги айрим синтактик бирликларнинг кесим билан тўғридан-тўғри боғлана олмаслиги, унинг бошқа синтактик бирлик билан кўшилиб, бир бутун ҳолда боғланиши мумкинлиги шу кунга қадар бошқа муаллифлар томонидан ҳам олға сурилган эди. Хусусан, проф. Ш.Раҳматуллаев қаратқич аниқловчилар ҳақида шундай дейди: "... бошқа барча келишиклардан фаркли ҳолда қаратқич келишилигидаги сўз ўзи ёлғиз ишлатилмайди, у доим қаралмиш билан бирга юради"². Шу сабабли қаратқич келишигидаги сўз доим бирикма таркибида туради, бирикманинг бўлаги (ички бўлак) ҳолатида бўлади.

¹ Долиннина И.Б. Системный анализ предложения. М., 1977. С.27.

² Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. Тошкент: 1970.

Синтактик бирликларнинг ички тузилиш узвларининг ўзаро муносабатини белгилашда тадқиқотчи қайси тузилиш бирлигининг қайси тузилиш бирлигига муносабатини белгилашига кўра синтаксисда ҳам икки йўналиш майдонга келади: мазмуний тузилиш унсурларининг қандай шаклий тузилиш унсурлари билан ифодаланишини ўрганиш, яъни мазмун планидан ифода планига қараб йўналиш. Бундай йўналиш ономасиологик йўналиш ҳам дейилади. Шунингдек, шаклий тузилиш унсурларининг онгимизда акс этган қандай борлиқ унсурларини ифодаланишини ўрганиш. Гапнинг синтактик тузилиши шу кунга қадар гап бўлаклари рўқни остида ўрганиб келинди. Гап бўлаклари эса тобе боғланиш таркибида, ҳоким бўлаққа нисбатан белгиланди. Бунга кўра, гап бўлаклари икки даражага - бош ва иккинчи даражаларга ажратилди.

Бугунги кунда гап бўлақларининг бундай ажратилишида қатор камчиликларнинг мавжудлиги маълум бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам гапни бўлақларга ажратишнинг янги-янги тамойиллари вужудга келмоқда.

Ана шундай тамойиллардан бири синтактик позиция тамойилидир. Ҳозирги кунда позиция атамаси тилшуносликда икки маънода қўлланилмоқда: 1) гап узвларининг реляцион тузумидаги ўрни. Бу маънода **Фарҳод келди** ва **келди Фарҳод** гапларида **Фарҳод** сўзи турли ўринда келса ҳам бир хил позицияда - эга позициясида келиши таъкидланади; 2) гапнинг силсила тузилишида (линейная структура) элементнинг ўрни. Бу маънода **Фарҳод келди. келди Фарҳод** сўзининг биринчисида келди сўзининг олдинги позицияда, иккинчисида эса кейинги позицияда қўлланилиши ҳақида гап боради.

Позиция атамасининг иккинчи маъноси гапда бўлақларнинг қатъий тартибга эга бўлган тиллар учун кўпроқ хосдир. Гапда сўзларнинг ўрни эркин бўлган тиллар,

жумладан ўзбек тили учун позиция атамасини биринчи маъносида қўллаш ўринлидир.

Ўзбек тилшунослигида ҳам гапни синтактик позиция нуктаи назаридан ўрганишнинг афзалликларини тасдиқловчи илк изланишлар бўлган.

Гап таркибида иштирок этган сўз шакллари ўзаро муносабатда бўлади. Ана шу муносабат синтактик тахлилга позиция тушунчасини олиб киришга имкон беради.

Позицияни бундай тушуниш ҳар қандай нутқ занжирида бир аъзонинг позицияси бошқасига нисбатан белгиланмаслигини, позицияга кўра мустақиллигини тақозо қилади. Ана шу аъзо гап тузилишининг маркази, муносабатлар занжирини келтириб чиқаришнинг таянч нуктаси ҳисобланади.

Ана шундай таянч нукта вазифасини қандай сўз шакли, тўғрироғи, қандай гап бўлаги ўташи мумкин? Бу масала тилшуносликда энг тортишувли масалалардандир.

Тилшунослик тарихида бир чўққили назария (биз бу ўринда икки чўққили назария ва унинг чиқиш илдилари ҳақида тўхталиб ўтирмаймиз) юзага келиши билан ана шундай марказ ролини кесим ўйнаши ҳақидаги фикр кенг тарқалди¹. Бу фикрнинг илдилари Дания тилшуноси Х.Г.Вивелга бориб тақалади. Француз тилшуноси Л.Теньер эса ана шу ғоя асосида ўзининг изчил назариясини - бир чўққили назарияни яратди. Таъкидлаш керакки, Х.Г.Вивел ҳам, Л.Теньер ҳам ҳар қандай гап марказида фақат феъл (яъни феъл кесими) ётишини эътироф этадилар². Лекин **отам ўқитувчи, мен студентман** сингари таркибида феъл қатнашмаган жумлаларни тузилиш маркази қайси бўлади? Бу маънога дуч келган бир чўққили назария та-

¹ Қаранг. Грамматические концепции в языкознании XIX века. М., Наука, 1995. С.134.

² Кузнецов С.Н. Теоретическая грамматика датского языка. Синтаксис. М., 1984. С.16.

рафдорлари юқоридаги каби тузилишга эга бўлган гапларни турлича ҳал қиладилар. Уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳдаги олимлар феълнинг предметлар ўртасидаги муносабатни билдиришини, шунинг учун ҳам у гап структурасида предмет номларини боғлаб бутунлик ҳосил қилишини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, **Киз йигитга рймолча берди** гапида бош келишикдаги от (**қиз**) жўналиш келишиги шаклида от (**йигит**), белгисиз тушум келишигидаги от (**рймолча**) ва предикатив шаклдаги феъл иштирок этмоқда. Юқоридаги дастлабки учта от шакллари билан номланган предметлар ўзаро ҳеч қандай муносабатга киришмайди. Масалан, **қиз-йигитга** ёки **қиз-рймолча** ўртасида ҳеч қандай грамматик алоқа шакли йўқ. Бу гапнинг таркибидаги **берди** феъли эса гап таркибидаги предмет номларини ўзаро боғлайди ва бу предмет номлари ўзи ифодалаган предметлар ўртасидаги муносабатни ҳам ифодалайди. Шунинг учун бу концепция тарафдорларининг фикрига кўра, феълсиз гап бўлиши мумкин эмас. Таркибида феъл қатнашмаган гапларда ҳам унинг изи сезилиб туради. Масалан, **Отам йқитувчи** гапи ўтган замон шакли **Отам йқитувчи** бўлган маъносини ифодалайди. Ҳозирги замон шаклига мос келадиган **саналмоқ**, **хисобланмоқ** феълларининг гапда қатнашмаётганлиги факти ҳам унинг моддий ифодаловчиси бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам улар ноль феъллар тушунчасини киритадилар. Гап таркибида моддий жихатдан иштирок этмаётган, тасаввур қилинадиган феъллар ноль феъллар саналади. Бундай ва шунга ўхшаш ғоялар Т.П.Ломтев асарларида ҳам олға сурилди¹.

Иккинчи гуруҳдаги тилшунослар эса гап структурасига қарашнинг бундай бир ёқламалигига танқидий ёндашган ҳолда, феъл иштирок этмаган гаплар ҳам бўлиши

¹ Ломтев Т.П. Структура предложения в современном русском языке. М., 1979.

мумкинлиги, отам-йқитивчи типдаги гапларда феълнинг иштирок этмаслиги факти моддий феълнинггина эмас, балки ноль феълнинг ҳам қатнашмаслиги факти эканлигини эътироф этадилар. Отам-йқитивчи гапида феъл йўқ. Унга зарурат ҳам йўқ. “Отам” сўзи “йқитивчи” сўзи билан гапда қатнашмаётган ноль феъл орқали эмас, балки тўғридан-тўғри алоқага киришади. Ана шу фоя асосида гапнинг структура маркази фақат феъл-кесимларгина эмас, балки от-кесимлар ҳам бўлиши мумкинлиги эътироф этилди. Бунга мувофик, ҳар қандай гапнинг тузилиши ва мазмуний маркази предикатив шаклни олган предикат, яъни кесимдир. Шунга қўра, гаплар феъл асосли гаплар ва от асосли гапларга бўлина бошланди.

Бир чўққили назария ўзбек тилшунослигида 80-йиллардан бошлаб, кенг тарқала бошлади. Ҳар қандай гапнинг мазмуний ва грамматик маркази кесим эканлигини, шунинг учун ҳам гапнинг барча моделлари кесим асосида ҳосил қилинишини дастлаб проф. А.Нурмонов таъкидлаган эди¹.

Бир чўққили назариянинг вужудга келиши тилшунослик тарихида жуда катта роль ўйнайди. Предикативликка икки мантикий аъзо - субъект ва предикат ўртасидаги муносабат сифатидаги анъанавий қарашга ва шунга мувофик, гап бўлақларини ҳам бош ва иккинчи даражали бўлақларга ажратишга, гапларни эса бир составли ва икки составли типларга бўлишга чек қўйди.

Гапнинг онтологик табиатини тўғри кўрсатишга, унинг тузилишидаги даражаланишни объектив ёритиб беришга имконият яратди.

Бир чўққили назария ҳар қандай гапнинг семантик ва грамматик маркази, ядроси предикативлик шаклини олган предикат эканлигини эътироф этиш билан бевосита куза-

¹ Нурмонов А.Н. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. Тошкент: “Фан”, 1982.

тишда берилган бутун гапнинг синтактик тузилиши шу марказий бирликнинг семантик ва грамматик валентликларининг реаллашиш даражаси билан боғлиқ эканлигини очиқ беришга имконият яратади.

Гап тузилишини марказий аъзо (ядро қисми)ни валентликларининг реаллашуви сифатида қараш бир марказий аъзо асосида ҳосил бўлган, бир нечта гапларни бир парадигмага бирлаштиришга, бир парадигмага мансуб бўлган гаплар ўртасидаги зидланиш асосида уларнинг умумий ва хусусий белгиларини очишга қулай шароит туғдиради.

Гап тузилишига марказий бўлак валентлигининг реаллашуви сифатида қараш бир марказий аъзо асосида ҳосил бўлган, бир неча гапларни бир парадигмага мансуб бўлган гаплар ўртасидаги зидланишлар асосида уларнинг умумий ва хусусий белгиларини очишга қулай шароит туғдиради.

Гап тузилишига марказий бўлак валентлигининг реаллашуви сифатида қараш гапни синтактик позиция асосида ўрганишга қулай шароит яратади ва маълум гап парадигмасини ташкил этган аъзоларнинг реаллашиши ва имконият тарзида бўш қолган позицияни (ноль позиция ёки синтактик ноль) аниқлаш имконини беради.

Лисоний бирликларда шакл ва мазмун диалектикаси

Оламдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғланишнинг турларидан бири шакл ва мазмун диалектикасидир.

Шаклсиз мазмун бўлмагандек, шаклнинг мавжудлик усули, таркиби ва тузилиши ҳам мазмунсиз бўлмайди.

Демак, шакл ва мазмун маълум бир объектнинг ўзаро диалектик алоқадор бўлган икки томонидир.¹

Мазмун деганда, объектнинг барча элементларининг таркиби, унинг хоссаларининг, ички жараёнларининг, алоқаларининг ривожланиш зиддиятлари ва майлларининг бирлиги кўзда тутилади. Масалан, организмнинг мазмуни унинг органларининг оддий мажмуидан иборат эмас, балки муайян шаклда ўтадиган ҳаётий фаолият жараёнидан иборат.

Шакл деганда, мазмуннинг ташқи ифодаланиш усули, мазмун элементлари алоқаларининг нисбатан барқарор муайянлиги ва уларнинг ўзаро таъсири, мазмуннинг типи ва структураси тушунилади.

Мазмун ва шакл бир объектнинг ўзаро зиддиятли икки қарама-қарши қутбидир. Бу тушунчалар бир-бирини тақозо қилувчи, бирисиз иккинчиси мавжуд бўлолмайдиган тушунчалардир.

Шакл билан мазмун бир конкрет объектда ўзаро ажралмасдир.

Шакл ички ва ташқи бирликдан иборат. Мазмун элементларининг боғланиш усули сифатида шакл ички ҳодисадир. У объектнинг структурасини ташкил этади ва мазмуннинг бамисоли бир momenti бўлиб қолади. Муайян мазмуннинг бошқа нарсалар мазмуни билан боғланиш усули сифатида шакл ташқи бир нарсадир. Масалан, бадий асарнинг ички шакли аввало сюжетдан, асарнинг мазмунини ташкил этувчи бадий образлар, ғояларнинг боғланиш усулидан иборат. Ташқи шаклни эса асарнинг ҳиссий фахмланадиган кифоаси, унинг ташқи шаклланиши ташкил этади.

Гегелнинг таъкидлашича, шакл ва мазмун ўртасидаги қарама-қаршиликларни қараб чиқаётганда шуни назардан

¹ Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. Тошкент: "Шарқ", 2001. 33-бет.

кочирмаслик керакки, мазмун шаклсиз бўлмайди. Шакл эса айни вақтда мазмуннинг ўзида ҳам мавжуддир ва унга нисбатан ташқи бир нарсадан иборатдир¹.

Шакл ва мазмун муносабатида етакчи томон мазмундир. Ташкил топиш шакли ниманинг ташкил топишига боғлиқдир. Ҳеч қандай ташқи куч эмас, балки мазмун ўзини-ўзи шакллантиради. Мазмун билан шакл ўртасида ички зиддият бор. Нарсаларнинг, жараёнларнинг шакли билан мазмуни ўртасидаги зиддиятларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва бартараф қилиниши - тараққиётнинг қарама-қаршиликлар йўли билан энг муҳим ва энг умумий ифодаланишларидан биридир.

Шакл ва мазмун ўзаро диалектик боғлиқ бўлса ҳам, лекин улар маълум даражада нисбий мустақилликка эга. Шакл ва мазмун, аввало, ўз ички тузилиш бирликлари билан фарқ қилади. Шакл ва мазмун тузилиши бир-бирига мувофиқ келиши ҳам, мувофиқ келмаслиги ҳам мумкин.

Бу диалектик алоқадорлик тилда ҳам ёрқин ифодасини топади. Чунки тил системасининг фонологик сатҳдан бошқа барча сатҳ бирликлари учун шакл ва мазмун муносабати дахлдордир.

Ҳар қандай мазмун муайян моддий шакл воситасида ифодалангандагина, у реал лингвистик бирликка айланади. Шундай экан, лингвистик бирликлар ўртасидаги шакл ва мазмун муносабатини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Лингвистик бирликларнинг шакл ва маъноси ўртасидаги муносабат антик даврлардаёқ файласуфлар эътиборини тортган. Улар узоқ вақтлараро лингвистик бирликларни ифодаловчи ва ифодаланмиш томони ўртасидаги муносабатнинг хусусияти, яъни улар ўртасидаги муносабат эркинми ёки табиийми, деган масала устида баҳс юрит-

¹ Гегель. Энциклопедия философских наук. Ч. I. С. 290

дилар. Ниҳоят файласуфларнинг катта гуруҳи ифодаловчи билан ифодаланмиш ўртасидаги муносабатнинг эркин эканлигини тасдиқладилар.

Шунингдек, шакл ва мазмун муносабатига субстанционал ёндашув ҳам ана шу муаммонинг таркибий бир қисми саналади.

Машҳур Дания тилшуноси Л.Ельмслевнинг фигуралар ҳақидаги қарашлари ҳам, лексикада узвий таҳлил тамойиллари ҳам, С.Н.Ивановнинг субстанционал морфология ҳақидаги қарашлари ҳам тил тузилишига субстанционал ёндашув асосида майдонга келди.

Грамматик шаклни муносабатда, синтактик функцияда намоён бўладиган маълум хусусият - маънолар ташувчи сифатида субстанционал тушуниш унинг иккиланган ва зиддиятли морфологик - синтактик табиатини ўзида акс эттиради. Субстанционаллик нуқтаи назаридан муайян муносабатга киргунга қадар ҳам ўзининг мустақил мавжудлигига эга, шу билан биргаликда у ўзининг якка алоқаларидагина реал мавжуд бўлади. Ана шу нуқтаи назардан грамматик шаклларнинг бундай зиддиятли бирлиги диалектикадаги умумийлик ва алоҳидалиқнинг моҳият ва ходисанинг намоён бўлиши саналади.¹

Лексик, морфологик бирликларнинг шакл ва мазмуни ўртасидаги муносабатни ўрганиш қанчалик муҳим бўлса, синтактик бирликларнинг шакл ва мазмуни ўртасидаги муносабатни ёритиш ҳам ҳозирги ўзбек тилшунослиги учун шунчалик муҳимдир.

Бир маънонинг бир неча шакллар орқали ифодаланиши лексик ва морфологик сатҳ мисолида етарли даражада ўрганилган. Лекин худди шу масаланинг синтактик сатҳда намоён бўлишига ханузгача жиддий эътибор қаратилганича йўқ.

¹ Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. Тошкент: «Шарқ», 2001.32-бет.

Синтактик сатҳда муайян ахборотнинг турли синтактик шакллар орқали ифодаланиши ёки бир синтактик шакл орқали бир неча ахборотни ифодалаш мумкинлиги масаласи ёритиш шу тилнинг ички имкониятларини, унинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб беришга олиб келади. Бу эса ҳар бир тилнинг умумийлик ва ўзига хослик диалектикасини очишга имкон туғдиради.

Шунинг учун ҳам синтактик birlikларнинг шакл ва мазмун муносабати бир қатор ўзбек тилшуносларининг диққатини жалб этди. Бу соҳада проф. Н.М.Маҳмудов, А.Бердалиев сингари олимларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш лозим¹.

Аввало, синтактик birlikларнинг шакл ва мазмуни ўртасидаги муносабат ҳақида фикр юритилганда, дастлаб унинг қайси томонини асос қилиб олиш мумкин, деган масала кўндаланг бўлиши табиий.

Бу масалани ҳал этишда ҳозиргача бўлган тилшуносликда икки йўналиш майдонга келди: 1) семасиологик йўналиш; 2) ономосиологик йўналиш. Семасиологик йўналиш тарафдорлари шаклни асос қилиб оладилар ва ҳар бир шакл қандай маъноларни ифодалашини очиб беришга ҳаракат қиладилар. Ономосиологик йўналиш тарафдорлари эса, аксинча, маънони асос қилиб оладилар ва муайян маъно қандай йўллар билан ифодаланишини ёритишга аҳамият берадилар.

Тилшуносликда мавжуд бўлган ҳар икки йўл бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини тўлдиради. Ономосиологик йўналиш муайян маънонинг қандай ифода воситалари билан ифодаланиши масаласини ўрганишга

¹ Маҳмудов Н.М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. Тошкент: "Ўқитувчи", 1984.

Бердалиев А. Эргаш гапли қўшма конструкцияларда семантик-сигнификатив парадигматика. Тошкент, 1989.

эътиборни қаратар экан, худди мана шу йўналиш турли системадаги тилларни типологик планда ўрганишга, бу тилларнинг умумий, турли нукталари қаерда-ю, хусусий, ўзига хос томонлари қаерда эканлигини ёритишда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам бу усул турли системадаги тилларнинг типологик тадқиқотларида ҳам катта аҳамиятга эга.

Ономосиологик йўналишда таянч нукта мазмун, синтактик бирликларнинг мазмуний тузилиши деб қаралар экан, аввало, ана шу мазмуний тузилиш бирликлари қандай белгиланади, деган масалани ҳал этиш энг зарурий масалалардан саналади.

Бу масалани ҳал этишга эътиборни қаратган олимлар фалсафадаги **пропозиция** атамасини таянч нукта қилиб олдилар.

Пропозиция тушунчаси ҳар бир нутқ эгасининг онгида мавжуд бўлган объектив реалликнинг инъикоси, нутқ вазиятидир. Маълум нутқ вазияти элементлари объектив борлиқда ўзаро муносабатда бўлган ва инсон сезги аъзоларига таъсир этадиган элементларнинг умумлашган образларининг онгда акс этган ана шу борлиқ элементларини айрим тилшунослар сигнификат атамаси билан ҳам номлайдилар.

Бундан кўринадики, сигнификат элементлари шаклий элементлар билан қиёслашга асос бўлиб хизмат қилади.

Бир сигнификатив маъно тузилиши бир неча шаклий тузилиш бирликлари орқали ифодаланиши мумкин. Бу синтактик синонимияни вужудга келтиради. Аксинча, бир неча сигнификатив маъно бир синтактик шакл тузилиши билан ифодаланиши мумкин. Натижада синтактик омонимия вужудга келади.

Демак, синтактик бирликларнинг шакл ва мазмун диалектикаси мазмуний бирликларнинг тўлиқ ёки нотўлиқ шаклий ифодасини топиши масаласини ўрганишдан, бу

икки структура ўртасида мутаносиб (симметрик) ва ному-таносиб (асимметрик) муносабат мавжудлигини аниқлаш-дан ташқари, синтактик синонимия, синтактик омонимия ва синтактик полисемия масалаларини ҳам қамраб олади.

Шунинг учун ҳам синтактик синонимия, синтактик омонимия ва синтактик полисемия масалаларини синчиклаб ўрганиш синтактик бирликларнинг шакл ва мазмуни ўрта-сидаги муносабатни чуқурроқ ёритишга қулай имконият яратиб беради.

Кўринадики, нутқий жараёнда мазмуний бирликлар билан шаклий бирликлар ўртасида кўпинча номутаносиб-лик мавжуд бўлади. Чунки нутқ жараёнида сўзловчи оз моддий воситалардан фойдаланган ҳолда, кўпроқ маънони ифодалашга ҳаракат қилади, сўзловчининг объектив олам-дан олган таассуроти тўлиғича ўз шаклий ифодасини топ-майди. Фақат энг муҳим жиҳатлари фикран ажратилади ва ана шу энг муҳим деб ажратилган жиҳат ўз шаклий ифодасига эга бўлади. Қолган томонлар сўзлашувчилар-нинг олдиндан билиш фондига ва тил кўникмасига кўра маълум бўлади.

Масалан, бирон-бир қалам маълум бир хонтахта ус-тида турганлиги вазиятини кўрайлик. Бунда қаламнинг ранги, шакли, учининг ҳолати, хонтахтанинг шакли, ран-ги, эстетик кўриниши ва бошқа жиҳатлари бор. Сўзловчи шу вазиятнинг ахборот ташиши учун энг муҳим жиҳатла-рини танлайди ва ана шу танланган қисмларга мос шакл-ларни белгилайди.

Шунинг учун машҳур немис олими В.Гумбольдт нутқ-да сўзлашувчилар ўртасида бир вақтнинг ўзида ҳам тушу-ниш бор ва ҳам тушунмаслик бор, дейди. Шакл билан мазмуннинг нисбий мустақиллигини шунда ҳам кўриш мумкинки, айти бир мазмун турли шаклларга кириши мумкин (синтактик синонимия). Бир шаклнинг ўзи эса бир неча мазмунга ҳам эга бўлиши мумкин (синтактик

омонимия). Синтактик сатҳ бирликларидаги ана шундай шакл ва мазмун диалектикаси айрим асарларни эътиборга олмаганда, ҳали тилшунослар диққатини етарли равишда жалб этгани йўқ. Бу эса бугунги ўзбек тилшунослиги учун ушбу мавзунинг нақадар долзарб эканлигини кўрсатади.

Биз ишимизда барча лисоний бирликлардаги шакл ва мазмун диалектикасини эмас, балки фақат гап таркибида муайян вазиятда келган гап бўлакларида шакл ва мазмун муносабатини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Лисоний бирликларнинг шакл ва мазмуни ўртасидаги муносабатни ифодалашда умумийлик - хусусийлик диалектикасини ҳам эътиборга оламиз. Чунки ҳар қандай лисоний бирлик бевосита кузатишда хусусий бирликлар сифатида намоён бўлади. Хусусий бирликларни қиёслаш, улар ўртасидаги умумий жиҳатларни топиш орқали хусусийликлар маълум умумийликларга фикран бирлаштирилади. Шундай қилиб, ҳар қандай умумийликлар бевосита кузатиш босқичида хусусийликлар орқали намоён бўлади.

Гап бўлаклари сатҳида умумийлик - хусусийлик диалектикаси морфологик шакл ва синтактик шакл, морфологик маъно ва синтактик маъно муносабати орқали ифодаланadi. Морфологик шакл ва маъно синтактик шакл ва маънонинг ички томонини, нимадан ташкил топишини, структурасини белгилайди. Функционал томони эса гап таркибида қандай позициясини эгаллашни назарда тутadi.

Ана шуни ҳисобга олган ҳолда, ишда морфологик шакл билан синтактик шакл, морфологик маъно билан синтактик маъно ўртасидаги муносабат очиб берилади.

1 БОБ. ГАПНИНГ ШАКЛИЙ ТУЗИЛИШИ ВА УНИ ҚИСМЛАРГА БЎЛИШ МУАММОЛАРИ

1.1. Гап система сифатида

Тилнинг фонологик сатҳ бирликларидан бошқа барча сатҳ бирликлари шакл ва мазмун муносабатидан ташкил топган мураккаб қурилма саналади. Шунинг учун ҳам бу сатҳларга мансуб бўлган лисоний бирликларнинг ҳар икки томонини ўрганиш, уларнинг ўзаро муносабатини белгилаш ҳозирги систем тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Синтактик сатҳнинг марказий бирлиги бўлган гапнинг тузилиши морфемик, лексик, морфологик сатҳ бирликлари тузилишига нисбатан ҳам мураккаброқдир. Чунки гап мазмуний узвлар билан бойийди. Гапнинг мураккаб қурилма сифатидаги табиатини очиш, унинг ҳар қайси томонининг ўзига хос хусусиятларини ва айни пайтда бир бутун таркибда ўзаро муносабатини белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Шу кунга қадар ўзбек тилшунослигида гапнинг, асосан шаклий тузилишига эътибор жалб қилинди. Ахён-ахёндагина мазмуний тузилишга хос бўлган хусусиятлар эсга олинди. Лекин мазмуний тузилиш ва унинг қандай қисмлардан ташкил топганлиги, уларнинг мөҳияти тадқиқотчилар назаридан четда қолди.

Ўзбек тилшунослигидаги ана шу бўшлиқни тўлдириш мақсадида 80-йиллардан бошлаб бир қатор асарлар майдонга келди.¹ Бунинг натижасида гапнинг мазмуний аспек-

¹ Нурмонов А. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. Ташкент, 1982; Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. Тошкент, 1984; Бердиалиев А. Ўзбек тилида қўшма гапларнинг парадигматик ва синтагматик муносабати. Тошкент, 1989; Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: «Фан», 1992.

ти ҳали ёритилиши лозим бўлган бир қанча муаммоларга бой бўлса ҳам, маълум даражада ойдинлашди.

Анъанавий тилшунослик гапнинг, асосан, шаклий томонини ўрганишга эътиборини қаратган бўлса-да, лекин бу соҳада ҳам ўз ечимини қутаётган муаммолар оз эмас. Гапнинг шаклий тузилиши, одатда, гап бўлаклари рукни остида ўрганиб келинди.

В.С.Храковский таъкидлаганидек, гап бўлаклари концепцияси тилшуносликда XX асрнинг ўрталарига қадар синтактик таҳлилда етакчи ўрин эгаллаган бўлса ҳам, лекин у ҳеч қачон бир хил бўлган эмас.¹

Шу вақтга қадар тилшуносликда гап бўлақларини белгилашда бош мезон синтактик бирликларнинг тобе алоқаси саналиб келинди.

Тобе алоқа таркибида муайян синтактик вазиятда (позицияда) келган энг кичик синтактик шакл гап бўлаги ҳисобланади. Муайян синтактик шаклнинг бошқа синтактик шаклга нисбатан ҳолати унинг вазияти саналади.

Гап бўлаги ҳам тил бирлиги сифатида шакл ва мазмун қарама-қаршилиги ва бирлигидан иборат бўлган мураккаб қурилмадир. Гап бўлақларининг шакл ва мазмун томони ўзаро зич боғланган, бирисиз иккинчисининг бўлиши мумкин бўлмаса ҳам, лекин ҳар иккиси ҳам ўзига хос тузилишга ва тузилиш бирликларига эга. Шунинг учун уларнинг ҳар иккисининг тузилиши хусусиятларини ҳамда шакл ва мазмун узвлари ўртасидаги муносабатни белгилаш назарий тилшуносликнинг муҳим вазифасидир.

Ҳар қандай гап бўлаги шаклий жиҳатдан моддий асос (морфологик шакл) ва синтактик вазият (синтактик шакл) қарама-қаршилиги ва бирлигидан иборат. Морфологик шакл синтактик шаклнинг вужудга келиши учун асос бў-

¹ Храковский В.С. Концепция членов предложения в русском языкознании XIX века. – Грамматические концепции в языкознании XIX века. М., 1985. С.124.

либ хизмат қилади. Лекин морфологик шакл асосида ҳосил бўлган янги ва унга нисбатан юқори шаклдир. Бир морфологик шакл бир неча синтактик шаклга асос бўлганидек, бир неча морфологик шакл бир синтактик шаклга асос бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон - гўзал йлка жумласида бир ҳил морфологик шаклдаги (бош келишик, бирлик) от икки хил синтактик вазиятда келяпти. Эга вазиятидаги синтактик шакл бир морфологик шаклдан (Ўзбекистон) ташкил топган бўлса, кесим вазиятидаги синтактик шакл икки морфологик шаклдан (гўзал йлка) ташкил топган.

Синтактик шакл морфологик шакл асосида вужудга келган юқорироқ бирлик сифатида синтаксис учун белгиловчи роль ўйнайди. Морфологик шакл эса муайян синтактик шаклнинг ички томонини кўрсатади. Синтактик шакл бирлаштирувчилик, морфологик шакл эса фарқловчилик хусусиятига эга. Синтактик шакл морфологик шакл асосида вужудга келганлиги учун морфологик шакл синтактик шакл ички мундарижасини белгилайди. Морфологик шакл ичида ўзининг вазифасини бажаради. Демак, морфологик шаклнинг функциялашиш шароити синтактик шаклдир. Ўз навбатида, синтактик шаклнинг функциялашиш шароити жумла саналади ва жумланинг мундарижасини синтактик шакллар белгилайди.

Бир неча морфологик шакллардан ифодаланган, кесимга нисбатан бир синтактик вазиятда келган синтактик бутунлик бир бутун ҳолда функциялашади. Бундай синтактик бутунликларда бир узв бошқа узвларни бирлаштирувчи етакчи узв саналади. Айни пайтда бу етакчи қисм ўзи эргаштириб келган бошқа қисмлар билан биргаликда бир бутун ҳолда кесимга нисбатан тобе вазиятда келади.

И.Б.Долининанинг фикрича, бундай синтактик бирликлар, бир томондан, ўз ичида синтактик бўлиниш хусу-

сиятига эга, иккинчи томондан, бир бутун ҳолда гап таркибида бўлаги каби иштирок қилади.¹

Бир синтактик вазиятда келган ана шундай синтактик бирликларнинг ички синтактик ва тузилиш бирликлари ўртасидаги муносабатни аниқлаш ҳозирги ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммоларидан биридир.

Ўзбек тилшунослигидаги гапнинг синтактик тузилишини гап бўлаклари термини остида ўрганиш анъана тусини олган ва унга ҳозирги кунгача ҳеч қандай эътироз йўқ. Ўзбек тилининг ҳақиқий илмий синтаксисининг яратилиши проф. А.Фулумов, Ғ.Абдурахмонов, М.Асқаровалар номи билан боғлиқдир. Гап бўлақларининг ўрганилишида А.Фулумовнинг хизматлари катта.

Проф. А.Фулумовнинг синтактик қарашлари рус тилшунослари хусусан, А.А.Потебня, А.А.Шахматов, В.В.Виноградов ғоялари таъсирида шаклланди. Шунинг учун ҳам А.А.Потебня, А.А.Шахматов, В.В.Виноградовларнинг гап бўлаклари ҳақида қарашлари ўзбек тилшунослигига тадбиқ этилди. Аниқловчи, тўлдирувчи атамалари профессор А.Фулумов томонидан ўзбек тилшунослигига киритилди.

А.Фулумов ҳам гап бўлақларини белгилашда тобеланиш муносабатиши ташқаридаги гап унсурлари, гап бўлаклари таркибига киритмади. Гап бўлаклари гап тузилишидаги ролларига қараб бош ва иккинчи даражали бўлақларга бўлинди. Бош бўлақларга эга ва кесим, иккинчи даражали бўлақларга эса аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳол киритилди.

Айрим муаллифлар эса анъанага кўра аниқловчиларнинг бир тури сифатида ўрганиб келинган изоҳловчиларни ҳам алоҳида гап бўлаги сифатида ажратишга ҳаракат қилдилар. Хусусан, Р.Саидованинг таъкидлашича, от ёки суб-

¹ Долинина И.Б. Системный анализ предложения. М., 1977; Нурмонов А.Н. Гап ҳақидаги синтактик назариялар. Тошкент, 1988. 76-бет.

стантив сўзлардан ифодаланиб, бошқа от билан тобе муносабатга киришган гап бўлаги изоҳловчи саналади.¹

Ўзбек тилшунослигида ҳам, рус тилшунослигида ҳам гапнинг таркибида тобе вазиятда муайян сўроққа жавоб бўлувчи ҳар қандай иккинчи даражали бўлак гап таркибидан бир вақтда ажратилади. Бундай ажратиш кўпчилик учун одатий ҳолга айланди. Масалан: **Оқил киши доно, олижаноб, ростғўй кишиларга дўст бўлади** жумласи икки бош бўлакка - **киши** (эга) ва **дўст бўлади** (кесим) ажратилиши билан бирга **кишиларга** (тўлдирувчи) **оқил, доно, олижаноб, ростғўй** (аниқловчи) сингари иккинчи даражали бўлақларга ҳам ажратилади. Дастлаб, гап таркибида бош бўлақлар аниқланади ва ундан сўнг таҳлилнинг иккинчи даражали бўлақлари белгиланади. Иккинчи даражали бўлақлари гапнинг ёки унинг бир қисмининг бўлаги эканлиги ҳисобга олинмайди.

Анъанавий тилшуносликнинг ана шу чекланган томонларини айрим туркологлар пайқаганлар ва аниқловчининг гапнинг конструктив бўлаги эканлигига шубҳа билан қараганлар. Жумладан, А.Н.Баскаков фикрича, аниқловчининг миқдоридан қатъий назар, ҳар қайси аниқланмиш гап таркибида ўзининг синтактик позициясига эга бўлади ва аниқловчи билан биргаликда бир бутун ҳолда бир гап бўлаги саналади.² Н.К.Дмитриев ҳам аниқловчи-аниқланмиш муносабати гапнинг тузилиши доирасига кирмаслигини таъкидлаган эди³.

Баъзи ўзбек тилшунослари ҳам иккинчи даражали бўлақларнинг гапдаги мақоми юзасидан анъанавий қараш-

¹ Саидова Р.Х. Приложении в современном узбекском литературном языке// АКД. Ташкент, 1975. С.5.

² Баскаков А.Н. Простое предложение в каракалпакском языке. Исследование по сравнительной грамматике тюркских языков. III. Синтаксис. М., 1961. С.67.

³ Дмитриев Н.К. Детали простого предложения, Исслед. по срав. гр. тюркских языков. III. Синтаксис. М., 1961. С.28.

ларга танкидий муносабатда бўлдилар. Хусусан, проф. Ш.Рахматуллаев 1970 йилдаёқ гап бўлаклари, жумладан, иккинчи даражали бўлакларни ажратишда мавжуд қарашларга танкидий нуқтаи назардан қараган эди. Жумладан, у қуйидагиларни ёзади: "...Шуни таъкидлаш керакки, сифатловчига сўроқни сифатланмишдан келиб чиқиб берамиз. Демак, сифатловчининг сўроғи маълум маънода ички сўроқ бўлади. Бирор бўлак вазифасида сифатловчили бирикма келади. Сифатловчига бериладиган сўроқ ана шу бўлак вазифасида келган бирикманинг ички тузилишига доир бўлади.

Юқорида айтилган ички хусусият (тартиб эркинлигини йўқлиги ва ички сўроққа жавоб бўлиши)" сифатловчининг синтактик моҳиятини белгилаб қўяди. Сифатловчи бўлак ичидаги бўлак, бўлакнинг бўлаги бўлиб келади.

Сифатловчининг ўзига хос айримликлари борлигидан келиб чиқиб, уни бир вақтлар учинчи даражали бўлак деб ҳам юритишган, аммо кейинчалик бу тушунча ва терминдан воз кечилган. Асли бу термин ходисанинг моҳиятини аниқ очиб бермайди. Бизнингча, сифатловчини (кенгрок олсак аниқловчиларнинг барча турларини) гапнинг бўлаги деб эмас, бирикманинг бўлаги деб аташ тўғри.

Агар ҳозиргина таъкидланган фикрга қўшилсак, "сифатловчи ўз сифатланмиши билан биргаликда бир бўлак вазифасида келади", - деб умумий бир қоида чиқариш мумкин. Бу билан гапни синтактик таҳлил қилиш анча осонлашади, бирикманинг гап учун (асли бўлак учун) қурилиш материали сифатида хизмат қилишини тан олган бўламиз.¹

Проф. Н.Маҳмудов аниқловчиларни гапнинг конструктив бўлаги ҳисобламагани ҳолда, тўлдирувчи ва ҳолларнинг ҳам гапдаги вазифасини фарқлаш лозимлигини кўр-

¹ Рахматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. Тошкент, 1970.19-20-бетлар.

сатади.² Унинг таъкидлашича, икки ва ундан ортиқ предикат қатнашганда, улардан бири асосий, қолганлари иккинчи даражали ҳолатда бўлади. Лекин ҳар бир предикат, ҳоҳ у асосий, ҳоҳ иккинчи даражали бўлсин, муайян объект муносабати билан боғлиқ бўлади. Бу ҳолат таркибида иккинчи даражали предикатли сифатдош ва равишдош ўрамлар (оборотлар), ҳаракатлар номи ва шарт феълли қурилмалар, шунингдек, предикатив сўзлар (*бор, йўқ сингари сўзлар*) билан шаклланган қурилмалар мавжуд бўлган содда гапларда кузатилади. Масалан: **Унинг дардини енгиллатадиган сўзни инсон боласи хали ярата олгани йўқ** (С.Аҳмад) гапида иккинчи даражали предикатли **унинг дардини енгиллатадиган** сифатдош обороти иштирок этган. Гапда иккита предикат мавжуд бўлиб, улардан бири, яъни **ярата олгани йўқ** феъл шакли билан ифодаланган асосий (кесим вазиятида), иккинчиси, яъни **енгиллатадиган** сифатдаги шакли билан ифодалангани эса иккинчи даражалидир. Асосий предикат (**сўзни**) сўз шакли орқали ифодаланган объект муносабати билан боғлиқ бўлса, иккинчи даражали предикат **дардини** сўз шакли орқали ифодаланган воситасиз объект муносабати билан боғлиқ. Аммо бу икки объект предикатларга муносабати жиҳатидан айнан ўхшаш бўлса ҳам, уларни бир-бири билан мутлақо тенглаштириш мантиқан тўғри эмас. Чунки мазкур предикатларнинг ўзи мавқеи жиҳатидан бир-бири билан айнан тенг эмас, яъни бири асосий, иккинчиси эса иккинчи даражалидир. Шунинг учун ҳам мазкур гапнинг синтактик тузилишида иккита айнан бир мақомга эга бўлган воситасиз тўлдирувчи мавжуд деб қарашнинг ўзи илмий асосга эга эмас.

² Маҳмудов Н. Функционал ва нофункционал тўлдирувчилар ҳақида//“Ўзбек тили ва адабиёти”, 1981. 1-сон.42-бет

Муаллиф тўғри таъкидлаганидек бундай тўлдирувчилар функционаллик жиҳатдан ҳам бир-биридан фарк қилади. Иккинчи даражали предикатлар вазиятни эгаллайди. Шунга кўра муайян синтактик вазиятдаги бундай курилмалар гапнинг ёйик, бирикмали, кенгайтирилган бўлаклари сифатида баҳоланади.¹

Равишдош, сифатдош, ҳаракат номли, шарт феълли ўрамларнинг гап таркибида бир бутун ҳолда, бир синтактик вазиятни эгаллаши, бир бўлак деб баҳоланиши, бундай ўрамларнинг ички бўлинишлари бутун гап учун нофункционал, фақат ўрамнинггина ички бўлиниш эканлиги проф. А.Нурмонов томонидан ҳам кўрсатилган эди.²

Кейинчалик бундай ўрамларнинг трансформацион бўлаклар эканлиги ва гап таркибида бир бўлак вазифасини бажариши бошқа муаллифлар томонидан ҳам баён қилинди.³

Айрим муаллифлар шундай ва шунга ўхшаш курилмаларни дескрипция атамаси билан номладилар ва уларнинг синтактик позициялари, ички тузилишларини ўргандилар.⁴

Таркибида бутун гап учун нофункционал бўлаги бўлган синтактик бутунлик учун пропозитив ном атамасидан фойдаланиш маъқул.

¹ Маҳмудов Н. Ўша мақола, 44-бет. Яна қаранг: Асқарова М. Бирикмали гап бўлаклари ва унинг эргаш гапларга муносабати. - Тилшунослик масалалари. Тошкент, 1970. 119-128-бетлар; Абдуллаев Х. Гап бўлақларининг тузилишига кўра таснифи масаласига доир// "Ўзбек тили ва адабиёти", 1974.3-сон, 34-бет; Шоазизов Ш.Ш. Кўрсатилган асар.

² Нурмонов А. Гап ҳақидаги синтактик назариялар. Тошкент, 1988.

³ Мухаммадиева М. Трансформационные предложения в современном узбекском языке// Канд. дисс. 1995.

⁴ Ломтев Т.П. Структура предложения в современном русском языке. М., 1979; Усмонова Ҳ. Дескрипция (мураккаб ном) ва унинг гап тузилишидаги ўрни// Номз. дисс. .. 1994.

Пропозитив ном турли синтактик позицияларда келиши мумкин:

1. Эга позициясида:

Шамолдан тез учган поездлар ҳам то Шимолга етгунча кетади ҳолдан.

(Х.Олимжон).

2. Тўлдирувчи позициясида: **Укамни боғчадан олиб келишни буюрди. Институтда ўқишга ша-роит бўлмайди.**

3. Ҳол позициясида: **Шимолга етгунча кетади ҳолдан.**

Юқорида берилган синтактик бирликлар бир бутун ҳолда гап таркибида муайян синтактик позицияда келса, унинг таркибидаги узвлар бутун гапга нисбатан но-функционал саналади. Уларнинг функционаллашуви фақат пропозитив ном таркибида пропозицияни ҳосил қилувчи таянчга нисбатан бўлади. Пропозитив ном таркибидаги узвларни аниқлаш, уларни семантик ва грамматик таҳлил қилиш ҳамда таснифлаш ишимизнинг бош мақсадидир.

Гапнинг структур схемасини кесим ва унинг “бўш ўринлари” нуқтаи назаридан белгилаш аниқловчи ва изоҳ-ловчиларга мутлақо бошқача ёндашувни талаб қилади. Чунки бу бўлақлар кесимнинг бўш ўринларини тўлди-рувчи мустақил бўлақ сифатида кела олмайди. Кесимнинг “бўш ўринлари”ни тўлдириб, унга нисбатан муайян син-тактик, яъни пропозитив ном ҳосил қилади. Масалан: **Азиз асримизнинг азиз онлари, азиз одамлардан сўрайди кадрин** (F.F.) гапида ўзаро муносабатда бў-лаётган тўртта гап бўлаги бўлиб, учтаси **сўрайди** кеси-мининг “бўш ўрин”ларини тўлдириб уч синтактик пози-цияда келади: биринчиси - эга позициясида, иккинчиси - воситали тўлдирувчи позициясида. Эга ва воситали тўлди-рувчи позициясида келган биринчи ва иккинчи синтактик

бирликлар аниқловчилар билан кенгайиб, пропозиция ҳосил қилган. Унинг таркибидаги аниқловчи шу бутунликнинг ички бўлинишига мансуб бўлиб, бутун гап тузилиши учун алоқасиздир.

Шунингдек, гапнинг кесими ҳам аниқловчилар билан кенгайиб келиши мумкин. Масалан: **Сен Сауднинг севган синглиси.**

Англашиладики, аниқловчилар фақат пропозитив ном таркибида функцияланиб, кесим, эга, тўлдирувчи, ҳол синтактик позицияларида келаётган бўлақларнинг таркибий қисми саналади. Улар фақат пропозицияни ички узвларга ажратгандагина унинг таркибидан ажралади.

Шундай қилиб, ҳозирги тилшуносликда иккинчи даражали бўлақларнинг ҳаммаси гап тузилишида бир хил мақомга эга эмаслиги маълум бўлмоқда. Шунинг учун ҳам иккинчи даражали бўлақларни гапнинг бўлагими ёки бўлакнинг бўлагими эканлигини ажратиш зарурияти туғилмоқда.

1.2. Гап бўлақларининг тузилиш турлари: лексик ва пропозитив номлар

Гапнинг шаклий тузилиш томонини тилшуносликда синтактик тузилиш термини билан ҳам юритилади. Демак, гапнинг синтактик тузилиши дейилганда, унинг шаклий томонига эътибор берилади.

Гапнинг синтактик тузилишини ташкил этган унсурлар анъанавий тилшуносликда гап бўлақлари атамаси билан ўрганилади. Шуни таъкидлаш лозимки, гапнинг синтактик тузилиш унсурлари билан гап бўлақлари тенг эмас. Шундай синтактик тузилиш бирликлари борки, улар гап бўлақлари таркибига киритилмайди. Англашиладики, гап бўлақлари гапнинг ҳамма синтактик тузилиш нуқтаи на-

заридан, гапнинг синтактик тузилиши тушунчаси гапнинг бўлаклари тушунчасига нисбатан кенгроқ.

Нима учун синтактик тузилишнинг барча унсурлари гап бўлаклари ҳисоблана бермайди? Ахир, бу бутунни бўлакларга ажратиш принципига зид-ку? Гап шундаки, гапнинг синтактик тузилиши унсурларини гап бўлаклари номи остида ўрганишни бошлаб берган олимлар гап бўлаклари доирасини чеклаб қўйдилар. Гапнинг барча шаклий бирликлари эмас, балки уларнинг гап бўлаги талабларига жавоб берадиган қисмигина гап бўлаги ҳисобланади. Гап бўлаги деб ҳисоблашнинг муҳим талаби - бу гапни ташкил этган синтактик шаклларнинг бир бутун таркибида тобеланиш (доминанция) муносабати саналади. Тобеланиш муносабатига кириша олмаган синтактик тузилиш бирликлари, гарчи муайян синтактик шаклга эга бўлса ҳам, гап бўлаклари таркибига киритилмади.

Синтактик тузилиш бирликларини гап асосида таҳлил қилувчи тилшунослар, асосан, бешта гап бўлаги: эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, хол ҳақида фикр юритдилар ва бу гап бўлакларининг гап тузилишидаги ролларига қараб икки даражага - бош ва иккинчи даражали бўлакларга ажратадилар. Лекин мавжуд адабиётларда гап бўлакларини фақат бош ва иккинчи даражали бўлакларга ажратишдагина эмас, балки иккинчи даражали бўлакларнинг ички таснифида ҳам хилма-хиллик тадқиқотчининг нима асосида бош ва иккинчи даражали бўлакларга ҳамда иккинчи даражали бўлакларни турларга ажратишидан келиб чиқади.

Бош ва иккинчи даражали бўлакларнинг фарқли белгиси ҳам уларнинг предикатив асосга кириш ёки кирмаслиги ҳисобланади. Предикатив асос гапнинг мазмуний таянчи, шаклий томондан уюштирувчи маркази саналади. Лекин тилшуносликда предикатив асосни бир хил тушу-

ниш йўқ. Предикативлик ва предикатив асос хақидаги барча қарашларни икки йўналишга бирлаштириш мумкин.

Биринчи нуқтаи назарга кўра, гапни шакллантириш хусусиятига эга бўлган предикативликнинг умумий мазмуни ва вазифаси гап мазмунининг объектив борликка муносабатини ифодалашдан иборатдир¹.

Иккинчи нуқтаи назардан, эга ва кесим ўратсидаги муносабат предикативлик саналади.

Проф. А.Нурмонов таъкидлаганидек, предикативлик назарияси гапни гап қиладиган асосий белги нима? Қандай факторлар сабабли гап маълум ахборотни ифодалаб, коммуникация воситасига айланади? каби масалаларнинг қўйилишидан ривожлана бошлади. Бу саволларга мантикий категорияларга қиёсан жавоб берилди. Чунки анъанавий тилшунослик мантик асосида, унинг категорияларига қиёсан вужудга келди. Тилшуносликдаги мантикий йўналиш тарафдорларининг фикрича, ҳар бир гап маълум бир ҳукмни ифодалайди. Предикативлик фақат гап асосинигина эмас, балки ҳукм асосини ҳам тақшил этади. Антик даврдан бошлаб ҳукмрон бўлган ва Арасту номи билан узвий боғланган атрибутив мантик ҳукмнинг доимо икки унсурдан - субъект ва предикатдан ташкил топишини эътироф этади. Предикат субъектга тобе бўлиб, унинг белгисини кўрсатади. Субъект эса предикатдан англашилган белгининг ташувчиси, эгаси саналади. Шунга мувофиқ, мантик, категорияларига қиёсан ривожланган тилшуносликда ҳам ҳукм элементлари - субъект (предмет хақидаги тушунча) ва предикатга (белги хақидаги тушунча) аналогия йўли билан эга ва кесим гапнинг асоси

¹ Грамматика русского языка. Т. II, Ч.1, М., 1954. С.80. **Золотова Г.А.** К понятию предикативности. - "Теоретические проблемы синтаксиса современных индоевропейских языков" Л., 1975. С. 147; **Нурмонов А.** Уша асар. 25-бет.

деб қаралди. Уларнинг биринчиси - субстантив сўзлар; иккинчиси эса акцидент сўзлар ҳисобланади¹.

Предикативликка мантикий нуқтаи назардан ёндашишга биринчи марта акад. В.В.Виноградов чек қўйди. У предикативликни фақат гап бўлаклари ўртасидаги предикатив алоқа билан боғлиқ эмаслигини, у айрим бўлақларга бўлинмай бутун бир гапга хос бўлишини кўрсатиб берди. **Жим! Иссик!** типдаги синтактик қурилмаларда ҳам предикативлик мавжудлигини, унинг бундай типдаги гапларда модаллик, замон ва шахс синтактик категориялари орқали ифодаланишини таъкидлади².

Н.Ю.Шведова эса предикативлик гапнинг шакллар системасида қисмларга ажралмайдиган грамматик маъно эканлигини, унинг гапда баён қилинаётган мазмуннинг борлиқ билан муносабатини белгиловчи категория эканлигини кўрсатади.

XIX аср охири, XX аср бошларидан бошлаб анъанавий атрибутив мантиққа қарама-қарши равишда муносабат мантиқи вужудга келди. Муносабат мантиқига мувофик содда ҳукм асосини субъект ва предикат муносабати эмас, балки маълум бир муносабат билан боғланган субстанциялар йиғиндиси ташкил этади. Англашиладики, ҳар қандай содда ҳукм предикат ва унинг аргументлари йиғиндисидан ташкил топади. Предикат ҳукмнинг маркази саналади.

Муносабат мантиқига таянган грамматик назарияларда муносабатни ифодаловчи предикатив шаклни олган предикат гапнинг бош бўлаги, предикатнинг мазмуний ва шаклий валентликларини тўлдириб, унинг аргументи бўлиб келган бўлақлар иккинчи даражали бўлақ ҳисобланади³.

¹ Қаранг. Нурмонов А. Ўша асар. 26-бет.

² Грамматика русского языка. М., 1954. Т.2, Ч. I, С.87.

³ Холодович А.А. К вопросу о доминанте предложения.//“Проблемы грамматической теории”, Л., 1979.С.216.

Шундай қилиб, гапнинг предикатив марказини ҳисобга олишда тилшуносликда икки чўққили (эга ва кесим) назария ёнида бир чўққили (кесим) назария вужудга келди.

Предикативлик ҳар қандай гапнинг зарурий элементи, категориал маъноси¹ конститутив белгисидир². Предикативликни ташувчи асосий гап унсури предикатив шаклдаги предикатдир³.

А.А.Холодович ҳам гапларнинг гавдалантириш (репрезентативлик) белгисига кўра фақат кесим гап тарикбида етакчи ўрин эгаллашини, гапнинг бошқа бўлаклари кесимнинг актант ва сирконатантлари сифатида функциялашини кўрсатади. Унинг фикрича, тилшуносликда узоқ давр бош бўлақларининг (эга ва кесимнинг) икки аъзоли эканлиги ҳақидаги фикр шаклий мантиқнинг меросидир⁴.

Айниқса, туркий тилларда кесим гап таркибида етакчи роль ўйнайди. Кесим гапнинг предикативлик белгисини ташувчи ахборот маркази бўлиш билан бирга, унинг валентлигини (бўш ўринларини) тўлдириб келувчи унсуларнинг синтактик вазиятда келишини тақозо этувчи уюштирувчи марказ ҳамдир. Гапда кесимнинг бўлмаслиги мумкин эмас. Усиз ахборот англашилмайди. Анъанага кўра кесимсиз эга гап ҳисобланувчи ***Баҳор. Кўм-кўк дала!*** типдаги атов гаплар ҳам аслида кесимнинг ўзидир. Шундай экан, гапнинг бош бўлаги кесимдир.

Француз тилшуноси Л.Теньернинг гапни кичик драмага ўхшатиши бежиз эмас. Драмада ҳаракат ва роллар мавжуд. Гапда ҳаракат - бу кесим бўлса, бошқа бўлақлар бу ҳаракатдаги муайян ролларни бажаради.

¹ Рословец Я.И. О второстепенных членах и их синтаксических функциях. ВЯ. 1976. № 3, С.79.

² Панифлов В.З. Взаимоотношения языка и мышления. М., 1971. С.170.

³ Нурмонов А. Ўша асар. 31-бет.

⁴ Холодович А.А. Ўша асар. 298-бет.

1.3. Гапни иккинчи даражали бўлакларга ажратиш масаласи

Гапнинг бош бўлакларини ажратишда хилма-хил қарашлар мавжуд бўлганидек, гапнинг иккинчи даражали бўлакларини ажратишда ҳам тилшунослар ўртасида бир хиллик йўқ.

Иккинчи даражали бўлакларни белгилашда барча тилшунослар фақат бир масалада бирлашадилар. Уларнинг ҳаммаси гап бўлаги бўлиши ёки бўлмаслигини белгилаш учун тобеланиш муносабатига киришадими ёки йўқми деган масалага таянадилар. Тобеланиш муносабатига киришса, гап бўлаги, яъни иккинчи даражали бўлак, киришмаса гап бўлаги эмас, деб ҳисоблайдилар.

Тобе вазиятда келиб, ҳоким қисм талаб этган синтактик вазиятда келган синтактик шакл иккинчи даражали бўлак саналади. Лекин иккинчи даражали бўлаклар қандай бўлакларни ўз ичига олади, деган масалани ҳал қилишда хилма-хил қарашлар вужудга келди.

Иккинчи даражали бўлакларнинг ички бўлинишидаги ҳар хиллик ҳам тилшуносларнинг асосга кўра тасниф қилишидан келиб чиқади.

Тилшуносларнинг бир гуруҳи иккинчи даражали бўлакларни тасниф қилишда уларнинг ҳоким бўлакка боғланиш усулига таянадилар. Бунга мувофиқ, иккинчи даражали бўлаклар уч гуруҳга бўлинадилар: мослашувчи бўлак, бошқарувчи бўлак, битишувчи бўлак. Бундай қараш рус тилшуноси Ф.И.Буслаев асарларида баён қилинади.

Иккинчи гуруҳ тилшунослар қандай иккинчи даражали бўлак эканлигини тайинлашда уларнинг моддий асоси бўлган сўз туркумлари ва уларнинг шаклларига асосланадилар.

Хусусан, А.А.Потебня учта бир-бирига қарама-қарши қўйилган сўз синфларини ажратади: от, феъл, равиш.

Унинг фикрича, от ўзаро қарама-қарши қўйилган икки шаклга бош келишик ва восита келишикларга; феъл икки шаклга - шахсли ва шахссиз шаклларга эга. Бундай сўз синфлари ўзларининг шакллари билан гап бўлакларининг моддий асоси бўлиб хизмат қилади. Феълнинг шахсли шаклидан ифодаланган гап бўлаги - кесим, бош келишикдаги отдан ифодаланган бўлак - эга, восита келишикларидagi отдан ифодаланган бўлак-тўлдирувчи, равишдан ифодаланган бўлак - ҳол ва шахссиз феълдан ифодаланган бўлак - иккинчи даражали, тобе қисм саналади¹. Кўриниб турибдики, бу концепцияга мувофиқ, аниқловчи ўз моддий асосига эга эмас. Шунинг учун ҳам А.А.Потебня гапни бўлакларга ажратишнинг қўшимча ва тобе белгиси сифатида “алоқа усули”ни, хусусан, мослашувчи киритишга мажбур бўлди. Бунга кўра аниқловчини мослашувчи от сифатида ажратиб, уни тўлдирувчи ва эгага мослашмайдиган от сифатида қарама-қарши қўйди. Англашиладики, гап бўлаклари синтаксиси сўз туркумлари морфологиясига ўхшатилади. Шунинг учун ҳам бу концепция тилшуносликда морфологизм концепцияси деб ҳам юритилади.

Синтаксиснинг морфология билан ўхшатилиши, синтактик категорияларни морфологик категориялар асосида изоҳлаш, айниқса морфологизм, йўналишининг сўнгги вакили бўлган А.М.Пешковскийда аниқ намоён бўлди. У аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол терминлари сифат, восита келишикларидagi от, равиш терминлари билан синонимдир, деган хулосага келди.

Тилшуносликдаги морфологизм йўналишга биринчи марта акад. Л.Щерба чек қўйди. У морфологизм йўналиш тарафдорлигининг аниқловчи - бу сифат, тўлдирувчи - бу восита келишикларидagi ҳамда кўмакчилар билан бирга келган от, ҳол - бу равиш, деб изоҳлашларининг амалий

¹ Қаранг: Нурмонов А., Ўша асар. 43-бет.

жихатдан ҳам, назарий жихатдан ҳам билиш жараёнига ҳеч қандай аҳамияти йўқлигини, фақат тилнинг икки сатҳидаги кайтариқ эканлигини таъкидлагани холда, бундай йўналишни каттиқ танқид қилди¹.

Гарчи Л.В.Шерба гап бўлаклари таснифи бўйича ўзгача мавжуд бўлган қарашларни асосли равишда аёвсиз танқид қилган бўлса ҳам, бундай таснифларнинг ҳеч қандай амалий ва назарий қиммати йўқлигини кўрсатиб берган бўлса ҳам, лекин ўзи бунга қарама-қарши ва ундан афзалроқ бўлган концепцияни тавсия этмади.

Тилшунослик тарихида иккинчи даражали бўлақларнинг тасниф асослари ҳақида А.И.Смирницкийнинг қарашлари алоҳида қимматга эга. У ўзгача бўлган барча ғояларга танқидий ёндашган ва уларнинг ҳар қайсисида мавжуд бўлган ижобий томонлардан фойдаланган холда, ўзининг оригинал қарашларини баён қилди.

А.И.Смирницкий гап бўлақларига ажратишнинг анъанавий принципи гап унсурларининг бир неча белгиларига таянганлиги учун бир синтактик бирликни бир неча хил гап бўлақларига киритганлигига танқидий баҳо берган холда, гапни гап бўлақларига ажратишда уларнинг бир неча хил белгиларига таянмай, бу белгилардан энг асосийларини ажратиб олиш кераклигини таъкидлайди. Ана шундай асосий белгилар сифатида қуйидаги белгилар ажратилади:

1. Гап бўлаклари ўртасидаги алоқа даражаси ва уларнинг характери;

2. Мазкур гап бўлаги орқали ифодаланган алоқа мазмуни (предмет, белги ва бошқалар).

Биринчи белгига кўра, гап таркибидаги сўзларнинг боғланиши бир хил эмаслиги, айрим сўзларнинг боғла-

¹ Қаранг. Шерба Л.В. Избранные работы по языкознанию и фонетике. Т.1. М., 1958. С.94.

ниши анча эркин, бошқаларники, эса анча зич эканлиги кўрсатилади. Сўзларнинг бундай боғланиш даражасига қараб дастлаб ўта зич боғланиш ва ўта бўш боғланишга ажратиш мумкинлигини кўрсатилади. Шундай қилиб, гапдаги бўлақларни ажратишда турли традициялар мавжудлиги таъкидланади: дастлаб эга ва кесим, ундан кейин эга кесимга боғланиб келган бўлақлар ажратилади. Эга ва кесим алоқаси ўта эркин, эга ёки кесимга боғланиб, аниқловчи-аниқланмиш муносабатини ташкил этган бирикма ўзаро ўта зич эканлигини таъкидланади. Бу икки боғланиш боғланишнинг икки кутби саналади. Уларнинг оралтигида ўта эркин ҳам, ўта зич ҳам бўлмаган учинчи боғланиш - тўлдирувчи билан тўлдирилмиш алоқаси мавжудлигини кўрсатилади.

Кўриниб турибдики, гапнинг тузилиш бирликларини гап бўлақлари термини остида ўрганиш бошлангандан буён гапни бўлақларга ажратишнинг ва уларнинг гап таркибидаги ролларини белгилашнинг ягона асоси мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам айрим тилшунослар асримизнинг етмишинчи йилларидан бошлаб гапларнинг шаклий тузилиш бирикмаларини ўрганишда, умуман, гап бўлақлари рубрикасидан воз кечиш керак, деган қарорга келдилар. Жумладан, Р.А.Золотова: “Мантик таъсирида тилшуносликда пайдо бўлган гап бўлақлари тушунчасидан воз кечиш синтактик ходисаларнинг ўзига хос хусусиятларини яхшироқ ўрганишга кенг имконият яратиб беради”, - дейди¹. Унинг таъкидлашича, худди шундай қилинганда мазмуний тузилиш унсурлари билан шаклий тузилиш унсурлари муқоюсасида ҳам анъанавий тилшуносликда кўрсатилганидек катта номувофиқлик мавжуд бўлмайди. Шу билан биргаликда бизнинг синтаксис ҳақидаги билимларимиз мазмунлироқ бўлиши мумкин.

Ана шундай ҳаракат натижасида Н.Ю.Шведова тахрири остида 1970 йилда чиққан “Грамматика современного

¹ Золотова Р.А. Коммуникативные аспекты русского синтаксиса. М., 1982. С.2

русского литературного языка” китобида гап бўлаклари концепцияси гапнинг тузилиш схемалари концепцияси билан алмаштирилади. Шундай бўлишига қарамасдан, бош бўлаklar термини сақланиб қолди. Гапнинг тузилиш схемасини ҳосил қилишида иштирок қиладиган синтактик шакллар гапнинг бош бўлаклари ҳисобланади. Лекин тузилиш схемасини турли жиҳатдан кенгайтирувчи сўз шакллар унинг тузилишига алоқаси бўлмайди. Шунинг учун ҳам улар бош бўлаklarга “иккинчи даражали сифатида қарама-қарши қўйилмайди”¹.

Худди шу Н.Ю.Шведова таҳрири остида 1982 йили чиққан “Русская грамматика” китобида эса ҳолат бир мунча ўзгарганини кўрамиз. Икки составли гапларнинг тузилиш схемасини ҳосил қилувчи бош бўлаklar атамаси билан биргаликда гапнинг кенгайтирувчи бўлаklари термини ҳам ишлатилади. Кенгайтирувчилар учта - субъект маъноли кенгайтирувчилар, объект маъноли кенгайтирувчилар ва кенгайтирувчи аниқловчиларга бўлинади. Буларнинг ҳаммаси биргаликда гапнинг предикатив асосини ташкил қилувчи бош бўлаklarга (констuentларга) қарама-қарши қўйилади².

1.4. Гапнинг номинатив аспекти

Тилнинг фонологик сатҳдан бошқа барча сатҳ бирликлари функционал умумийликка эга. У ҳам бўлса лексик морфема ҳам, сўз шакл ҳам, гап ҳам номлаш вазифасини бажаради. Лекин улар нимани номлаш нуқтаи назаридан бир-биридан фарқ қилади. Бу жиҳатдан лексик морфема, яъни лексема билан гап, тўғрироғи гап қолини ўзаро эквиолент-оппозицияга киришади. Улар номлаш белгисига кўра икки кутбни ташкил этади. Биринчиси ин-

¹ Грамматика современного русского литературного яз. II. М., 1982. С.136.

² Қаранг. Русская грамматика. II. М., 1982. С.136.

сон тажрибасининг ташқи ва ички элементларини номла-са¹, иккинчиси инсон онгида акс этган бир бутун воқе-ликлар, вазиятларни номлайди. Хар икки турдаги номлаш ономатологиянинг таркибий қисми саналгани ҳолда, бирин-чиси лексикологиянинг, иккинчиси эса синтаксиснинг ўрга-ниш объекти саналади.

Кўринадики, лексикология билан синтаксис ўзаро ту-таш нуқтасига эга. У ҳам бўлса лексикологиянинг ўрга-ниш объекти бўлган лексеманинг семантик тузилишида ҳам, синтаксиснинг ўрганиш объекти бўлган гапнинг се-мантик тузилишида ҳам асосий структур бирлик сифатида номинатив маъно ташкил этади. Шундай қилиб, хар икки бирлик номинатив, яъни аташ маъносининг номи эканлиги билан умумийликка эга. Лекин ниманинг номи эканлиги билан улар бир-биридан фарқ қилади. Биринчиси лексема ифодалаган алоҳида нарсалар, белги-хусусиятлар, харакат-ҳолатларнинг номлари сифатида лексик ном ёки лексик номинация саналса, иккинчиси синтактик бирликлар ор-қали ифодаланган объектив воқеликнинг алоҳида узвлари, вазиятларининг номлари саналиб, пропозициянинг номлари ёки пропозитив номинация ҳисобланади.

Шундай қилиб, ономатологиянинг иккинчи тури, яъни синтактик номинация гап ва унинг турли хил транс-формаларининг номинатив аспектини ўрганади. Бу йўна-лишдаги тадқиқотларда асосий эътибор гапнинг семантик моделларини белгилашга қаратилади. Гап ва унинг турли трансформалари бир умумий семантик моделга эга экан-лиги аниқланади.

Кўринадики, номлаш нуқтаи назаридан лексема (сўз) билан синтактик бирликлар, хусусан гап ўртасида маълум умумийлик бор. Шу билан биргаликда сўзнинг мазмуний мундарижаси билан гапнинг мазмуний мундарижаси тенг

¹ Общее языкознание. Внутренняя структура языка. С. 209.

эмас. Хар қандай мустақил сўз борлиқдаги нарса-ходисалар, белги-хусусиятлар, ҳаракат-ҳолатларнинг онгда акс этган умумлашган образларини номлайди. Бу жиҳатдан гапдан ташқаридаги сўз билан гап таркибидаги сўз мундарижасида ҳам маълум даражада фарқ мавжуд. Гапдан ташқаридаги сўз полисемик хусусиятга эга бўлиб, ўзининг барча семаларини имконият тарзда сақлаб турса, гап таркибида бу сўз ўзининг битта семаси билан синтагматик муносабатга киришади. Бундан ташқари гап таркибида ҳар бир сўз янги сифатга ҳам эга бўлади. Демакки, лексик номинация билан синтактик номинация ўртасида сифатий фарқ бўлади. У шунда кўринадики, алоҳида сўз борлиқдаги алоҳида нарса ва ходисаларни, белги ва хусусиятларни, ҳаракат ва ҳолатларни номлаш билангина кифояланади. Бу сўз гап вазифасида келганда эса сўзловчининг коммуникатив ниятини ифодаловчи қўшимча маънолар ҳам қўшилади. Масалан, **совук** лексема сифатида табиий ҳодисанинг номи бўлса, бу лексема бош келишик орқали шаклланиб, гап вазифасини бажарганда турли қўшимча маъноларга эга бўлади. Аввало, сўзловчининг коммуникатив нияти ифодаланади. Дарак, тасдиқ маъноларини ифодалайди. Иккинчидан, конкрет вазиятга боғлиқ равишда хилма-хил маънолар юзага чиқади. Хусусан, ҳавонинг совуклиги ҳақида оддий ахборот бериш; енгилроқ кийинган кишининг иссиқ кийинишига даъват этиш; бирор ерга бормоқчи бўлган кишининг ниятидан қайтариш ва бошқалар. Лекин бу маъноларнинг ҳар бири реал нутқий вазият билан узвий боғлиқ равишда юзага чиқади.

Бундан англашиладики, лексик номинация билан синтактик номинация ўртасида, аввало, ниманинг номи эканлиги билан фарқланиш мавжуд бўлиши билан бирга, коммуникатив ниятнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги билан ҳам фарқланади. Бундай фарқланиш асосида ётган ком-

муникатив ниятни коммуникатив белги деб хисоблаш мумкин.

Коммуникатив ният фақат лексик номинация билан синтактик номинация ўртасидагина фарқловчи белги бўлиб қолмай, синтактик номинациянинг ўз ичида ҳам фарқловчи белги вазифасини бажариши мумкин. Бундан шу нарса англашиладики, синтактик номинациянинг ҳаммаси ҳам коммуникатив ниятни ифодалай бермайди. Шунинг учун ҳам синтактик номинация ҳам ўз ичида коммуникатив ниятни ўзида ақс эттирадиган синтактик номинациялар ва коммуникатив ниятни ўзида ақс эттирмайдиган синтактик номинацияларга бўлинади. Коммуникатив белги мавжуд ёки мавжуд эмаслик хусусиятига кўра синтактик номинация ўзаро приватив оппозицияга киришувчи икки қутбий аъзога бўлинади. Биринчиси белгига эга, манфий, иккинчиси эса белгига эга эмас, мусбат бўлади. Уларнинг биринчиси гап шаклига эга бўлади, иккинчиси эса гап бўлиб шакллана олмайди.

Демак, муайян пропозиция ифодаловчи барча синтактик номинациялар пропозиция ифодалаш белгиси билан умумийликни ташкил этса ҳам, коммуникатив ниятни ифодалаш нуқтаи назаридан улар фарқланади. Шунинг учун ҳам синтактик номинация учун пропозитив белги бирлаштирувчи - интеграл белги саналса, коммуникатив белги фарқловчи - дифференциал белги хисобланади.

Синтактик номинация коммуникатив белги асосида ички бўлиниш хусусиятига эга экан, ана шу фарқловчи белги ҳақида батафсилроқ тўхталишга тўғри келади.

1.5. Коммуникатив белги ва унда предикатларнинг ўрни

Ҳар қандай гапнинг мазмуний ва синтактик тузилишида предикат марказий ўринни эгаллайди. Аслида предикат

кат мантикий тушунча бўлиб, гапнинг мазмуний тузилишининг марказий унсурини ифодалаш учун мантиқдан олинган.

Юқоридаги параграфларда баён қилинганидек, ҳар қандай синтактик қурилма предикатларнинг бўш ўринларини тўлдириш натижасида вужудга келади. Ана шу имконият реаллашмаса ҳам, бўш ўринларга эга бўлган предикатнинг ўзи пропозиция асоси ва айни вақтда, синтактик бирликнинг таянч нуқтаси сифатида минимал синтактик бирлик саналади.

Синтактик бирликларнинг коммуникатив белги асосида гап ва гап бўлмаган бирликларга ажратилишида ҳам асосан предикатларнинг қандай шаклда туриши асосий таянч нуқта ҳисобланади.

В.Г.Гакнинг синтактик бирликларнинг бирламчи ва иккиламчи вазифаларини ажратишида ҳам ана шу предикатнинг қандай шаклланганлиги ва унинг бўш ўринларини тўлдирган узвлар реал борликнинг қайси узварига мувофиқ келганлиги ётади.¹

Унинг фикрича, мазмуний элементларнинг синтактик элементларга мувофиқ келиши, яъни предикатнинг кесим вазифасида, ҳаракатни бажарувчи субъектнинг эга вазифасида келиши уларнинг бирламчи вазифаси, қолган вазифаларда келиши эса иккиламчи вазифаси саналади.

Шунингдек, Т.П.Ломтевнинг синтактик парадигмаларни ҳосил қилиш назарияси, А.А.Холодовичнинг диатеза назарияси асосида ҳам синтактик бирликлар таркибидаги мазмуний предикатнинг қандай ифодаланиши, қандай шаклга эга бўлиши ётади. Предикатнинг ана шу хусусияти асосида гапнинг номинатив аспекти ёритилади. Бундай тадқиқотлар асосида гапнинг номинатив томонини ёритиш ётганлиги туфайли, гапларнинг актуал бўлакларга ажра-

¹ Инвариантные синтаксические значения и структура предложения. М., 1969. С.82.

тилиши, уларнинг коммуникатив йўналишини текшириш кейинги планга суриб қўйилди. Лекин ҳар бир тадқиқотчи ҳар қандай синтагматик занжир энг камида икки мазмуний функцияга бўйсундирилганлигини ҳеч қачон эсдан чиқармаслиги керак. У ҳам бўлса вазият ифодаланишининг номинатив функцияси ва жумлада ахборот маркази (рема) ҳамда ахборот мавзуси (тема)ни ажратишга қарагилган коммуникатив функция.

Жумла қурилишида номинатив аспект қанчалик аҳамиятли бўлса, коммуникатив томон ҳам шунчалик муҳим саналади. Коммуникатив томон ҳам ўзининг ички тузилишига эга. Гапнинг мазмуний ва шаклий (синтактик) тузилишидан фарқли равишда, коммуникатив тузилиш фақат икки аъзодан мавзу (тема) ва ремалардан иборат бўлади. Мавзу ҳар бир гапдан ифодаланаётган ахборотнинг эгасини билдирса, рема шу ҳақда билдириладиган янги маълумотни ифодалайди. Мавзу олдинги гапда ифодаланган реманинг давоми саналади. Демак, ҳар бир гап коммуникатив томонда мавзу ва ремаларга бўлиниб, мавзу бу гапни олдинги гапга мазмуний боғлаш вазифасини бажарса, рема ҳар бир гапда ифодаланиши лозим бўлган янги ахборотни ифодалайди.

Шундай қилиб, тема-рематик тузилиш, бир қараганда гапнинг синтактик тузилишидаги эга-кесим тузилишига ўхшайди. Лекин улар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Аввало, тема-рематик тузилиш йиғиқ гапларда эга-кесим тузилишига мос келиб қолиши мумкин. Лекин ёйиқ гапларда улар бир-бирига мувофиқ келгандай кўринганда ҳам, мундарижаси нуқтаи назаридан мос келмайди. Чунки ёйиқ гапларда бош бўлақлардан ташқари, иккинчи даражали бўлақлар ҳам иштирок этиб, гап бўлақларининг сони иккидан ортиқ бўлади. Иккита бўлган тақдирда ҳам иккинчи бўлақ бош бўлақ эмас, балки иккинчи даражали

бўлақлардан бири саналади. Бундай вақтда ёйиқ гап бир оосоставли гап характерида бўлади.

Биринчи боб юзасидан хулосалар

1. Гап система сифатида икки ва ундан ортиқ синтактик бирликларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган яхлитликдир. Айрим ҳолларда битта синтактик бирликнинг ўзи ҳам предикатив маъно ва уни ифодаловчи предикатив шаклларга эга бўлиб, гап сифатида шаклланиши мумкин.

Фонологик сатҳдан бошқа барча сатҳ бирликлари шакл ва маъно муносабатидан ташкил топади. Шундай экан гап ҳам шаклий ва мазмуний бирликларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган яхлитлик ҳисобланади.

2. Гапнинг шаклий бирликлари гап бўлақлари рукни остида ўрганиб келинди, лекин гапнинг бўлақлари ажратиш тамойиллари бўйича ҳам гап бўлақларини ички тузилиш хусусиятлари бўйича ҳам шу кунгача тилшунослар ўртасида турли хил фикрлар билдириб келинди. Гап бўлақлари фақат икки даражага бўлинди. Натижада бу икки даражага кирмаган синтактик бирликлар гап бўлақлари рукнидан четда қолди.

3. Юқоридаги каби бўлақларга ажратиш бизнинг назаримизда гапни бўлақларга ажратишда фақат тобе муносабатга таянишдан келиб чиқади. Агар «ўзаро тобелик муносабати» тамойилидан четлашилса шу кунгача гап бўлақлари синтаксиси бўйича йўл қўйилган камчиликларга барҳам берилади.

4. Туркий тилларда гапнинг мазмуний ва конструктив маркази кесимдир. Қолган синтактик бирликларнинг кесимга бўлган мазмуний ва грамматик муносабати гап бўлақларини ажратиш ва уни даражаларга бўлишга таянч нуқта қилиб олинса, гапнинг бўлақлари фақат икки даражага эмас, балки бир неча даражалари бўлиши аён бўлади.

5. Синтактик бирликларнинг кесимга бўлган муносабатини белгилаш гапнинг бўлаклари ва бўлакнинг бўлакларига ажратишга имкон беради.

6. Бўлакнинг бўлакларга ажраладиган синтактик қурилмалар умумий гап структураси учун битта синтактик вазиятни эгаллайди. Бундай битта синтактик вазиятни эгаллаган ва ички бўлиниш хусусиятига эга бўлган синтактик қурилмаларни таркибий қисмларга бўлинишнинг кейинги даражаси саналади. Бундай бўлиниш фақат битта синтактик вазиятда келган синтактик қурилма учунгина хос бўлади.

7. Гапнинг шаклий (синтактик) тузилиш бирликларини позицион аспектда ўрганиш гап таркибидаги гапнинг бўлаги ва бўлакнинг бўлаги вазифасида келган синтактик бирликларни ажратишга қулай шароит яратиб беради.

II БОБ. ПРОПОЗИТИВ НОМЛАР ВА УЛАРНИНГ ГАП ТУЗИЛИШИДАГИ ЎРНИ

2.1. Умумий масалалар

Ҳар қандай нуткий жараён тил кодлари (белгилари) ёрдамида инсоннинг объектив олам ҳақидаги фикрларини ифодалаш жараёни саналади. Шундай экан, нутқ объектив олам билан онг орқали боғлангандир. Объектив оламнинг муайян парчаси инсон онгида акс этади ва бу акс этган борлиқ узвларининг умумлашган образлари тил кодлари ёрдамида ўз ифодасини топади.

Кўринадики, тил ва тафаккур ўзаро узвий алоқадордир. Инсон миясида онг ва тил икки нисбий мустақил жиҳатни ташкил этади. Уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос билимлар сақланадиган хотирага ва уларни фаоллаштирадиган воситаларига эга. Бу воситалар кўрсатилган икки турдаги билимлар хотирасидан муайян воқеа-ҳодисани баён қилиш учун зарур бўлганларини ажратиб олиб, ҳарқатга келтиради¹. Шундай қилиб, бу икки жиҳат бир-бири билан шу қадар мустаҳкам алоқадорки, онг фаолияти ҳар доим тил фаолиятини кузатиб боради ва ўз таркибига кўра ягона ва мураккаб нуткий тафаккур жараёнини ҳосил қилади.

Онг - бу инсоннинг ўзини қуршаб турган олам ҳақидаги билимлари мажмуасидир. Инсон бундай билимларга оламни бевосита кузатиш жараёни орқалигина эмас, балки бошқалардан ахборот олиш орқали ҳам эга бўлади. Шунинг учун инсоннинг билиш фаолияти ҳам тил системаси ёрдамисиз амалга ошмайди.

Тил “хотираси”да сақланадиган асосий билим - бу сўз ва унинг маънолари ҳақидаги билимдир. Бу билимни фаоллаштирувчи восита эса грамматик воситалардир.

¹ Кашнелсон С.Д. Речемыслительные процессы // ВЯ., 1984. № 4. С.6.

Нуткий жараёнда керакли сўзларни танлаш ва уларни бевосита нуткқа олиб кириш сўзловчининг олдиндан сўз хакида эга бўлган билимларига таянилади.

Хар қандай нуткий жараён икки босқични тақозо этади: биринчи босқич (фикрни шакллантириш), иккинчи босқич (коммуникация мақсадида фикрни моддий воситалар орқали юзага чиқариш).

Нуткий тафаккур жараёнининг биринчи босқичида онгнинг фаоллаштирилган элементлари алоҳида кадрларга бўлинади ва уларнинг хар қайсиси алоҳида воқеа ёки ходисаларни акс эттиради. Фикр оқимининг алоҳида кадрларга бўлиш воситаси реляцион предикатлар ва уларнинг конкрет маъноларидир. Реляцион предикатлар ва уларнинг маънолари бирикувидан **пропозиция** вужудга келади.¹

Пропозиция тушунчаси ҳозирги тилшуносликда кенг қўлланилиб, муайян синтактик қурилма воситасида ифодаланган объектив воқеликни ифодалайди.

Хар қандай гап муайян пропозицияни ифодаласа ҳам, лекин хар қандай пропозициянинг гап орқали ифодаланиши шарт эмас. Бундан шу нарса маълум бўладики, пропозиция гапнинг мазмун томонига даҳлдор бўлиб, пропозиция ва гап тушунчалари бир-бирига тенг эмас.

Пропозиция гапдан, аввало, мундарижаси нуқтаи назаридан фарқ қилади. Чунки гап шакл ва мазмун муносабатидан ташкил топган бутунлик сифатида пропозитив тузилиш унинг фақат мазмуний тузилишининг бир томонига тегишли саналади. Шу билан бирга пропозиция маълум воқеа-ходисани ўзаро мантикий тенг бўлган предметлар муносабатини ифодалашни билан ҳам гапдан фарқ қилади. Масалан, 1) **Азиз икасига қарзга пил берди.** 2) **Укаси Азиздан қарзга пил олди.** 3) **Пул икаси томонидан Азиздан қарзга олинди.**

¹ Кашнельсон С.Д. Речемышлительные процессы // ВЯ.1984. № 4. С.6.

Юқоридаги гапларнинг ҳаммаси бир хил иштирокчиларни ўз ичига олган бир умумий воқеа-ҳодисани, бир пропозицияни ифодалайди. Уларнинг иштирокчилари **Азиз** ва унинг икаси ҳамда улар ўртасидаги **пул** муомаласидир. Бу воқеанинг турли жумлалар орқали ифодаланишига сабаб шуки, бир ўринда таянч нукта сифатида **Азиз** олинса, иккинчи ўринда унинг икаси, учинчи ўринда эса **пул олинади**.

Пропозициянинг ифодаланишида реляцион предикат катта аҳамиятга эга. Реляцион предикатни айрим тилшунослар пармаланган тахтага қиёслайдилар. Тахтада пармаланган тешиklar ёғочдан ясалган миҳчалар билан қонлангани каби, реляцион предикатлар ҳам муайян бўш ўринларга, бўш катакларга эга бўлади. Реляцион предикатларнинг ана шундай бўш ўринларининг тўлдирилиши пропозицияни вужудга келтиради. Масалан, юқоридаги жумлаларнинг ҳосил бўлишига асос бўлган **қарз бермок** реляцион предикати учта бўш ўринга - бўш катакка эга: а) қарз берувчи; б) қарз олувчи ва в) қарз қиммати ёки қарз воситаси (қарзнинг нима эканлиги). Ана шу бўш катакларнинг конкрет лексик бирликлар билан тўлдирилиши натижасида уч ўринли предикат пропозицияга айлантирилади.

Шундай қилиб, пропозиция ифодалаш учун маълум шаклдордаги бўш ўринларга эга бўлган реляцион предикатлар катта аҳамиятга эга бўлса ҳам, лекин шу предикатнинг ўзи пропозиция учун кифоя қилмайди. Предикатнинг пропозиция ифодалашга ўтиши учун у ўзининг бўш ўринларини тегишли лексик бирликлар билан тўлдирилиши лозим бўлади. Демак, реляцион предикат ўз валентликларини юзага чиқариб, таркиби кенгайиши натижасида уларнинг ҳаммаси биргаликда муайян пропозицияни ифодалашга ўтади.

Гапнинг таркибидаги синтактик узвлар роли қайси аъзо қайси аъзога боғланиш хусусияти билангина чегараланмайди. Масалан, У китоб ўқиди ва Китоб у томонидан ўқилди гаплари бир хил сўзлардан ташкил топган. Бу сўзлар ҳар икки гапда бир маънода қўлланилади ва бир хил “тобелик шажараси”ни ҳосил қилади. Лекин юкоридаги гаплар бир хил сўзларнинг турли синтактик позицияни эгаллагани билан фарқ қилади. Биринчи гапда у эга позициясида, ҳаракат тушган объект тўлдирувчи позиция. Иккинчи гапда эса ҳаракатни бажарувчи субъект (у) тўлдирувчи позициясида, ҳаракатни қабул қилган объект эса эга позициясида қўлланган. Шундай қилиб, синтактик қурилмада иштирок этаётган аъзоларнинг қандай сўзлардан ифодаланишигина эмас, балки шу аъзоларнинг қандай синтактик позициясида (вазиятда) келиши ҳам гап мазмуний тузилиши учун аҳамиятлидир. Чунки икки ва ундан ортиқ гаплар бир хил сўзлардан ташкил топиши билан умумийликни ташкил этса ҳам, лекин шу сўзларнинг турли вазиятларда келиши бу гапларнинг бошқа-бошқа эканлигини таъминлайди. Демак, бундай ўринларда гапнинг асосий фарқловчи (дифференциал) белгиси шу гапда иштирок этаётган узвларнинг моддий томони эмас, балки уларнинг қандай вазиятни эгаллаш белгиси саналади.

Қўринадик, гап учун шу гапни ташкил этган узвларнинг субстанционал (моддий) томони қандай аҳамиятга эга бўлса, шу узвларнинг эгаллаган вазияти ҳам шунчалик аҳамиятлидир.

Бу шуни кўрсатадиги, гапнинг мазмуни у ифодалаган объектив борлиққа мувофиқ келиши учун шу борлиқ қисмларини (фрагментларини) тўғри номлашгина кифоя қилмайди. Бундан ташқари улар ўртасидаги муносабатни ҳам тўғри ифодалаш лозим бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, у ёки бу ахборотни ифодалаш учун сўзловчининг муайян сўзларни танлаши фақат маълум объектив воқеликни, маълум синтактик вазиятни тўғри ифодалаш учун зарур бўлган синтактик конструкция танлангандан сўнгина амалга ошади. Шунинг учун ҳам Е.Курилович синтактик маъно лексик маънога нисбатан бирламчи эканлигини таъкидлайди.¹

Нутқий фаолият жараёнида синтактик қурилма танланиши билан бирга бу қурилмани тўлдириш учун сўз ҳам танланади. Бу ҳар икки жараён номинатив жараёни билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам В.Г.Гак: “Сўз ва синтактик қурилма жумла қуриш жараёнида турли даражада номинатив ва уюштириш вазифасини бажаради”, - деган эди.² Бу шуни кўрсатадики, фақат сўзгина эмас, балки гап қолипи ҳам номинатив аспектда ўрганилиши мумкин.

Гап қурилишига сўз бирикмалари нуқтаи назардан ёндашувга мувофиқ, гап номинатив бирликларнинг - сўз ва сўз бирикмаларининг бирлашуви сифатида қаралади. Мазмуний синтаксис нуқтаи назаридан эса гап иштирокчилари ҳаракатга келтирилган воқелик (вазият) сифатида ўрганилади. Иштирокчилар актантлар деб юритилади. Шундай қилиб, гапнинг мазмуний иштирокчилари-актантлар билан бу актантларнинг синтактик боғланишдаги вазифалари бир хил эмас. Шунинг учун ҳам мазмуний иштирокчилар билан уларнинг эгаллаган синтактик вазиятлари ўртасидаги муносабатни ўрганиш ҳам кейинги даврда синтаксис мутахассислари диққатини кўпроқ ўзига жалб эта бошлади. Бунинг натижасида мазмуний синтаксисда гапнинг шакл ва мазмуни ўртасидаги муносабатни ўрганишга алоҳида эътибор берилга бошланди.

¹ Курилович Е. Очерки по лингвистике. М., 1962. С.179.

² Гак Е. Проблемы лексико-грамматической организации предложения // АДД, М., 1967.

2.2. Пропозитив номинация ва денотат тузилиши

Анъанавий тилшуносликда синтаксис бўйича олиб берилган тадқиқотларда асосий эътибор синтактик бирликларнинг шаклий томонига, шаклий тузилиш бирликларининг ўзаро боғланиш хусусияти, ўзаро тобе муносабатда тобе вазиятдаги синтактик бирликнинг вазифаси ҳамда унинг қандай сўзлардан ифодаланишини аниқлашга қаратилди. Синтактик бирликларнинг мазмуни ҳақида фикр юритилганда шу синтактик бирликларнинг тафаккурнинг мантикий тузилишига муносабатига аҳамият берилди. Бунинг натижасида тадқиқотчи гапнинг асосий ифодалаган мазмунини аниқлаш билан бирга, шу синтактик бирликнинг умумий синтактик ҳолатини (моделини) белгилашга ҳам ҳаракат қилди.

Мазмуний синтаксиснинг ривожланиши натижасида гап синтактик тузилиши билан унинг мазмуний тузилиши ўртасидаги муносабат йўналиши, мазмуний тузилиш моҳиятини белгилаш бир мунча ўзгарди. Бунга мувофиқ, гап (жумла) тўлиқ тил белгиси ҳисобланади ва асосий эътибор шу белги орқали ифодаланган вазият (референт) ўртасидаги муносабатни ёритишга қаратилади. Ана шу асосда синтактик бирликнинг структур модели ва унинг мазмуни ўртасидаги муносабат очиб берилади.

Ҳар қандай синтактик бирлик орқали ифодаланган вазият универсаллик моҳиятига эга. Чунки объектив реалликнинг инсон онгида акс этиши, ўз тасвирини топиши, у қайси тилга, қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъий назар, бир хиллик касб этади.

Синтактик бирликлар орқали ифодаланган вазиятнинг ана шу универсаллигига эътиборнинг кучайиши натижасида турли системадаги тилларда синтактик тузилиш билан

Ифодаланишини ўрганадиган қиёсий ва типологик тадқиқотларни майдонга келтирди.

Шундай қилиб, бир томондан, гапнинг семиотик талқини, яъни унинг белги сифатидаги изоҳи, иккинчи томондан, гапнинг номинатив томонини ёритишга асосий эътибор қаратиладиган мазмуний синтактик таҳлилнинг кучайиши ва нихоят А. Гардинернинг Ф. де Соссюр қарашларига қўшимча равишда нутқ назариясининг ривожланиши синтактик тадқиқиотлар йўналишини қайта кўриб чиқишга олиб келди.

Бунинг натижасида тилшуносликда қўлланиб келинган формал мантиқ ва психология категориялари семиотика ва мантиқий семантика категориялари билан алмаштирилди. [Шакл (ифодаловчи) - ифодаланмиш (маъно) - предмет, вазият] семантик триадаси синтактик таҳлилнинг асосий методига айланиб қолди.

Гапнинг номинатив аспектини ифодалаш учун кўпроқ пропозиция атамасидан фойдаланиладиган бўлди. Бу атама тилшуносликка мантиқ ва фалсафа таъсирида шу фанлардан кириб келди. Мантиқ, фалсафа ва уларнинг таъсирида тилшуносликда қўлланилаётган пропозиция атамаси гапнинг модаллик белгиларини ифодаловчи қисмларидан ҳоли бўлган феъл ва отлар ўртасидаги замондан ташқаридаги муносабатни ифодалайди. Модал маъно таркибига **вса** инкор, замон, майл маънолари киритилади. Демак, **инкор-тасдиқлик**, замон ва майл маъноларидан ҳоли бўлган предикат ва унинг аргументлари ўртасидаги муносабат пропозициянинг асоси бўлади. Бу шуни кўрсатадики, ҳар қандай гап асосида маълум пропозиция ётса ҳам, лекин фақат пропозицияни ифодалаш белгиси синтактик бирликни гап бўлиб шаклланиши учун камлик қилади.

Ҳар қандай гапнинг гап бўлиб шаклланиши учун пропозицияга яна модусни қўшиш керак бўлади. Ана шу модус пропозицияга тасдиқ-инкорлик, замон ва майл маъ-

носини қўшади ва пропозиция ифодаловчи лексик элементлар системасига модус ифодаловчи грамматик элементлар системасининг қўшилиши ҳар қандай пропозиция ифодаловчи синтактик қурилмани гапга айлантиради. Шундай қилиб, ҳар қандай гапнинг семантик тузилишини қуйидагича ифодалаш мумкин бўлади: S—M+P. Бу ўринда S-гапнинг рамзи, M-модаллик рамзи, P-пропозиция рамзи. Кўринадики, муайян пропозициянинг маълум модус маъноларни ифодаловчи лисоний воситалар ёрдамида ифодаланиши гап саналади.

Бунга мувофиқ, маълум пропозиция ифодаловчи синтактик бирликларнинг гап ёки гап эмаслиги ўртасидаги дифференциал фарқ модусни ифодаловчи лингвистик бирликларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигидир.

2.3. Синтагматик муносабат ва уни юзага чиқарувчи воситалар

Синтагматик муносабат ҳақида

Кейинги йилларда тилшунослар ўртасида синтаксиснинг синтагматик томонига кучайиши яна ҳам ортди. Аслида синтаксиснинг бу томони синтактик назария пайдо бўлгандан буён олимлар диққатини жалб этиб келади. Синтаксис атамасининг ўзи ҳам ана шу муносабатга эътиборнинг қаратилиши оқибатида пайдо бўлгандир. Лекин ўтган асрнинг 60 – йилларидан бошлаб тил таҳлилининг аввал формаллаштириш ва сўнгра автоматлаштириш вазифасига қаратилганлиги синтагматик томонга эътиборни яна ҳам кучайтириб юборди. Бунга айниқса Фарбий Оврупа олимларининг тадқиқотлари, хусусан, Й. Рис, А. де Грот ва Л.Теньерларнинг илмий изланишлари қулай шароит яратди.

Гапнинг шаклий тузилишини формаллаштиришга интилиш асосан синтагматикага асосланган қатор синтактик

назарияларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Гапнинг синтагматик моделини Б.Блокнинг дистрибутив синтаксисда ҳам, Р.Лонгакра ва З.Харрисларнинг гапнинг зангирли таҳлилида ҳам, Л.Теньбернинг стеммаларида ҳам, С.К.Шаумяннинг апплекатив грамматикасида ҳам, А.М.Мухиннинг юнкцион қурилишида ҳам ва бошқа бир қатор синтактик концепцияларда ҳам кузатиш мумкин¹.

Сўнги йилларда анъанага айланган синтактик таҳлил методининг ўзи ҳам асосан синтагматик муносабатни тиклашга қаратилгандир. Чунки бу метод гапнинг ядро ва ядросининг йўлдошларини аниқлашга, синтагматик алоқаларнинг “ички” ва “ташқи” муносабатларини очишга, минимал синтактик бирликларга - синтаксемаларга тавсиф беришга асосан эътиборни қаратади.

Айрим синтактик концепцияларда эса синтаксис тушунчасининг ўзи синтагматика билан тенг қилиб қўйилди. Бу бирликларининг валентлик хусусиятлари ва уларнинг бутқий воқеаланиш ҳақида кўпроқ фикр юритилди. Айниқса бу соҳада Л.Ельмслевнинг “мантикий боғлиқлик системаси” ҳақидаги назарияси катта аҳамиятга эга бўлди.

Мантикий боғлиқлик системасида Л.Ельмслев уч типдаги муносабатни ажратади: интерденденция, детерминация ва констеляция.

Ўзаро синтагматик муносабатга киришаётган аъзолар ўзаро шартланган бўлса, бир-бирини тақозо этса, интерденденция ҳисобланади.

Ўзаро синтагматик муносабатга киришаётган аъзолардан бири иккинчисининг бўлишини тақозо этган муносабат

¹ Қаранг. Мухин.А.М Структура предложений и их модели. М., 1968; Мухин.А.М. Модели внутренних синтаксических связей предложения // ВЯ 1970. № 4; Ломтев Т.П. Принципы построения формулы предложения -ФН. 1969. № 5; Мартине А. Основы общей лингвистики. - новое в лингв. Век III. М., 1963; Шаумян.С.К, Соболева.П.А. Аппликативная порождающая модель и исчисления трансформации в русском языке. М., 1963.

детерминация саналади. Демак, синтагматик муносабат га киришаётган аъзолардан бирини иккинчисига тобе бор ланиши детерминациядир. Унда синтагматик муносабатда бўлган аъзолардан бири хоким, иккинчиси эса тобе бўлади. Тобе қисм хоким қисм талаби билан юзага чиқади ва унинг бўш ўрнини тўлдиради, маъносини коңкретлашти ради.

Ўзаро синтагматик муносабатга киришаётган аъзола р ўзаро эркин бўлса, бундай муносабат **констелляция** хисобланади.¹

Л.Ельмслев олға сурган бу синтагматик концепция кейинчалик бир қатор Оврупо олимлари томонидан кен маъқулланди. Хусусан, П.Гарвин Л.Ельмслевнинг 3 та синтагматик муносабатини амалиётга қўллар экан, ўзаро шартланган муносабат, яъни интердепенденциянинг ўзини 3 гуруҳга ажратади: 1) **бир томонлама тобелилик** 2) **икки томонлама тобелилик**, 3) **салбий тобелилик**.

Детерминация муносабати ҳам унинг томонидан 2га бўлинади. 1) **бир томонлама шартланганлик** 2) **икки томонлама шартланганлик**: Икки томонлама шартланганлик деганда шундай муносабат тушуниладики, унда нутқ занжирида **А** элементнинг пайдо бўлиши шу нутқ занжиридаги **В** ва **С** элементларининг тенг ҳолда мавжуд бўлишини тақозо этади.

Айни пайтда кейинги 2 элементнинг ҳеч кайсиси **А** элементни тақозо этмайди.

Шундай қилиб, Л.Ельмслевнинг бу назарияси кўпчилик Оврупо олимларининг синтактик концепциясининг шаклланишига катта таъсир этди.

Л. Ельмслевнинг ўзи синтагматик муносабатлар таҳли

¹ Ельмслев Л. Метод структурного анализа в лингвистике. Звегинцев В.А. История языкознания XIX и XX веков в очерках и излечениях – Ч. II, 1960 С.49-55

лида мантикий тобеликдан фойдаланиш учун намуналар кўрсатди.

У жумла таркибидаги сўзлар ўртасидаги тобелик ҳақида баҳс юритар экан муносабат атамаси остида яхши сўзларни эмас, балки унинг таркибий қисмлари муносабатини тушунади.

Л. Ельмслевнинг таъкидлашича мантикий тобелик яхши сўзлар остида эмас, балки турли сўзларнинг қисмлари ўртасида мавжуд бўлар экан, улар турлича йўналишга эга бўлиши мумкин. Ана шундай турли йўналишликни у аниқловчи ва аниқланмиш муносабатида кўради: сифат ўзаги от ўзакни белгилайди. Унинг бўлишини тақозо этади. Айни пайтда сифатлардаги фискцик отдаги фискцияга қараб вужудга келади.

Айни пайтда шундай қараш асосида Л. Ельмслев лексемалар ўртасидаги тобелик билан сўз шакллари ўртасидаги тобеликни фарқлади. Шундай қилиб у семантик ва шаклий тобеликни ажратди. Лексемалар ўртасидаги тобелик семантик тобелик саналса сўз шакллари ўртасидаги эки синтагматик индикаторлар ўртасидаги тобелик шаклий тобелик ҳисобланади.

Л. Ельмслевнинг синтагматик муносабат ҳақидаги бундай қараш кейинчалик ўзбек тилшунослигига ҳам таъсир қилди. Ана шу қарашдан илҳом олган айрим ўзбек тилшунослари ҳам қандай гапнинг тузилиши ва мазмуний маркази кесим эканлигини эътироф этганлари ҳолда, қолган бўлақларни кесимга тобелик даражасига кўра белгилашга ҳаракат қилдилар. Бунда кесимнинг валентлиги эътиборга олинди, Л. Ельмслевнинг юқоридаги фикрига қаянган ҳолда кесим валентлиги бир бутун кесимга нисбатан эмас, балки кесимнинг ички тузилишига нисбатан белгиланади. Пропозитив кесим вазифасида келган сўз шаклининг асос қисми бўлган лексема валентлиги билан бу лексемани кесим сифатида шакллантирган кесимлик шак-

лининг валентлиги бир-биридан фаркланади. Кесимдан бошка бўлақларнинг гап структурасидаги мавқеини белгилашда ана шу 2 элементдан қайси бирининг валентлигини тўлдириши таянч нуқта қилиб олинди. Кесим таркибидаги кесимлик шакли билан муносабатда бўлган бўлақлар ва кесим таркибидаги лексема валентлигини тўлдириб, у билан муносабатда бўлган бўлақлар бир-биридан фаркланади.

Шундай қилиб, ўзбек тилшунослигида ҳам Л.Ельмслевнинг тавсия этган детерминациянинг 2 тури хақидаги ғоя пайдо бўлди: мазмуний детерминация ва шаклий детерминация.

Лексема (атов бирлиги) талаби билан шу лексеманинг бўш ўрнини тўлдириб келган лексема ўргасидаги муносабат мазмуний детерминацияни рўёбга чиқарса, кесим вазифасида келаётган лексеманинг кесимлик шакллари талаби билан, шу шаклнинг маъносини кенгайтирган, конкретлаштириши мақсадида юзага чиққан лексема билан муносабати шаклий детерминацияни майдонга чиқарди.

Детерминация моҳиятини ва характери синтагматик муносабатда бўлган узвларни марказий (бош) ва чегара (маргинал, тобе) аъзоларга бўлишини тақозо этади.

Детерминация қилинаётган, яъни аниқланиётган аъзо марказий аъзо, детерминацияловчи аъзо эса чегара (тобе) аъзо саналади.

Агар детерминация муносабати мазмуний ва шаклий томондан бир томонлама йўналишга эга бўлса, у вақтда синтагманинг грамматик маркази билан мазмуний маркази ўзаро мувофиқ келади.

Детерминация муносабати баъзан мазмуний ва шаклий томондан ҳар хил йўналишларга ҳам эга бўлиши мумкин. Ўзаро синтагматик муносабатга киришаётган сўзлар ўртасида комплетив алоқа мавжуд бўлганда кўпинча ана шундай ҳолат рўй беради. Хусусан, мазмуний томондан

фeъл лексема доимо маълум от лексемани ўзига “чакиради”. Шу билан бирга тўлдирувчи вазифасида келган бу от ўзининг шакли орқали муайян лексик-семантик гуруҳга мансуб бўлган фeъл лексемани жонлайди.

Шундай қилиб, бундай синтагмаларда детерминация муносабати шакл ва мазмун томонидан ўзаро қарама-қарши йўналишга эга бўлади: мазмуний томондан фeъл ўзагининг мазмунига мувофиқ келган отни талаб қилади (лексемалар ўртасидаги муносабатлар). Шаклий грамматик томондан от фeълни детерминациялайди. Бундай пайтда отнинг шакли билан фeъл лексема ўртасидаги синтагматик муносабат назарда тутилади.

Мазмуний ва шаклий томондан ҳар хил йўналишга эга бўлган детерминация муносабатида мазмуний марказ билан грамматик марказ бир-бирига мувофиқ келмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда айниқса қаратқич ва қаратмиш муносабатида, модал сўзлар (лозим, даркор, мумкин) билан ҳаракат номи ўртасидаги детерминатив муносабатда (масалан, айтишим даркор, ўқишим мумкин каби) ёрқин намоён бўлади.

Мазмуний ва шаклий томондан ҳар хил йўналишга эга бўлган детерминатив муносабатни ифодаловчи синтагмаларда марказий аъзони белгилашда ана шундай қиринчилик бўлганидан, монографияда асосан шаклий детерминацияга эътибор бериш зарурияти туғилди.

Синтагматик муносабат ҳақида гапирганда, синтагматик муносабатга киришувчи аъзоларнинг ўзаро муносабат характериға кўра атрибутив ва предикатив турларини бир-биридан фарқлаш зарурияти туғилади. Бу 2 муносабат муносабатга киришаётган аъзоларнинг коммуникатив характериғи белгилашда катга аҳамиятга эга бўлади. Бирида синтагматик муносабатга киришаётган аъзолардан бири марказий аъзо ҳисобланиб, у шахс, сон, замон, модал маъноларни ўзида намоён этади ва бундай

синтагма юкоридаги маъноларни ифодаловчи махсус грамматик шаклга ҳам эга бўлади. Ана шу шакллар предикатив синтагманинг муҳим белгиси ҳисобланади ва ана шу шакллар асосида предикатив синтагмалар ўзаро приватив муносабатда бўлган атрибутив синтагмадан фарқланади. Кўринадики предикатив ва атрибутив синтагмалар бир объектив воқеликни ифодалаш нуқтаи назаридан бир-бири билан умумийликка эга бўлиб, бир мазмуний парадигманинг 2 аъзоси бўлса ҳам, лекин улар таянч аъзоларининг қандай шаклланишига кўра ўзаро фарқланади. Бири шахс-сон, замон, модал маъноларни ифодалаб, худди шу маъноларни ифодаловчи кесимлик (предикатив) шаклига эга бўлса, 2 чиси эса бундай белгига эга бўлмайди. Мазмуний парадигманинг бу 2 аъзоси ўртасида фарқловчилик (дефференциал) белги вазифасини предикатив ва атрибутив синтагма таркибидаги марказий (таянч) аъзонинг предикативлик маъноси ва бу маъноларни ифода этувчи предикативлик шакларини бор йўқлиги бажаради.

2.4. Синтагматик маънолар ва уларнинг ифодаланиш йўллари

Объектив олам ҳақидаги маълум тасаввурларимиз товушлар кетма-кетлиги асосида ташкил топган моддий воситалар ёрдамида юзага чиқади.

Бу жараёнда товушлар кетма-кетлиги, тил бирликларининг бир чизикда жойлашуви билан маънонинг даражали (иерархик), “тобелик даражаси” тусида тузилган ўртасида номувофиклик мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳам А.Мартине бу ҳақда тилимизнинг вокаллик табиати чизикли бўлмаган тажрибаларимизни чизикли тасвирини талаб этади, деган эди¹. Бунга мисол қилиб бош оғрик ҳолати билан нутқий ифодаси ўртасидаги муносабатни кел-

¹ Қаранг. Общее языкознание. Внутренняя структура языка. М., 1972. С. 277.

тиради. Дархақиқат, инсоннинг бош оғриғи ҳолатида ҳеч қандай чизиклилик йўқ. Лекин бу ҳолатни маълум бир тилда ифодалаш учун чизикли структурадан фойдаланилади: Бу ҳолатни врачга тушунтириш учун бошни оғриғи яна тарзида кетма-кет келган лисоний воситалардан фойдаланамиз. Нутқий фаолияти сегментлашни талаб этади. Сегментлаш эса катта бутунликларни кичик элементларга кетма-кетлик асосида мураккабдан оддийга қараб бўлишни тақозо этади.

Айрим муаллифларнинг фикрига кўра, нутқ парчасида алоҳида синтактик маънонинг мавжуд бўлиши сўз шакллари-нинг занжирсимон (чизикли) тартибидан улар маъносининг “дарахтсимон” тузилишига ўтишини тақозо этади.

Аввало, синтактик маъно сўзларнинг функционал маъноси билан лексик маъносини ўзида мужассам этади. Масалан, бугун сўзининг синтактик маъноси унинг би кин лексик маъноси билан қўшилиб кетган. Сўзнинг референт маъноси билан синтактик функцияси ўртасида мутаносиблик мавжуд.

Кўп ҳолларда сўзнинг функционал маъноси билан референт маъноси ўртасида номутаносиблик бўлиши мумкин. Бундай ҳолат айниқса функционал транспозиция жодисаси рўй берганда кўпроқ кузатилади.

Юқорида таъкидланганидек, нутқ занжирини фонетик сегментларга ажратиш билан маъноли қисмларга ажратиш ўртасида фарқланиш мавжуд. Улар ўртасида кўпинча номутаносиблик вужудга келади. Ана шундай номутаносибликни эътиборга олган ҳолда тилшуносликда ҳам алоҳида атамалар билан фарқланади.

Функционал маъно ва синтактик функция бир-бирига қарама-қарши қуйилади.

Функционал маъно деганда ҳам мазмуний яхлитлик назарда тутилади. У сўзнинг лексик маъносини ва нутқ занжиридаги вазилавий маъноларини ўз ичига олади.

Функционал маъно бир неча референт маъноларни ўз ичига бирлаштириши мумкин. Масалан, **кеча кечқурун** бирикмаси бутун жумла таркибида қачон? сўроғига жавоб бўлиб, 1 та функционал маънони ифода этади. Кесимлик шаклида келиб, кесим функцияси учун хосланган феъл предикатнинг **темпора** валентлигини тўлдирувчи, уни юзага чиқарувчи синтактик бирлик саналади.

Худди шунингдек, синтактик бирликларда шакл ва маъно муносабатини эътиборга олганда, унинг шаклий томони ҳам умумийлик ва хусусийлик диалектикасини ўзида намоён қилган ҳолда синтактик функция ёки синтактик шакл ва морфологик шаклларни ўзаро муносабатидан ташкил топан.

Ҳар қандай синтактик шакл синтактик бирликларнинг шаклий бутунлигини ифодалайди. Синтактик шакл, ўз навбатида морфологик шакллардан ташкил топади. Демак, синтактик шаклни ҳосил қилувчи моддий воситалар морфологик шакллардир.

Синтактик шакл билан морфологик шакл бир-бирига нисбатланувчи бир-бирини тақозо этувчи тушунчалар бўлса ҳам, лекин улар ўзаро маълум жиҳатлари билан фарқ қилади.

Энг аввало, бу икки тушунча сатҳ бўйича бир-биридан фарқ қилади. Морфологик шакл тилнинг морфологик сатҳига алоқадор бўлса, синтактик шакл синтактик сатҳ бирлигидир. Демак, морфологик шакл синтактик шакл учун моддий асос вазифасини бажаради. Айни пайтда синтактик шакл морфологик шаклдан ташкил топади.

Синтактик шакл билан морфологик шакл миқдор жиҳатдан кўпинча бир-бирига тўғри келмайди. Синтактик шакл бир морфологик шаклдан ташкил топиши мумкин бўлганидек, бир неча морфологик шакллардан ҳам ташкил топиши мумкин. Синтактик шакл битта морфологик шакл-

дан ташкил топганда бу 2 шакл ўртасида микдорий мувофиқлик мавжуд бўлади.

Маълум синтактик шакл бир неча морфологик шакллардан ташкил топса, бу вақтлар ўртасида номувофиқлик вужудга келади. Масалан, Шамолдан тез ичган поезд бирикмаси синтактик шакл нуктаи назардан 2 қисмдан – аниқловчи ва аниқланмиш муносабатидан ташкил топган бўлса, морфологик жиҳатдан 4 қисмдан иборатдир. Олдинги 3 та морфологик шакл ўзаро бирикиб, поезд сўзи учун 1 та синтактик вазифада келади. Шунинг учун ҳам шу бирикма доирасида бу 3 та морфологик шакл 1 та синтактик шакл вазифасида келади. Морфологик шаклларни вужудга келтирувчи грамматик воситалар синтактик шакл учун нофункционал саналади. Уларнинг функцияси фақат синтактик шаклнинг ички аъзолари учун дахлдор бўлади.

Ана шунга мувофиқ, бундай грамматик кўрсаткичга эга бўлган сўз шакллари, яъни морфологик шакллар ҳам синтактик шаклнинг ички аъзолари сифатида уни шакллантириш учун хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, гапнинг синтактик тузилишида синтагматик муносабатгина эмас, балки шу гапнинг грамматик ва мазмуний маркази саналувчи феълларнинг лексик маъноси ҳам катта аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун гапни ташкил этган аъзолар ўртасидаги синтактик алоқа қанчалик мазмуний бўлса, шу гап таркибидаги феълнинг лексик маъноси ҳам шунчалик синтактикдир. Ана шуни эътиборга олган ҳолда феълнинг мазмуний тадқиқи ҳам унинг синтактик алоқасига таянган ҳолда олиб борилди. Шунингдек, айниқса кейинги йилларда гапнинг синтактик таҳлили, мазмуний томони кўпроқ эътиборга олинadиган бўлди.

Синтактик алоқаларнинг мазмуний мундарижасини структур методлар асосида ўрганиш синтактик бирликлар-

нинг мазмуний ва шаклий тузилиши ўртасидаги асимметрик муносабатни ёритишга маълум даражада тўскинлик қилади. Лисоний бирликларни структур метод асосида ўрганиш асосан синтактик бирликларнинг шаклий томонига жиддий эътибор берди. Шаклий томонига таянган ҳолда синтактик бирликларни моделлаштириш асосий мақсадга айланди.

Кейинчалик синтактик бирликларда омонимия ва синонимиянинг мавжудлигига эътиборнинг қарагилиши, бир синтактик вазиятнинг бир неча синтактик қурилмалар ёрдамида ифодалаш мумкинлигига ишонч ҳосил қилиниши туфайли синтактик бирликларнинг шакл ва мазмуни ўртасидаги муносабатни ёритишга эҳтиёжни орттирди.

Синтактик бирикмаларнинг шакл ва мазмуни ўртасидаги муносабатни чуқур ўрганиш натижасида Е. Курилович синтактик шаклларнинг 2 хил функцияси: бирламчи ва иккиламчи функцияси мавжудлиги ҳақидаги фикрга келди¹.

Унинг бундай фикрга келишига синтактик бирликларни шакл ва мазмуни ўртасидаги асимметрик муносабатга эътиборни тортилиши сабабчи бўлди.

Аввало синтактик белги деганда, у гап таркибида иштирок этган лексемаларнинг конкрет грамматик шакллари эътиборга олинди. Лекин, асимметрия функцияни индексторларнигина эмас балки синтактик маънони ифодаловчи конкрет шаклдан ҳоли бўлган синтактик функцияни ҳам ўз ичига олади. Биринчи ҳолда нутқ жараёнида иштирок этувчи конкрет сўз шаклларининг турли маънолари ҳақида фикр юритилса, иккинчи ҳолатда синтактик позицияларнинг полифункционаллиги ҳақида гап кетади. Хусусан, эг позициясида фақат ҳаракат субъектигина эмас балки, обь

¹ Курилович.Е. Проблема классификаций падежей, Курилович.Е. Очерки по лингвистике. М.,1962. С.182; Курилович.Е. Деривация лексическая, древняя синтактическая. Очерки по лингвистике. М., 1962. С.59

ектив воқелик, нутқ вазиятини бошқа иштирокчилари – объект ёки бошқа иштирокчиларнинг номлари ҳам келиши мумкин.

Кўринадики, Е. Курилович концепциясига мувофиқ, нутқий вазият иштирокчиларидан субъект, субъектнинг ҳам *агенс* тури эга позицияси учун кўпроқ хосланган. Лекин, эга позицияси фақат агенс билангина чекланмайди. Шу билан бирга агенс доимо эга позициясида келиши шарт эмас. Демак, субъект агенснинг эга позициясида келиши унинг бирламчи функцияси бўлса қолган позицияларда келиши эса унинг иккиламчи функциясидир.

2.5. Лингвистик белги тузилиши

Тилшунослик фан сифатида мантиқ бағрида шакллангани ва ундан ажралиб чиққанлиги сабабли унинг илк таракқиёт босқичида лингвистик тушунчалар мантиқий тушунчалар асосида изоҳлана бошланди. Синтактик бирликлар ҳам тафаккур тузилишига нисбатан ўрганилди. Гапнинг структур моделлари ҳам ҳукм структурасига қиёсан белгиланди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб синтактик бирликларнинг мазмуний томонига жиддий эътиборни қаратилиши мазмуний синтаксиснинг пайдо бўлиши ва ривожланиши натижасида ҳамда лингвистик бирликларга белги нуқтаи назаридан қарашнинг кучайиши туфайли синтактик назарияда ҳам туб бурилиш даври бошланди.

Тил белгилар системаси сифатида қаралиши билан бирга лингвистик белгининг ўзига хос томонлари чуқур ўрганила бошланди ва унинг моҳияти белгиланди. Лингвистик белги тўлиқ (предикат) ва тўлиқ бўлмаган (но-предикат) белгиларга бўлинади¹.

¹ Бу ҳақида қarang. Нурмонов А.Н. Лисоний белги хусусиятлари ҳақида. Андижон. 1992.

В.В.Богдановнинг фикрича нопредикат белгилар энг кичик гапларнинг элементар қисмларидир. Предикат белги эса энг кичик гапларни ўз ичига олади. Ҳар қандай содда предикатив ифода битта предикат белги плюс ноль ва уларга қўшилган бир ёки бир нечта нопредикат белгиларни ўз ичига олади¹.

Бунга мувофиқ предикатив ифода (ПИ) мураккаб белги саналади ва экстралингвистик омил объектив борлиқнинг у ёки бу вазияти шу предикатив ифода орқали ифодаланган денотатив маъноси саналади.

Тўлиқ белгилар ҳам тўлиқ бўлмаган белгилар ҳам объектив борлиқ билан боғланган бўлиб, шу объектив борлиқни онг орқали муайян моддий (лингвистик) воситалар ёрдамида ифодалайди.

Демак, ҳар қандай лингвистик белги онгда ўз ифодасини топган объектив борлиқни товуш ёки товушлар силсиласи ёрдамида ифодаланиши натижасида вужудга келади. Бу жиҳатидан ҳар қандай лингвистик белги Сепир-Уорднинг лингвистик нисбийлик назариясини ўзида ёрқин намоён қилади.

Тилшунослик тарихида “Сепир-Уорд гипотезаси” номи билан машҳур бўлган лингвистик қараш лисоний бирликларнинг ички тузилишини белгилашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Бенжамин Уорфга кучли таъсир этган нарса Э.Сепирнинг: “Кишилар фақат объектив нарсалар дунёсида ва фақат ижтимоий муносабатлар дунёсидагина яшамайди, балки улар шу жамиятнинг алоқа воситаси бўлган тилнинг таъсирида ҳам яшайдилар”, деган фикридир.

Ана шу фикрни кенг ривожлантириш натижасида тилнинг жамиятга бўлган таъсири ҳақида бир қатор асарлар

¹ Богданов .В.В. Семантико-синтактическая организация предложения.М.: МГУ.1977. С.29-39

пратди ва тилшунослик тарихида “Сепир-Уорф гипотезаси” деб танилган лингвистик назарияга асос солди.

Бу гипотезанинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида гапириб ўтирмасдан, унинг лингвистик белги тузилиши учун аҳамиятли жиҳатлари ҳақида фикр юритишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Сепир-Уорф гипотезасининг муҳим томони шундаки ҳақиқатда тилшунослик тарихида Бодуэн де Куртене, В.Гумбольт, А.Шлейхер сингари йирик тилшунос олимларни лингвистик белги ҳақидаги фикрлари ўз ифодасини топган. Инсоннинг сезги аъзоларига таъсир этадиган объект борлиқни мавжуд эканлиги эътироф этилади. Демак, объект аввало объект олам мавжуд ва бу объект олам узвлари инсон сезги аъзолари орқали онда ўз аксини топади. Инсон онгида акс этган бу объект олам узвлари у ёки бу тилнинг моддий воситалари ёрдамида ўз ифодасини топади. Бундан кўринадики у ёки бу тилнинг моддий воситалари орқали реал ифодасини топгунча бўлган лингвистик белгининг босқичлари барча тиллар учун умумий, универсал хусусиятга эгадир. Ифода плани орқали лингвистик белги ўзига хослик касб этади.

Кўринадики, лингвистик белги ўзида уч босқични қамоён қилади: объект олам узв; бу олам узвларининг онда акс этиши ондаги умумлашган образи; онда акс этган умумлашган образнинг муайян тилнинг ифода воситалари орқали ифодаланиши. Лингвистик белгининг бундай структураси структур тилшуносликнинг отаси саналувчи Фердинанд де Соссюр асарларида ҳам ўз ифодасини топган эди.

Лекин Сепир ва Уорфларнинг лингвистик гипотезасининг улардан фарқи шундаки улар томонидан тил шакллари тафаккур шаклларига таъсири масаласига кўпроқ эътибор бердилар. Тилни оддийгина пассив алоқа воситаси эмас балки инсон тафаккурига, дунёқарашига таъсир этув-

чи фаол восита эканлигини ёритишга ҳаракат қилдилар.

Сепирнинг баён қилишига кўра турли тилларда гаплашувчи жамият вакиллари яшаётган дунё улар томонидан турли хил этикеткаларни ўз ичига олган турли дунё сифатида тасаввур қилинади.

Уорфнинг фикрича ҳар бир тил ўзига хос методи касига эга бўлиб, бу тилда гаплашувчилар учун объектив оламни турлича тасвирлаш хусусиятига эга. Тил инсон тафаккур меъёрини айна пайтда ахлоқ нормасини белгилаш учун хизмат қилади. Инсоннинг вужуд фаолиятига кириб боради ва унга ўз ҳукмини ўтказди. Унга мисол қилиб, Оврупада яшовчи кишиларнинг объективлаштирилган вақт ҳақидаги тасаввурларини келтиради. Унинг баён қилишича, объективлаштирилган вақт лентага ўхшаб тасаввур этилади. Бу лента тенг бўлақларга бўлинган ва ёзу билан тўлдирилган бўлиши мумкин бўлади. Ёзув бизнинг вақт ҳақидаги лингвистик тавсифимизга қулай имконият яратди. Тил ва маданият ўргасидаги ўзаро алмашув ту файли биз кундалик, бухгалтерия ҳисоби, ҳисоб билан иш юритувчи математика; календарь, хронология, соат, вақт билан ўлчанувчи иш ҳақи, физикада қўлланиладиган вақт ёднома, ўтмишга қизиқиш, археология, келажак режала рига эга бўламиз.

Уорф тилнинг жамиятга таъсири ҳақида фикр юритганда хатто шундай ҳулосага келадикки, фазони ўрганишда катта мувоффақият қозонган. И.Ньютон агар инглиз тилидан бошқа тилда мулоқот қилганда фазони бошқача тасаввур қилган бўлар эмиш¹.

Бу фикрлар қанчалик ҳақиқатга тўғри келиш келмаслигидан катъий назар, Уорф-Сепир гипотезасидан борлиқ-онг-тил муносабати тўғри баён қилинган.

Мазмуний синтаксиснинг ривожланиши натижасидан лисоний белги ва унинг ички тузилиши ҳақидаги қараш

¹ Звегинцев В. Теоретико-лингвистическое предпосылки гипотезы Сепира Уорфа // Новое в лингвистике. Вып.1.М., 1960. С.119

лар бир мунча конкретлашди.

Жумлага тўлиқ лисоний белги сифатида қаралгани ҳолда унинг ифода томонининг ифодаланиш томонига, яъни лисоний белгининг шакл томони билан мазмун томони ўртасидаги муносабатни ёритишга алоҳида эътибор берилди. Лисоний белгининг шаклий томони ҳам, мазмуний томони ҳам системалилик нуктаи назаридан ўрганила бошланди. Бунинг натижасида лисоний белги шакл ва мазмун муносабатидан ташкил топган система сифатида қаралиши билан бирга бир бутуннинг ўзаро узвий муносабатда бўлган бу 2 томоннинг ўзи ҳам ўз ички тузилиш бирликларига эга бўлган автоном система эканлиги эътироф этилди.

Лисоний бирликларнинг маъно томонини ёритишга бағишланган ишларнинг деярли барчасида маъно бир неча структур ҳолатларга бўлинди. Уларнинг энг қуйи томони объектив олам элементларининг инсон онгида акс этган образларини ифодаловчи маъно ажратилади ва бу маъно атов маъно, референт маъно, денотатив маъно, номинатив маъно каби хашар атамалар билан номланади. Демак, бу атамалар турли тилшунослик йўналишлари тарафдорлари томонидан қўлланилган бўлса ҳам, лекин уларни ҳаммаси бир умумий моҳиятни ифодалайди.

Демак, лисоний белгининг мазмуний тузилишида денотатив ёки номинатив маъно асосий роль ўйнайди.

2.6. Пропозитив номлар таснифи: от асосли ва феъл асосли пропозитив номлар

Пропозитив номларда марказий мазмуний узв предикат саналади. Ана шу предикатнинг қандай сўзлардан ифодаланиши пропозитив номларнинг хусусиятини белгилашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Пропозитив номлар предикатнинг ифодаланишига кўра икки гуруҳга бўлинади: а) феъл предикатли пропозитив номлар; б) от предикатли пропозитив номлар.

Феъл предикатли пропозитив номлар синтактик номинацияда кенг тарқалгани ва етакчи ўринни эгаллагани туфайли уларни алоҳида ва атрофлича баён қилиш мақсадга мувофиқ деб биламиз. Шунинг учун ҳам, аввало, от предикатли пропозитив номлар ҳақида фикр юритамиз.

А. От асосли пропозитив номлар

Пропозитив номларнинг предикати феълдан бошқа сўз туркумларидан ифодаланса, бундай пропозитив номлар от предикатли пропозитив номлар ҳисобланади.

Отлар (кенг маънода) ҳам кўп ҳолларда белги билдириб, бўш ўринларга эга бўлиши мумкин. Масалан, **ширин** сўзи предикат ўрнида келиб, ширинлик эгаси бўлган агентс бўш ўрнига, қиёсланувчи объект бўш ўрнига эга. Ана шу бўш ўринларнинг тўлдирилиши от предикатли пропозитив номларни ҳосил қилади. Масалан,

Бола болдан ширин.

Болдан бола ширин.

Боланинг болдан ширинлиги

Юқоридаги уч синтактик қурилма бир мазмуний модел, бир пропозициянинг турлича ифодаланиши саналгани ҳолда, бир семантик инвариантнинг турли кўринишлари, вариантларидир. Бу вариантларнинг қайсилари трансформа, қайси бири трансформация учун асос бўлади? Бу саволнинг ижобий ҳал қилиниши трансформация йўналишини белгилашда катта аҳамиятга эга.

Бир пропозициянинг юқоридаги каби уч хил номланишида кўпчилик тилшунослар ган бўлақларининг муайян меъёрга бўйсунган ва предикати кесимлик шаклига эга

бўлганини трансформация учун асос бўлган вариант деб ҳисоблайдилар.

Ана шу шаклдаги трансформация учун асос бўлган пропозиция номидан бошқа пропозиция номларининг трансформацияланиши турли хил йўллар билан содир бўлади. Юқоридаги гаплар парадигмасида иккинчи гап биринчи гапнинг тартиби ўзгартирилган трансформациясидир. Бундай трансформация усули пермутация трансформацияси саналади.

Иккинчи гап эса биринчи гап кесимининг кесимлик шаклини ўзгартириш, уни тобе вазиятга келтириш, яъни кесимлик вазиятидан бошқа вазиятга ўтказиш йўли билан ҳосил қилинган. Шунинг учун учунчи гап ҳам биринчи гапнинг трансформацияси саналади. Трансформацияга асос бўлган гап кесимининг позициясини ўзгартириш йўли билан ҳосил қилинган трансформация номинализация трансформацияси саналади.

Шундай қилиб, от предикатли пропозитив номлар, шу номнинг марказий узви бўлган предикатнинг қандай шаклланишига кўра икки турли бўлади: а) гап; б) бирикма.

Гап мақомидаги пропозитив номлар шу кунга қадар от кесимли гаплар номи остида изчил ўрганиб келинди. Лекин бирикма мақомидаги пропозитив номлар юзасидан бундай фикрни айтиш қийин. Шу боис бирикма мақомидаги пропозитив номлар бўйича мунозарали ўринлар жуда кўп. Ана шу мунозарали ўринлардан бири бирикма мақомидаги пропозитив номларни ташкил этган узвларнинг умумий гап тузилишидаги ўрнини белгилаш масаласидир. Чунки бирикма мақомидаги пропозитив номлар таркиби нечта узвдан ташкил толишидан қатъий назар бутун гап тузилиши учун битта гап бўлаги вазифасида, битта синтактик позицияда келади. Шундай экан, бирикма мақомидаги пропозитив номни ташкил этган узвларнинг гапнинг умумий тузилишидаги ўрни қандай бўлади? Бу узвлар


фақат гапнинг битта бўлаги вазифасида келувчи пропозитив номнинг ўз ички тузилиши доирасида амал қиладими ёки гапнинг бошқа узвлари каби улар билан бир хил мақомда турадилми?

Анъанавий тилшунослик бирикма мақомидаги пропозитив номларнинг ички узвлари билан гапнинг бошқа узвлари ўртасидаги фарққа эътибор бермади. Уларнинг ҳаммасини бир хил мақомдаги гап бўлаклари сифатида баҳолади. Натижада лисоний birlikларнинг синтагматик муносабатидаги даражаланиш хусусиятини белгилаш тилшунослар эътиборидан четда қолди. Айни пайтда гап тузилиши ва гапнинг узвлари тузилиши ҳам объектив талқинини топмади.

Шунинг учун ҳам системавий-структур тилшунослик анъанавий тилшунослик йўл қўйган ана шу камчиликка барҳам бериш мақсадида гап тузилиш билан гап узвларининг ички тузилишини бир-биридан фарқлайди. Натижада гапнинг бўлаклари билан бўлакнинг бўлаклари ўзаро фарқланади. Бўлакнинг бўлаги гап тузилиши учун ноамалий мавқеда, гап бўлаклари эса амалий мавқеда эканлиги таъкидланади.¹ Бу шунини кўрсатадики, гап бўлаклари гапдаги мавқега кўра икки гуруҳга бўлинади: а) амалий мавқедаги бўлаklar (функционал бўлаklar); б) ноамалий мавқедаги бўлаklar (нофункционал бўлаklar).

От предикатли пропозитив ном таркибида от предикат билан синтагматик муносабатга киришувчи барча узвлар гап тузилиши учун ноамалий мавқеда бўлади. Уларнинг амал қилиши фақат шу бирикма доираси билан чекланади. Ана шу айтилган фикрлар асосида от предикатли пропозитив номлар тузилишини ташкил этган узвлар билан гап тузилиши таркибига кирувчи узвлар муносабатини қуйидаги схема орқали ифодалаш мумкин бўлади.

¹ Маҳмудов Н.М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. Тошкент: Ўқитувчи, 1984.



Юқоридаги схемада иккита P (предикат) иштирок этмоқда.

Уларнинг биринчиси кесимлик шаклига эга эмас. Шунинг учун у кесим позициясида кела олмайди. Иккинчи предикат эса кесимлик шаклига эга бўлиб, бутун гапнинг мазмуний ва грамматик маркази вазифасида, кесим позициясида келади. Шу билан биргаликда биринчи предикат ҳам бўш ўринларга - валентликларига эга бўлган сабабли ана шу бўш ўринларни тўлдириш хисобига кенгайиб келиш имкониятига эга. Лекин бу предикатнинг бўш ўринларини тўлдириб келган узвларнинг кесимлик шаклини олиб келган предикатга дахли йўқ. Шунинг учун бу узвлар фақат шу ноамалий мавқеда турган предикатнинг бўлаклари саналади. Ноамалий мавқедаги предикатнинг ўзи амалий мавқедаги предикат билан синтагматик муносабатга киришиб, унга нисбатан муайян синтагматик позицияда ва маълум гап бўлаги вазифасида келар экан, бу предикат бўш ўринларини тўлдириб, унинг таркибини кенгайтириб келувчи бўлаklar ўз-ўзидан, бўлакнинг бўлаги саналади.

Демак, гапнинг тузилишига мансуб бўлган бўлаklar фақат шу гапнинг кесими билан синтагматик муносабатга киришади. Шу бўлак билан муносабатга киришмайдиган, ундан бошқа бўлаklar билан муносабатга киришадиган бўлаklar эса бўлакнинг бўлаги саналади. Кўринадики, гапнинг ёки бўлакнинг бўлаги деб ажратилишда бу бўлаklarнинг кесим ёки кесимдан бошқа бўлаklar билан синтагматик муносабатга киришиш белгиси асос бўлиб хизмат қилади.

Б. Феъл асосли пропозитив номлар

Пропозитив номларнинг предикати феъл ва унинг сифатдош, равишдош ҳамда ҳаракат номи шаклларида ифодаланса, бундай пропозитив номлар феъл предикатли пропозитив номлар саналади.

Феъл предикатли пропозитив номларнинг барчаси учун умумий белги шундан иборатки, уларнинг мазмуний ва уюштирувчи маркази, турли шакллар учун асос бўлган феъл атов бирлигидир. Масалан, ***Ерларни дириллатиб, поезд йтди.*** Юқоридаги гапда иккита феъл предикатли пропозитив ном иштирок этмоқда Уларнинг биринчисидаги марказий бирлик ***дириллатиб*** - феъли, иккинчисидаги марказий бирлик ***йтди*** - феълдир. Бу феълларнинг биринчиси равишдош шаклида, иккинчиси эса тусланган шаклидадир. Бу шакллардан қатъий назар, уларнинг ҳар қайсиси учун умумий жиҳат грамматик шакллардан ҳалос қилинган атов кисмидир. Ана шу атов қисм феъл лексема бўлганлиги билан улар умумийликни ҳосил қилади.

Феъл лексемалар предикат учун энг қулай лексемадир. Чунки бу лексемалар бир неча бўш ўринларга эга бўлиб, ана шу бўш ўринларнинг тўлдирилиши феъл предикатли пропозитив номларни вужудга келтиради.

Феъл лексемаларнинг қайси шаклда туриши эса пропозитив номларнинг бундан кейинги таснифини белгилайди. Агар феъл лексема кесимлик шакллари олса, пропозитив ном гап бўлиб шаклланади. Кесимлик шакли олмаса гап бўлиб шакллана олмайди. Кўринадики пропозиция икки хил йўл билан номланиш хусусиятига эга:

- 1) ***гап шаклидаги пропозитив номлар***
- 2) ***гап бўлаги шаклидаги пропозитив номлар.***

Феъл предикати кесимлик шаклидаги шаклини олган пропозитив номлар предикати кесимлик шаклини ол

ган пропозитив ном билан биргаликда келиб, унинг бир бўлаги вазиятини эгаллайди.

Табийки, бундай ҳолларда гап таркибида иккита ва ундан ортик предикат иштирок этади. Предикатлардан фақат биттаси предикатив шаклда келади. Шундай қилиб, гаплар предикатлар миқдорига кўра икки гуруҳга бўлинади: 1) **бир предикатли гаплар**; 2) **кўп предикатли гаплар**.

Кўп предикатли гапларда предикатларнинг ҳар бири ёки камида иккитаси кесимлик (предикатив) шаклига эга бўлса, бу предикатларнинг бўш ўринларини тўлдириш асосида ҳосил бўлган пропозитив номлар гап бўлиб шаклланади ва бундай предикатли гаплар қўшма гапларни ҳосил қилади. Қўшма гапларнинг компонентлари саналади. Аксинча, фақат битта предикат кесимлик шаклига эга бўлиб, қолганлари бундай хусусиятга эга бўлмаса, кесимлик шаклига эга бўлмаган предикат кесимлик шаклига эга бўлган предикатга нисбатан иккинчи планга ўтади ва иккинчи даражали предикат саналади.¹ Иккинчи даражали предикатнинг бўш ўринларини тўлдириб келган сўз шакллари шу предикат билан тобе муносабатга киришиб, у билан бир яхлит бутунликни ташкил этади. Бу бутунлик кесимлик шаклини олиб кесим позициясида келган асосий, биринчи даражали предикатга тобе боғланиб, унга нисбатан муайян синтактик вазиятни, кўпроқ ҳол вазиятини эгаллайди.

Бундай полипредикатли гаплар содда гаплар билан қўшма гаплар оралиғида оралиқ ҳолатни эгаллайди. Оралиқ ҳолатдаги birlikлар ўзаро зидланувчи икки қутбнинг ҳар иккисига таалуқли бўлган белгиларни ўзида маълум даражада акс эттиради.

¹ Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. Тошкент: Ўқитувчи, 1984.

Ана шундай ҳолат содда ва қўшма гаплар оралигида жойлашган полипредикатли содда гапларга ҳам тегишлидир. Чунки бундай гапларда асосий предикатга тобе боғланиб келган предикат кесимлик шаклига эга бўлмаганлиги учун кесим вазиятида кела олмайди. Бу предикат ўзининг аргументлари билан биргаликда яхлит ҳолда кесим вазиятидаги предикатга аргумент бўлиб келади ва ҳол синтактик позициясини эгаллайди. Шунинг учун ҳам иккинчи даражали предикат иштирок этган бундай гаплар синтактик тузилиш жиҳатидан содда гап ҳисобланади.

Лекин полипредикатли гапларда ҳар бир предикат ўз аргументлари билан биргаликда муайян пропозицияни ифодалайди. Бу предикатлардан бири кесимлик шаклидан бошқа шаклда бўлиб, кесим вазиятида кела олмаса ҳам, мазмунан ҳар икки предикатли қурилма орқали ифодаланган пропозиция сақланиб қолади. Шунинг учун ҳам бундай гаплар мазмунан қўшма гаплар билан умумийликни ташкил қилади.

Шундай қилиб, предикатлардан бири кесимлик шаклига эга бўлмаган полипредикатли гаплар шаклий тузилишга кўра қўшма гап орқали ифодаланиши лозим бўлган пропозицияларни ўзида сақлаб қолади.

Ана шу пропозициялар микдорининг умумийлиги нуқтаи назаридан бундай гаплар қўшма гаплар билан бир мазмуний парадигмани ташкил этади. Масалан,

- 1) **Занг чалинди, дарс бошланди**
- 2) **Занг чалиниб, дарс бошланди.**
- 3) **Занг чалингач, дарс бошланди**
- 4) **а) Зангнинг чалиниши билан дарс бошланди**
б) Занг чалиниши билан дарс бошланди
- 5) **Занг чалингандан кейин дарс бошланди**

Юқорида келтирилган синтактик парадигманинг биринчи аъзоси бошқа барча аъзолар билан биринчи преди-

катнинг кесимлик шакли белгисига кўра прикатив ошюи
цияга киришади. Биринчи гапдаги хар икки предикат, шу
жумладан, иккинчи предикат ҳам, кесимлик шаклига эга
Бошқа парадигма аъзоларидаги биринчи предикат ана
шундай белгига эга эмас. Парадигманинг биринчи аъзоси,
Н.С.Трубецкой таъбири билан айтганда, маркерланган.
Бошқа аъзолар таркибидаги биринчи предикат эса маркер-
ланмаган.

Бу гаплардаги пропозициялар ўзгармаган ҳолда
сақланади. Демак, синтактик қурилмалар орқали ифода-
ланган пропозициялар бу гапларни бир синфга, бир пара-
дигмага бирлаштириш учун асос бўлган бирлаштирувчи
(интеграл) белги вазифасини ўтайди.

Кўринадики, полипредикатли гапларнинг бир предик-
ати равишдош, сифатдош, ҳаракат номлари орқали ифо-
даланиб, кесимлик шаклини олмаган бўлса, бундай
предикатлар ўз аргументлари билан бир бутун ҳолда гап
бўлаги шаклидаги пропозитив номларни ҳосил қилади.

Гап бўлаги шаклидаги пропозитив номлар иштирок
атган содда гаплар мазмуний мураккаблик хусусиятига эга
бўлиши билан бирга (чунки бундай гаплар бирдан ортиқ
пропозицияни ифодалайди ва шу белгисига кўра қўшма
гаплар билан бир синфга мансуб бўлади), синтактик
(шаклий) бўлиниш нуқтаи назаридан кўп босқичли хусу-
сиятга эга бўлади. Бундай гаплар синтактик жихатдан бир
хил қатордаги гап бўлақларига бўлинмайди. Гапнинг бў-
лақларга бўлиниши босқичма-босқич тарзда амалга оши-
рилади.

Биринчи босқичда гап таркибида кесимлик шаклини
олиб, синтактик кесим вазиятида келган предикат ажра-
талади. Бу синтактик бўлақларга ажратишнинг биринчи
даражаси саналади. Масалан, юқоридаги гапда бошланди
бўлаги. Иккинчи босқичда эса ана шу кесим вазиятидаги
перидкатнинг бўш ўринларини тўлдириб келган ва у

билан тобе муносабатда бўлган бўлаклар ажратилади. Масалан, юқоридаги гапда **дарс** бўлаги **бошланди** предикатининг агенс валентлигини тўлдириб келиб, кесим вазиятидаги шу предикатга тобе боғланганлиги учун бўлинишнинг иккинчи даражасини ташкил этади. Бу жиҳатдан кесимлик шаклига эга бўлмаган иккинчи даражали предикат ҳам кесимлик шаклини олган асосий предикатнинг бўш ўрнини тўлдириш учун хизмат қилади. Шунинг учун ўз аргументлари билан биргаликда бир бутун ҳолда бу предикат ҳам асосий предикатга тобе боғланади ва унга нисбатан ҳол вазиятини эгаллайди. Масалан, юқоридаги гапда **занг чалинганч** (-иб, -иши билан) бирикмаси бир бутун ҳолда **бошланди** бўлагига нисбатан битта синтактик позицияни - ҳол позициясини эгаллайди.

Бўлинишнинг навбатдаги даражаси кесимга нисбатан битта синтактик позицияда келган, иккинчи даражали предикат асосида қурилувчи пропозитив номларнинг ички узвларини ажратишдан иборат бўлади. Яъни гапнинг бўлаги вазифасидаги пропозитив номлар гапнинг кесимига нисбатан бир бутун ҳолда битта гап бўлаги вазифасида келса ҳам, лекин у ички бўлиниш хусусиятига эга бўлади. Шунинг учун гап синтактик тузилиши бўлинишнинг кейинги босқичида ана шу битта бўлак вазифасида келган пропозитив номларнинг ички тузилиш birlikлари ажратилади. Хусусан, юқоридаги келтирилган гапда **занг** бўлаги фақат **чалинганч** предикатининг агенс валентлигини тўлдириб, шу предикат билан муносабатга киришиб, бир бутунликни ташкил қилади. Шунинг учун **занг** бўлагининг синтактик функцияси фақат гап бўлаги шаклидаги пропозитив ном доирасида бўлиб, гапнинг тузилиши учун даҳли бўлмайди. Бу эса унинг гап тузилиши учун нофункционал эканлигини кўрсатади.

Кесимлик шаклига эга бўлмаган иккинчи даражали предикатлар билан муносабатда бўлган тўлдирувчи ҳам,

хол ҳам, **эга** ҳам гап тузилиши учун нофункционал бўлади. Унинг функцияси фақат иккинчи даражада предикат билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам улар гапнинг эмас, **балки** бўлакнинг бўлаклари саналади.

Бу шуни кўрсатадики, **эга**, тўлдирувчи ва ҳолларнинг гап тузилишидаги роллари бир хил эмас. Улар гапнинг бўлаги ҳам, бўлакнинг бўлаги ҳам вазифаларида келишлари мумкин. Ниманинг бўлаги эканлигини бегилашда уларнинг қайси предикат билан муносабатда бўлиши катта аҳамиятга эга бўлади. Кесимлик шаклини олган предикат билан муносабатда бўлган синтактик бирликлар гапнинг бўлаги, кесимлик шаклини олмаган предикат билан муносабатда бўлган синтактик бирликлар эса бўлакнинг бўлаги бўлади.

Иккинчи боб юзасидан қисқача хулосалар

1. Тил объектив оламни онг орқали ифодалайди. Бизни қуршаб турган олам узвлари онгда акс этади ва у тил кодлари ёрдамида ўз ифодасини топади. Бу нуктаи назардан барча мустақил маъноли бирликлар белги саналади.

2. Лингвистик белгилар муайян моддий шаклга эга бўлиб, тузилиш жиҳатидан лексик номлар, пропозитив номлар ва синтактик номларга бўлинади. Синтактик ном объектив воқеликдаги нарсалар, ходисалар, белги-хусусиятлар ўртасидаги муносабатларни предикатив йўл билан ифодалайди ва у гап мақомида бўлади.

3. Пропозитив номлар худди синтактик номларга ўхшаб, объектив оламдаги нарсалар, ходисалар, белги-хусусиятлар ўртасидаги муносабатни ифодалайди. Демак, объектив мазмун нуктаи назаридан улар умумий белгига эга. Лекин ана шу умумий маъно қандай ташқи шакллар орқали ифодаланиш нуктаи назаридан бир-биридан фарқ қилади. Пропозитив номларнинг таянч нуктаси бўлган

реляцион предикат предикативлик шаклини олмаган ва гап сифатида шаклланмаган бўлади. Бундай номлар гапнинг таркибида бир бутун ҳолда битта синтактик позицияда келади.

4. Битта синтактик позицияда келиши нуктаи назаридан лексик номлар билан пропозитив номлар бир-бирига ўхшайди, лекин бўлинувчанлик хусусиятига эга бўлиш ёки эга бўлмаслик нуктаи назаридан булар бир-биридан фарк қилади. Муайян гап бўлаги вазиятида келган лексик бўл-маса, бир гап бўлаги вазифасида келган пропозитив номлар ана шундай белгига эга бўлади.

5. Пропозитив номлар маълум реляцион предикатларнинг бўш ўринларини тўлдириб таркиби кенгайиши асосида ҳосил бўлади. Демак бундай пропозитив номларнинг ички тузилиш модели реляцион предикат ва унинг аргументлари муносабатидан иборат бўлади.

6. Пропозитив номларнинг мазмуний ва грамматик таянч нуктаси бўлган реляцион предикатларнинг қандай моддий шаклда ифодаланишига кўра от асосли ва феъл асосли пропозитив номларга бўлинади.

7. От асосли ва феъл асосли пропозитив номларнинг гап бўлаги ёки гап мавкеида келиш-келмаслиги реляцион предикатларнинг кесимлик шаклини олиш-олмаслик белгисига боғлиқдир. Кейинчалик кесимлик шаклини олган реляцион предикатлар эса, гап мавкеидаги синтактик бирликларнинг таянч нуктаси саналади.

III БОБ. ПРОПОЗИТИВ НОМЛАРНИНГ ИЧКИ ТУЗИЛИШИ ВА СИНТАКТИК ПОЗИЦИЯЛАРИ

3.1. Феъл предикатли пропозитив номларнинг шаклий тузилиши ва синтактик позицияси

Маълумки, кесим ўзида предикативлик акс этириб, гапни шакллантирувчи ва уюштирувчи марказий бўлак ҳисобланади.¹ Айни замонда, гапнинг грамматик категориялари кесим асосида белгиланади.

Бошқа гап бўлаклари, жумладан, эга ҳам кесимнинг кенгайтирувчиларидан биридир. Синтактик позицияда таянч нукта предикативлик шаклидаги предикат, яъни кесим саналади. Бошқа барча бўлаklar кесимнинг “бўш ўрин”ларини тўлдириб, унга нисбатан маълум вазиятда келади. Кесимнинг “бўш ўрин”ларини тўлдириб, маълум синтактик вазиятда келган синтактик birlikлар (эга, тўлдирувчи, хол) моддий жихатдан бир морфологик шакл ёки бир неча морфологик шакллардан ташкил топади.

Бир неча морфологик шакллардан ифодаланган, кесимга нисбатан бир синтактик вазиятда келган синтактик бутунлик бир бутун ҳолда функциялашади. Бундай синтактик бутунликларда бир узв бошқа узвларни бирлаштирувчи етакчи восита саналади. Айни пайтда бу етакчи кесим ўзи эргаштириб келган бошқа қисмлар билан биргаликда, бир бутун ҳолда кесимга нисбатан тобе вазиятда келади. Ана шунга кўра гап бўлаклари учга бўлинади: 1) содда гап бўлаклари; 2) мураккаб гап бўлаклари; 3) бирикмали гап бўлаклари.

¹ Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1995. 66-бет.

Фақат бир морфологик шаклдан ташкил топган гап бўлаги содда, турғун бирикмалардан ифодаланган гап бўлаги мураккаб, предикат аргументларини кенгайтириб келган бўлақлар бирикмали гап бўлаги саналади.

Содда гап бўлақлари таркибий қисмларининг мустақил сўзларга бўлиниш-бўлинмаслик белгисига кўра кейинги икки турдаги гап бўлақлари билан приватив зидланиш муносабатида бўлади. Аини пайтда, кейинги икки турдаги бўлақлар ҳам ўзаро оппозицияга киришади. Бу вақтда зидланишга асос белги бўлиб гап бўлаги таркибидаги қисмларнинг ўзаро боғланиш характери хизмат қилади. Боғланиш эркин ва ҳоким-тобе муносабатни ўзида сақлаб турса, бундай бўлақ бирикмали, ана шундай белгига эга бўлмаса, мураккаб гап бўлаги ҳисобланади.

Гап бўлаги тил бирлиги сифатида шакл ва мазмун қарама-қаршилиги ва бирлигидан ташкил топган мураккаб қурилма саналади. Гап бўлагининг шакл томони ҳам, мазмун томони ҳам, гарчи бир бутунликнинг икки томони бўлса-да, ҳар қайсиси ўз ички тузилишига эга. Шунинг учун ҳам гап бўлақларининг бу икки хил ички тузилишини ўрганиш, шакл ва мазмун ўртасидаги муносабатини белгилаш назарий тилшуносликнинг муҳим вазифасидир.¹

Ҳар қандай гап бўлаги шаклий жиҳатдан моддий асос (морфологик шакл) ва синтактик вазият (синтактик шакл) қарама-қаршилиги ва бирлигидан иборатдир. Морфологик шакл синтактик шаклнинг вужудга келиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Лекин морфологик шакл асосида ҳосил бўлган синтактик шакл сифат жиҳатдан тамоман фарқли бўлган янги ва унга нисбатан юқори шакл ҳисобланади. Бир морфологик шакл бир неча синтактик шакл учун асос бўлгани каби, бир неча морфологик шакл бир

¹ Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1995. 59-бет.

синтактик шакл учун асос бўлиши ҳам мумкин. Лекин бу икки шакл ўзаро узвий боғлиқ.

Синтактик шакл морфологик шакл асосида вужудга келган юқорироқ бирликдир. Шундай экан, синтаксис учун синтактик шакл белгиловчи вазифа бажаради. Гап таркибида бутуннинг бўлаклари сифатида синтагматик муносабатга синтактик шакллар киришади.

Морфологик шакл эса муайян синтактик шаклнинг ички томонини кўрсатади. Синтактик шакл бирлаштирувчилик, морфологик шакл эса фарқловчилик хусусиятига эгадир. Яъни маълум синтактик шакл бир неча морфологик шаклларни бирлаштириш асосида юзага келади.

Шу синтактик шаклнинг ички фарқловчи белгиларини аниқлашда унинг қандай морфологик шаклга таянганлигига асосланади. Синтактик шакл морфологик шакл орқали вужудга келгани учун морфологик шакл синтактик шакл доирасида ўз вазифасини бажаради. Демак, морфологик шаклнинг функциялашиш шароити синтактик шакл саналади. Шунингдек, синтактик шаклнинг функциялашиш шароити жумла саналади.

И.Б.Долнина бундай синтактик бирликларнинг, даставвал, ўз ичида синтактик бўлиниш хусусиятига эгаллигини, иккинчидан, бир бутун ҳолда гап таркибида бир гап бўлаги каби иштирок этишини таъкидлайди.¹

Бир синтактик вазиятда келган ана шундай синтактик бирликларнинг ички синтактик муносабатларини аниқлаш бўгуши муҳим вазифалардан биридир.

Бундай қурилмалар пропозитив ном сифатида юритилади. Пропозитив номлар ўзига хос шакл ва мазмун бирлигидан ташкил топган яхлитлик бўлиб, улар ўз доирасида шаклий ва мазмуний тузилишга эга бўлади. Пропозитив номларнинг шаклий тузилиши дейилганда, унинг

Долнина И.Б. Системный анализ предложения. М., 1977. С. 13-14.

таркибидаги шаклий қисмлар, яъни бирикмали бўлақларнинг бир неча шаклий узвлардан ташкил топганлиги эътиборга олинади.

**Хандалак кўтарган киши чол олдидан
ўтаётганда қадамини секинлатди (С.А.)**

гапида **секинлатди** предикати бир неча, “бўш ўрин” ларга, валентликларга эга. Бу валентликларни эга позициясида келган **хандалак кўтарган киши**, ҳол позициясида келган **чол олдидан ўтаётганда**, тўлдирувчи позициясида келган **қадамини** бирликлари тўлдиради. Предикат валентликларини тўлдирган бу бирликларнинг синтактик вазифалари бутун гап учун амал қилади. **Хандалак кўтарган киши ва чол олдидан ўтаётганда** қурилмаларининг ўзи яна ички бўлинишларга эга бўлади. Унинг таркибидаги ҳар қайси лексеманинг синтактик вазифаси эса умумий гап учун эмас, балки ички қурилма учун тегишли тарзда белгиланади. Яъни:

$N(\text{ни}) + V_{\text{ган}} + N + [N(\text{нинг})\text{олдидан} + V_{\text{ганда}}] + N_{\text{ни}} + V_{\text{ф}}$

бу ерда: N - от, V - феъл, унинг шакллари

Шунингдек, **Уйқи қочиб, яна сихбатлашдилар (Ш.)** гапида **сихбатлашдилар** кесимининг (предикатининг) “бўш ўрин”ларини тўлдирувчи воситалар **уйқи қочиб** ҳамда **яна** бирликларининг иккиси ҳам ҳол позициясида келяпти. Гарчи икки бирлик ҳам бутун гапга нисбатан ҳол позициясида келиб, унга тобеланиб алоқада бўлаётган бўлса-да, улар ўртасида муайян фарқлар мавжуд: **Уйқи қочиб** қурилмаси ўз ички тузилишга эга бўлган яхлит бир позициядаги пропозитив номдир. Чунки бу гапда иккита пропозиция мавжуд: **уйқи қочди, яна сихбатлашдилар.**

бунда: Adj - равиш

Одамлар Турсунбойни кочок дейишганда.

Жаннат хола ишонкирамаган эди (С.А.) гапида ҳам икки пропозиция бор: одамлар Турсунбойни кочок дейишган: Жаннат хола ишонкирамаган эди. Бироқ дастлабки гапда предикат кесимлик шаклини йўқотиб, ўз кенгайтирувчилари бўлган одамлар, Турсунбойни, кочок ифодалари билан биргаликда ишонкирамаган эди кесимига тобеланиб келяпти ва умумий ҳолда ҳол позициясида келяпти. Юқоридаги гапларда ҳол позициясидаги яна бирлиги билан ҳол позициясидаги пропозитив ном бўлган одамлар Турсунбойни кочок дейишганда курилмасини қиёслаб кўрамыз: яна - бир узвли; иккинчиси - кўп узвли; яна лексемасининг кенгайтирувчилари мавжуд эмас, дейишганда эса одамлар, Турсунбойни, кочок сўз шакллари билан кенгайиб келяпти; яна лексемасининг субстанционал шакли равиш, пропозитив ном эса мазмунаш содда гапга тенг. Ушбу гап икки жиҳатдан ифода иланига эгадир. Ифодасига кўра: от + от + сифат + феъл типли; функционал маъносига кўра: яна + тўлдирувчи + ҳол + кесим (ички) шаклий жиҳатдан янада аниқроқ белгиласак, от (турдош, бош келишик) ; от (атоқли, тушум келишик) + сифат (хус.билд.) + феъл (сифатдош + да шаклли)тарзидаги морфологик ифодаланишли ҳамда эга (узвли) + тўлдирувчи (воситасиз) + ҳол (тарз) + кесим (феъл асосли) кўринишидаги функционал маъноларга ажратиш мумкин.

N + Nни + Adv + Vганда, + N + Vг

бу ерда: Adv - сифат

ёки:

Япроқларини чанг босган сўриток тагидаги чол алланимани хидлади (Ў.Х.).

Гивала деворлар орқасида бекинган чанг босган беҳи гўралари, теракка чирмашган аймоқи узумлар бу кўчага ажиб бир ҳусн бағишлайди. (С.А.) ганларига эътибор қилайлик. Дастлабки гапда эга позициясида келаётган пропозитив ном ўз таркибида тўри узвдан ташкил топган: япроқларини чанг босган сўриток тагидаги чол.

Сўриток ифодаси чанг босган бўлагини (сифат дошини), чанг босган мураккаб бирикмаси (у ўз ичиде чанг ва босган узвларидан иборат) эса япроқларини тўлдирувчисини ўзига тобелантириб келяпти:



Бу гапдаги пропозитив ном ҳам босқичма-босқич ажратилади: тўлдирувчи + тўлдириши узвларига ва аниқловчи + аниқланмиш узвларига. Яъни:

$\boxed{\text{Nни} + \text{Vган} + \text{N(нинг)} + \text{Adj} + \text{N}} + \text{Pтопи} + \text{Ўг}$

бу ерда: Adj – равиш, Pтоп – оломош

Кейинги гапнинг предикати ҳусн бағишлайди ҳам бир неча бўлиш ўринларга - валентликларга эга бўлиб, бу валентликларни эга позициясида келаётган гивала деворлар орқасида бекинган чанг босган беҳи гўралари ҳамда теракка чирмашган аймоқи узумлар, хол позициясида келган бу кўчага, аниқловчи позициясида

келган **ажиб бир** - бирикмалари тўлдириб келган. Бу ерда эга позициясида келган бўлақлар уюшиб келяпти, уларнинг ҳар қайсиси ўз доирасида қатор лексемалар асосида ташкил топган бутунлик сифатида ички бўлинишларга эга бўлади.

Мантикий субъект ва предикат, тушунчаси билан семантик субъект ва предикат тушунчалари ўзаро боғланган бўлсалар ҳам, аммо бир-бирига тенг ҳодисалар эмас.¹ Чунки гапнинг семантик тузилишида субъект ва предикатдан ташқари вазиятнинг бошқа элементлари ҳам қатнашади. Юқоридаги гапда **гивала деворлар** - субъект, **бекинган, чанг босган** - предикат (биринчи пропозиция), **беҳи ғўралари, аймоқи узимлар** - субъект, **ҳисн башишлайди** - предикат (иккинчи пропозиция) сифатида мазмуний бирликлар ажратилади. Бироқ унда ҳукмнинг уч асосий элементи мавжуд: **гивала деворлар орқасида бекинган чанг босган беҳи ғўралари** ҳамда **теракка чирмашган аймоқи узимлар**-С (субъект); **би кўчага ажиб бир ҳисн башишлайди** - П (предикат) ҳамда субъект ва предикат муносабатини юзага чиқарувчи "=" (боғловчи).

Демак, бу гапдан гапнинг мазмуний тузилиши билан ҳукм элементлари бир-бири билан тенг ходиса эмаслигини кўриш мумкин.

Ушбу гапда **гивала деворлар орқасида бекинган чанг босган беҳи ғўралари** ҳамда **теракка чирмашган аймоқи узимлар** пропозитив номлари эга позициясида келяпти. Иккинчиси худди юқорида берилган мисолдаги каби **узимлар** аниқланмиши **теракка чирмашган аймоқи** аниқловчисини; **аймоқи** бўлаги **теракка чирмашган** сифатдошини, **чирмашган** сифатдоши

¹ Нурмонов А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан, 1992, 56-бет.

(тўлдириши) **теракка** тўлдирувчисини тобелантириб келган. Улар боғланишига эътибор қилайлик:

теракка чирмашган - Nка + Vган

аймоқи узумлар - Adv + N

теракка чирмашган узумлар - (Nка + Vган) + N

теракка чирмашган аймоқи узумлар - (Nка + Vган) + Adv + N

Кўринадикки, **теракка**, **чирмашган**, **аймоқи** сўз шаклларининг синтактик вазифаси юқоридаги гаптаги **хандалак**, **кўтарган** (хандалак кўтарган киши); учинчи гаптаги **япроқларини**, **чанг босган**, **сўриток тагидаги** (япроқларини чанг босган сўриток тагидаги чол) лексемалари сингари умумий гап учун ҳам; предикатли бирикма учун ҳам алоқадор бўлмай, инструменталис аъзонинг турлича белгиларини ифодалаш мақсадида қўлланилган бўлакнинг бўлаги саналади.

Ушбу гапта пропозитив ном шаклидаги эга уюшиб, **хусн бағишлайди** предикатига мустақил ҳолда боғланмоқда ва предикатнинг бўш ўринларини тўлдириб келмоқда.

Охириги гаптаги эга позициясида келган кўп узвли пропозитив номнинг ички боғланишини кўриб ўтамыз:

гивала деворлар орқасида бекинган чанг босган беҳи ғйралари

гивала деворлар Adv + N (нинг)

Аниқловчи + аниқланмиш узвли ушбу бирикма сифатловчиси сифат билан, сифатланмиши от билан ифодаланган.

Гивала деворлар оркасида бирикмасининг ички тузилиши сифатловчи + сифатланмишнинг қаратқич функциясида (гивала деворлар (нинг) оркасида) келиб, қаралмишга боғланиши билан белгиланади. Яъни:

$\boxed{\text{Adv} + \text{N} (\text{нинг})} + \text{Nда} \dots$ узвларидан иборат

Навбатдаги гивала деворлар оркасида бекинган мураккаб бўлаги юқоридаги ички тузилиш билан бирга, хол позициясида келган гивала деворлар оркасида бирикмасининг бошқарувчиси бекинган сифатдоши билан алоқада бўлади:

$\boxed{\text{Adv} + \text{N} (\text{нинг}) + \text{Nда}} + \text{Vган}$

Чанг босган бирикмаси ўз ичида алоҳида тузилиш узвига эга:

$\text{N} + \text{Vган}$

Айни шу бўлак юқоридаги гивала деворлар оркасида бекинган мураккаб бирикма билан тенг позицияда туради:

$\boxed{\text{Adv} + \text{N} (\text{нинг}) + \text{Nда} + \text{Vган}}$ $\boxed{\text{N} + \text{Vган}}$

Эга позициясида келган ушбу пропозитив номнинг инструменталис аъзоси саналган бехи ғйралари бирикмаси икки узвдан ташкил топган бутунлик бўлиб, унинг ички структурасини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

$\text{N}(\text{нинг}) + \text{N}$

Бу ерда аниқловчи + аниқланмиш (қаратқич + қаралмиш) кўринишидаги бўлак ўзидан олдинги барча узвлар асосида кенгайиб, хусн бағишлайди предикатининг валентликларини тўлдириш учун хизмат қилади. Ўз ичида умумий тарзда қуйидаги узвлардан иборат бўлади:

$\boxed{\text{Adv} + \text{N} (\text{нинг}) + \text{Nда} + \text{Vган}}$
 $\boxed{\text{N} + \text{Vган}}$ $\boxed{\text{N} (\text{нинг}) + \text{N}}$

Кирбоной қорға беланган этагини кафти билан тозалаган бўлди (Ў.Х.).

Берилган гапда **тозалаган бўлди** кесимига нисбатан эга позициясидаги **Кирбоной**, воситали тўлдирувчи вазифасидаги **кафти билан**, воситасиз тўлдирувчи вазиятидаги **қорға беланган этагини** бўлаклари бир хил мавкеда бўлиб, улар мазмуний жиҳатдан предикатнинг бўш ўринларини тўлдириш учун хизмат қилмоқда. Яъни:

· N + Nга + Vган + Nни + Nбилан + Vг

Мазмуний жиҳатдан:

s + s + p + s + inst + Pv

буца: s - субъект (предмет)

p - предикат

inst - восита

Тўлдирувчи мазмунап предикат ифодалаган ҳаракат, ҳолат бевосита ўтган ёки унга алоқадор бўлган объект муносабатини ифодалайди. Тўлдирувчи предикатнинг объект валентлигини тўлдириб келади. Объект, ўз навбатида, турлича белгиларга эга бўлади. Объектнинг аша шундай белгиларини моддий шакллар ёрдамида ифодаланиши объектни ифодаловчи синтактик шаклни ёйиқ тусга киритади. Объект белгиларини ифодаловчи синтактик шакллар гапнинг мазмуний ва грамматик маркази бўлган предикат билан эмас, балки унинг объекти билан муносабатга киришади. Объект ва унинг белгисини билдирувчи синтактик шакллар биргаликда бир мураккаб ном сифатида бир синтактик позицияда - тўлдирувчи позициясида келади.

Тўлдирувчи позициясида келган пропозитив номлар турлича йўллар билан ҳосил бўлади.

- 1) гапнинг гап бўлагига трансформацияланиши билан;
- 2) объект билдирувчи ифоданинг белги валентликларини тўлдириб келиши билан.

Дастлабки усул кесим позициясида келган предикатнинг кесимлик белгисини йўқотиши асосида ҳосил бўлади. Жумладан, поезд кичкирди гагидаги предикат вазифасида келаётган кичкирди кесимининг кесимлик белгисини йўқотиши айна шу предикатга алоқадор бўлган ҳар қайси узвнинг ўз вазифасини йўқотишига олиб келади:

Поезднинг кичкирганини эшитди. (Ш.)

Бу ерда дастлабки предикат билан (кичкирганини) муносабатда бўлган поезд лексемаси ҳам ўз функциясини йўқотган ва поезднинг кичкирганини шаклида мустақам жишланиб, гап таркибида кесим позициясида келган иккинчи предикат - эшитди сўзига нисбатан яхлит бир гап бўлаги позициясида келиши учун имконият вужудга келди. Мазмуний жиҳатдан поезднинг - субъект, кичкирганини - предикат (биринчи пропозиция), эшитди - предикат (иккинчи пропозиция) тарзида таркибий қисмлар - узвларга ажратилса-да, шаклий томондан поезднинг кичкирганини - тўлдирувчи позициясидаги бирикма, эшитди - кесим сифатида белгиланади.

Кўрипадики, бундай ҳолларда шаклий жиҳатдан содда гаплар мазмуний жиҳатдан мураккаб кўринишига эга бўлади: Энди у боятдан бери гашига тегаётган аллакимнинг хуррак отишини ҳам эшитмас эди гагидаги бирикларни таркибий қисмларга ажратсак, икки хил бўлишини кўзга ташланади. Шаклий жиҳатдан бу гап содда кўришида бўлиб, гапнинг марказий элементи бўлган эшитмас эди кесими ўзига ҳол позициясида келган эди ва эга позициясида келган у лексемаларини ҳамда боятдан бери гашига тегаётган аллакимнинг хуррак отишини тўлдирувчисини бўйсундириб келмоқда. Ушбу гапни мазмуний узвларга ажратсак, у анча мурак-

каб тузилишга эга эканлиги маълум бўлади. Чунки тўлдирувчи позициясида келаётган пропозитив ном сифатида белгиланаётган **боятдан бери гашига тегаётган аллакимнинг хуррак отишини** жумласи ўз ичида қатор мазмуний узвлардан иборат. Чунки дастлабки боскичда **аллаким хуррак отаётган эди** содда гапнинг трансформацияланиши натижасида **аллакимнинг хуррак отиши гашига тегаётган эди** шаклидаги содда гап ҳосил бўлган, иккинчи боскичда эса **боятдан бери гашига тегаётган аллакимнинг хуррак отишини эшитмас эди** тарзида ҳаракат ифодаловчи феъл-кесим ўз позициясини йўқотди. Бироқ мазмуний ёндашувда **гашига тегаётган** ва **хуррак отишини** ифодалари предикатлик мавқисини сақлаб қолганлиги натижасида сўнгги кесимлик позициясини йўқотмаган **эшитмас эди** сўз шакли билан бирга, бу гапнинг учта предикати мавжудлиги англашилади.


Берилган гап асосида 3 та содда гап бўлиб, улар муносабатидан ташкил топган қўшма гапнинг содда гапга трансформациясидан юзага келган. Биринчи ва иккинчи гапнинг кесими кесимлик позициясини йўқотиб, трансформацияланиши натижасида **боятдан бери гашига тегаётган аллакимнинг хуррак отишини** тарзидаги тўлдирувчи позициясидаги пропозитив ном шаклланди:

Adj + Pron + Adjбери + Nга + Vгап + Pronнинг + Vни + Уф


бу ерда: Adj - равиш, Pron - оломон, N - от, V - феъл ва унинг шакллари.

Объект билдирувчи ифоданинг белги валентликларини тўлдириб келиши билан ҳосил бўлган пропозитив номлар сифатдош оборотлар ва белги ифодаловчи лексемалар ёрдамида юзага чиқади. Жумладан, **Кабристон изра чўккан йлик сукинатни қор яна ҳам чиқурлаштир-**

ган гапидаги кесим позициясидаги предикат **чуқурлаштирган** лексемаси билан объект муносабати **қабристон узра чўккан ўлик сукунатни** курилмаси орқали ифодаланган. Ушбу пропозитив номнинг марказий таянч нуктаси бўлган **сукунатни** сўзи белги валентликларини кучайтирувчи сўз шакллари воситасида кенгайиб, гапда бир бутун ҳолда тўлдирувчи позициясини эгаллаган. Белги валентликларини билдирувчи сўз шакллари умумий гапнинг кесим позициясидаги предикати **чуқурлаштирган** сўзи билан тўғридан тўғри муносабатга кириша олмайди. Яъни:



Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, тўлдирувчи позициясидаги пропозитив номнинг таянч нуктаси - **сукунатни** лексемасига хос белгининг ифодаланиши **қабристон узра чўккан сукунатни** ёки **ўлик сукунатни** тарзида ҳам бўлиши мумкин. Бунда объект аниқлашувчи ифоданинг белги валентликлари алоҳида-алоҳида ҳолда юзага чиқади. Яъни:



Хар қандай ган бўлаги субстанционал тушунча ҳам, конкрет моддий тушунча ҳам, соф мазмуний ёки шаклий тушунча ҳам эмас. балки соф функционал тушунчадир, яъни гап бўлаги бу позиция тушунчаси демакдир. Позиция ва функция тушунчалари нисбий характерда бўлиб, муайян гап бўлаги вазифасида келаётган сўзнинг ўзида системадан ташқарида гап бўлагининг маъноси мавжуд

эмас. Гап бўлагининг маъноси системада намоён бўлувчи маънодир.

Кўринадики, сўзнинг категориал маъноси билан функционал маъносини фарқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бир печка категориал маънога эга бўлган сўз бир бутун ҳолда система ичида бир функционал маънога эга бўлиши мумкин. Бундай вақтда бир функционал маънога эга бўлган бўлак ўз ички бўлишини хусусиятига эга бўлса ҳам, бироқ бутун гапга нисбатан яхлитлик касб этади. Бундай хусусият, айниқса ҳолларда кўп учрайди. Бир функционал маънога эга бўлиб, муайян позициясида келган, лекин ички бўлишни хусусиятига эга бўлган нисбий бутунликларда бир сўз етакчилигича қолади. Апа шундай етакчи сўз бўлган уюштирувчи марказни ҳисобга олганда, ҳол позицияда келган пропозитив номларни қуйидагича гурuhlаш мумкин:

- 1) равишдош оборотли пропозитив номлар;
- 2) сифатдош оборотли пропозитив номлар;
- 3) ҳаракат номи оборотли пропозитив номлар

Равишдош, сифатдош ва ҳаракат номи ҳол позициясида келган пропозитив номларнинг шаклий субстанциясининг маркази ҳисобланади. Улар феълнинг функционал шакллари бўлгани сабабли, бошқа сўзларни бош қариб, грамматик марказ бўлиши, айни замонда, ўзи бош қариб келаётган бирликлар билан яхлит ҳолда маълум вазиятда келиши мумкин. Бундай синтактик қурилмалар мазмунан содда гапларга тенг қолади. Содда гаплар ҳам, феъл асосли синтактик қурилмалар ҳам бир хил объектив мазмунни, бир хил пропозицияни ифодалайди ва бир хил объектив мазмуннинг икки хил ифодаси саналади. Улар ўртасидаги фарқлашни грамматик ва мазмуний асос бўлган феълнинг шакли билан, умумий қурилманинг модус ифода қилай олиш - ифода қилай олмаслиги билан белгиланади.

Профессор А.Нурмоновнинг таъкидлашича, равишдош, сифатдош, ҳаракат номи иштирокидаги оборотлар деб юритилувчи қурилмалар бир бутун ҳолда асосий предикатнинг аргументи позициясида - қўшилма предикат вазифасида келади. Кўп предикатли содда гапларда аргумент позициясида келувчи предикативлик белгисига эга бўлмаган предикатлар маълум пропозицияни ифодаласа ҳам, аммо гап бўлиб шакллана олмайди.¹

Жангчилар шу ҳақда анча тортишгач, кечки йўкламага дув кўтарилдилар (Ш.) гапида икки пропозиция бўлиб, икки объектив мазмун ифодаланган: жангчиларнинг бу ҳақда тортишганлиги ва кечки йўкламага дув кўтарилганлиги. Бироқ биринчи пропозициянинг предикати предикативлик шаклини олмай, гап сифатида шакллана олмаган. Бу ерда диктум ифодаланса ҳам, модус қўшилмаган.

N + Pron ҳақда + Adj + Vгач + Adv + Nгз + Adj + Vг

Демак, баъзи гапларда бирдан ортиқ предикат иштирок этиши мумкин. Лекин улардан бири предикативлик шаклини олиб, гапни гап қилиб шакллантирувчи асосий предикат ҳисобланса, қолганлари бундай хусусиятга эга бўлмайди ва иккинчи даражали предикатга айланади.

Хар қандай оборот гап таркибида маълум бир позицияда келиб, бир функционал бўлак вазифасини бажаради. Шу сабабли оборот таркибидаги бўлаklar фақат оборот ичидагина функциялашиб, бутун гап учун эса нофункционал² ҳисобланади. Гап бир бутун сифатида бўлаklarларга ажратилаётганда, оборотлар бир гап бўлаги сифа-

¹ Нурмонов А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан. - 1992, 72-бет.

² Гап бўлаklarининг нофункционал позициялари ҳақида қаранг: Абдусаматов А. Ўзбек тилида гап бўлаklarининг ноамалий мавқеи // Филол.фан.номэ. ... - лисс. Автореф. Самарқанд, 1994.

тида ажрагилиши лозим. Шунингдек, оборотлар ўз ички бўлиниш хусусиятини ҳам саклаб қолади.

Равишдош оборотларнинг грамматик ва мазмуний асосини равишдош шаклидаги предикат ташкил қилади. Бундай предикатлар таянч қисм сифатида ўзига хос аргументлар билан кенгайиб келади. Кенгайтирувчи аргументлари билан биргаликда, гап тарикбида бир бўлакни ҳосил қилиб, бир синтактик бўлак сифатида - ҳол позициясида келади ва натижада ҳол позициясидаги пропозитив номлар юзага келади. Пропозитив номнинг марказий нуктаси бўлган равишдошнинг ўз валентликларини аргументлари турлича аъзолар воситасида тўлдириб келади.

Ота жимгина йтириб, унинг гапларига қилок солди (С.А.) гапида ҳол позициясида келган равишдош оборот шаклий тузилишига кўра уч узвли бўлиб, ҳоким қисм бўлган **йтириб** равишдошининг талаби билан тобе қисмлар саналувчи **ота** ва **жимгина** сўз шакллари муайян синтактик позицияни эгаллайди. Ушбу қурилма доирасида ҳоким қисмнинг синтактик позицияси ўз аргументлари билан биргаликда, асосий предикатга нисбатан аниқланади. Бу ерда **йтириб** равишдоши иккинчи даражали предикат саналиб, ўз аргументларига нисбатан ҳоким, асосий предикатга нисбатан тобе вазиятни эгаллаган.

Айрим ҳолларда равишдош шаклидаги уюштирувчи марказ аргументлари кўп аъзоли бўлиши кузатилади:

Оксокол то текин ноқишта қилиб олгинча, эшак ҳам бир роҳат қилмоқчи бўлди (С.А.)

$N + Adj + Adv + N + V_{гунча} + \bar{N} + Adj + \bar{V}_f$

Равишдош оборотли пропозитив ном таркибидаги таянч нукта **ноқишта қилиб олгинча** ўзига **оксокол** ва **текин** воситаларини эргаштириб келяпти. Унинг аргументлари кесимлик шаклини йўқотган предикатнинг субъекти (**оксокол**) ва белги (**текин**) валентликларини тўлдириши

учун хизмат келяпти. Барча компонентлар яъни гарда хол позициясида келяпти. **Фармонов шафакранг дарпардани шартта очиб, огайнисига йгирилиб қаради** (О.Ё.) гапида **очиб** уюштирувчи маркази эга позициясидаги **Фармонов**, тўлдирувчи позициясидаги **шафакранг дарпардани** (у ўз ичиди сифатловчи + сифатланмиш типидидаги бирикмаши ташкил этган), хол позициясидаги **шартта** аргументлари билан кенгайган ва бу кенгайиш орқали оборот хосил бўлган. Айрим позициялар бутун гапга эмас, балки таянч нукта бўлган кесимлик шаклини йўқотган предикатга нисбатан белгиланади.

Рашишдош оборотли пропозитив номлар қуйидаги моделлар асосида юзага чиқади:

Элмирод бирпас йтиргач, кўзларининг қисилиб кетаётганини сезди. (Ш.)

$N + \boxed{\text{Adj} + V_{\text{гач}}} + \boxed{\text{N}_{\text{нинг}} + V_{\text{ганини}}} + V_f$

Жавоб кайтгунча, тугилган боланинг чилласи чиқади. (Ш.)

$N + V_{\text{гунча}} + \boxed{V_{\text{ган}} + N_{\text{нинг}} + V_f}$

Уйқу қочиб, яна суҳбатлашдилар. (Ш.)

$N + V_{\text{иб}} + \boxed{\text{Adj} + V_f}$

Баъзи холларда рашишдош оборотли қурилмаларнинг уюштирувчи маркази бўлган предикатлар кесимлик шаклини тўла йўқотмайди, уларда феълга хос шахс ва сон белгилари сақланади:

***мен келгунимча
сен келгунингча
у келгунича***

***биз келгунимизча
сиз келгунингизча
улар келгунларича***

Бирок шахс-сон англаувчи аффикслар берилмаса-да, ифоданинг мазмунига путур етмайди: **мен келгинча, сен келгинча...**

Сифатдош оборотлар кўичилик адабиётларда мустақил гапларнинг номинализация остидаги трансформациясидан¹, айрим адабиётларда эса сифатдошнинг ўзига онд сўзлар кенгайиб келишидан² хосил бўлгани таъкидланади.

Сифатдош оборотлар ҳам равишдош оборотлар каби маълум пропозиция ифодалайди. Пропозициянинг предикатив тузилиш орқали ифодаланиши бирламчи ифодаланиш бўлса, оборотлар орқали ифодаланиши иккиламчи ифодаланиш саналади. Шунга кўра, бундай қурилмалар айрим муаллифлар томонидан иккинчи даражали предикатив тузилмалар ҳам дейилади³.

Пропозитив ном доирасидаги сифатдошлар ҳам феълга хос айрим категорияларни ифодалайди. Масалан, **Низомжон кўзини очганда, айвонда ҳеч ким йўқ эди (С.А.)** гапидаги ҳол позициясида келган **Низомжон кўзини очганда** синтактик қурилмасининг сифатдош шаклидаги бирлиги **кўзини очганда** феълга хос бўлишли бўлишсизлик шаклини (бўлишли), нисбат категориясини (аниқ нисбат) ифодалаган.

N + Vганда + Nда + Pчоп + йўқ эди

Сифатдош оборотларнинг марказий қисми бўлган сифатдошнинг ана шу хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ва сифатдош шаклидаги иккинчи даражали предикатнинг бош

¹ **Общее языкознание.** Внутренняя структура языка. М., 1970; Маҳмудов Н.М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. Тошкент, 1984. 106-бет.

² **Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И.** Ўзбек тили. Тошкент: 1966. 141-бет, Ўзбек тили грамматикаси. II том. Тошкент: Фан, 1976. 221-бет.

³ **Долинина И.Б.** Системный анализ предложения.- М., 1977. С. 14; **Нурмонов А.Н.** Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. Тошкент, 1982; **Маҳмудов Н.М.** Юқоридаги асар. 95-бет.

келишик шаклидаги субъекти мавжуд бўлган қурилма ларни айрим муаллифлар эргаш гапларнинг алохида тини сифатида белгилайдилар¹. Бирок бундай қурилмалар гап учун хос бўлган энг мухим белги - предикативлик белгисини йўқотиб, гап таркибида унинг бир бўлаги сифатида функциялашишини ҳисобга олсак, уларнинг гаплик хусусиятига эга эмаслиги аниқланади. Ушбу масала юзасидан И.Б.Долинина фикр юритиб, оборотларни бутун бир гап таркибида бир яхлит бўлак сифатида қатнашиши билан бирга, муайян ички тузилишга ҳам эга бўлишни таъкидлайди.²

Афтидан, би гапларни яхши илғаб ололмаган Зокиров бир-икки марта ҳазил-митойиба қилиб кўрди. (О.Ё.)

Берилган гапда икки пропозиция мавжуд. Биринчиси, Зокиров би гапларни яхши илғаб ололмаган, иккинчиси, Зокиров бир-икки марта ҳазил-митойиба қилиб кўрди. Ушбу пропозицияларнинг биринчиси предикатив қурилма орқали эмас, балки попредикатив қурилма орқали ифодаланган. Бу қурилма номинализация йўли билан трансформацияланиб, гапда бир гап бўлаги сифатида функциялашган. Яъни:

A , + [P_{top} + N_{ни} + Adj + V_{ган} + N] + Adj + V_f

бу ерда: A – модал сўз

Бундай қурилмалар юзаки қараганда, эга *т* кесим муносабатидек кўринса-да, бош келишик шаклидаги субъект ва иккинчи даражали предикат муносабати номинализациялашган бўлакнинг ички бўлинишидир. Бундай бўлаклар ички тузилишга кўра хилма-хил бўлса-да, бутун гап тузилишида фақат битта позицияда функциялашади. Кел-

¹ Бу ҳақда тўла маълумот учун қаранг: Маҳмудов Н. Ўша асар. 101-бет.

² Долинина И.Б. Ўша асар. 15-бет

тирилган гапдаги пропозитив ном эга позициясини эгаллаган.

Гапда кўпинча икки ва ундан ортиқ пропозиция ифодаланиши мумкин. Хар қайси пропозициянинг марказий элементи предикат хисобланади. Предикатлар иштирокига кўра гаплар мазмуний жиҳатдан бир предикатли ва кўп предикатли гапларга бўлинади. Кўп предикатли гапларда предикатларнинг кесимлик шаклига эга бўлиш-бўлмаслигини қўшма гапларни белгилашда катта аҳамиятга эга бўлади. Агар предикатларнинг барчаси кесимлик шаклига эга бўлса, қўшма гап; предикатлардан биттаси кесимлик шаклига эга бўлса, содда гап саналади. Кесимлик шаклини олмаган предикатлар гапда кесим бўлиб кела олмаса ҳам, лекин пропозиция ифодалаш имкониятини сақлаб қолади. Шунинг учун ҳам мазмуний ва грамматик марказ сифатида “бўш ўрин”ларга эга бўлади ва бу “бўш ўрин”ларни тўлдириш имконияти мавжуд бўлади. Ана шу бўш ўринларни тўлдириш натижасида предикатни ифодаловчи сўз кенгайди. Шунга кўра, бу кенгайган предикатли бирикма асосий гапнинг кесими билан синтагматик тобе муносабатга киришади ва унга нисбатан битта синтактик позицияни эгаллайди.

Холмирод очик турган мактаб эшигини беркитишга борганда, ичкаридан овозлар эшиктилди (Ш.Т.)

Юқоридаги мисолда **борганда** сифатдоши предикат ифодалаб, бир неча “бўш ўрин”ларга, валентликларга эга. Хусусан, мақсад (инструменталис), агенс валентликларини эга бўлиб, бу валентликларни тўлдирувчи вазифасида келган **беркитишга, очик турган мактаб эшигини** эга вазифасида келган **Холмирод** сўз шакллари тўлдирилади. Лекин предикат валентликларини тўлдирган бу лексемаларнинг синтактик вазифалари бутун гап учун эмас

балки шу предикат асос бўлган бирикма доирасида амал қилади. Инструменталис валентлигини тўлдирган **очик турган мактаб эшигини** бирикмасининг ўзи яна ички бўлинишларга эга бўлади: **мактаб, очик турган** ифодаларининг синтактик вазифаси умумий гап учун ҳам, предикатли бирикма учун ҳам алоқадор бўлмай, инструменталис аъзонинг белгисини ифодалаш учун қўлланилган бўлакнинг бўлаги саналади.

Бундан кўринадики, ҳар қандай аниқловчи гапнинг эмас, бўлакнинг бўлаги мақомига эга бўлади: Бу гапда:

$N + V_{ган} + N_{(нинг)} + N_{ни} + V_{га} + V_{ганда} + Adj + N + V_{(аги)}$

шакллар воситасида гапда ҳол позициясини эгаллайди: **-ганда; -ганидан; -гани сайин; -гани учун:**

Расил нечундир йнгайсизланганидан, нигоҳини четга оларди. (О.Ё.)

Фармонов энди кетмокчи бўлиб турганида ёрдамчи телефон қилиб қолди. (О.Ё.)

Ерни гўзал қилгани сайин Гўзал бўлар ўзи ҳам инсон. (Э.В.)

Харакат номи оборотларининг маркази ҳаракат номи паклидаги предикат саналади. Ҳаракат номи оборотлари ҳам муайян содда гапларнинг номинализация йўли билан трансформациясидан ҳосил бўлган. Улар мазмунан маълум пропозиция ифодаласа-да, лекин грамматик жиҳатдан гап-лик хусусиятини йўқотган.

Маълум пропозиция гап шаклида ҳам номиналланган бўлак шаклида ҳам ифодаланиши мумкин. Гап шаклидан номиналланган бўлак шаклига трансформация қилинганда, гапнинг предикатив шаклини олган бўлаги ҳаракат номи шакли билан, бош келишида келган субъектни ифодалаб

қаратқич шакли билан алмаштирилади. Бу билан синтактик қурилмада гапдан ифодаланган пропозиция саклаб қолинади, бироқ кесимлик белгиси йўқолади.


Масалав: Унинг уйкуда алланималарни айтиб гул ранишларидан Мехринисо анча қийналган. (О.Ё.)

Жифти-халолнинг оғирини енгил қилиш учун Шоввознинг ўзи нима қилибди! (О.Ё.)

Дастлабки гапда ҳаракат номи оборотли пропозитив ном ҳол позициясида (сабаб) келган. Трансформация натижасида содда гап (у уйкуда алланималарни айтиб гул ранирди)нинг эгаси қаратқич, кесими қаралмиш шаклини олган. Уюштирувчи марказ бўлган ҳаракат номи феъл шакли бўлгани сабабли, ўзига бошқа (**у, уйкуда, алланималарни**) бўлақларни тобелантириб, улар билан яхлит ҳолда, сабаб ҳоли вазифасида функциялашапти. Бу синтактик қурилма умумий гапнинг фақат битта позициясини эгаллаб, эга позициясидаги **Мехринисо**, тарз ҳоли позициясидаги **анча** сўзлари қатори **қийналган** предикатининг аргументи сифатида намоён бўлмоқда:

$\boxed{\text{Проп} + \text{Нда} + \text{Проп ни} + \text{Виб} + \text{Удан}} + \text{N} + \text{Adj} + \text{Vf}$

Иккинчи гапдаги пропозитив ном **жифти халолнинг оғирини енгил қилиш учун** синтактик қурилмаси эса гапда мақсад ҳоли позициясида келяпти. Ушбу гапнинг марказий нуқтаси саналган кесим (**нима қилибди**) икки мураккаб қурилмани яхлит ҳолда ўзига эргаштириб келяпти:



Пропозитив ном таркибидаги бирликлар айри-айри хол да эмас, яхлит холда мазмун англатишини эътиборга олиб, уларнинг таянч нуктага боғланишини шундай белгилаш мумкин:

$N_{\text{нинг}} + Adv_{\text{ни}} + Adv + V_{\text{учун}} + N_{\text{нинг}} + P_{\text{он}} + Vf$

Бехзод эшикдан кириб келиши билан кампир унга ёш боладай кўзлари мўлтираб қарарди (О.Ё.) гапида эса қарарди предикати бир неча аргументларни ўзига эргаштириб келяпти: Бехзод эшикдан кириб келиши билан, кампир, унга, ёш боладай кўзлари мўлтираб. Булар орасида хол позициясида келган синтактик қурилма сифатида Бехзод эшикдан кириб келиши билан ва ёш боладай кўзлари мўлтираб ифодаларини келтириш мумкин. Равишдош оборотли пропозитив ном бўлган иккинчи қурилма тарз холи позициясида, ҳаракат номи оборотли бирикма эса пайт холи позициясини эгаллаган.

Яъни:

$N + N_{\text{дан}} + V_{\text{иб}} + V_{\text{иш билан}} + N + P_{\text{он га}} + Adv + Adj + N + V_{\text{б}} + Vf$

Кўринадики, хол позициясида келувчи ҳаракат номи оборотли пропозитив номлар қуйидаги моделлар орқали шаклланади:

$N_{\text{нинг}} + V_{\text{ишдан}}$

$N_{\text{нинг}} + V_{\text{иш учун}}$


$N + V_{\text{иш билан}}$

Хол позициясида келувчи пропозитив номлар равишдош, сифатдош ва ҳаракат номи оборотлари орқали шаклланишида, содда гаплар кесимининг трансформацияланиши натижасида вужудга келгани сабабли, аксар ҳолларда улар узилишига кўра кўчи узвли бўлади.

Жумладан:

Кидратли кутқуга беролмасдан тоб,
Филдирак остида қолиб кетади. (А.О.)

Берилган гагда равишдош шаклидаги пропозиция ифодаловчи **беролмасдан тоб** бирлиги феълнинг бўлишсиз шакли билан юзага чиқяпти. У ўзига гарчи тўлдирувчи позициясидаги **кидратли кутқуга** бирикмасини эргаштириб келаётган бўлса-да, ушбу бирикма ўз ичида икки узвдан ташкил топган. Бу узвлар бир-бири билан сифатловчи + сифатланмиш тинида боғланыпти. Чунки бирикманинг асоси саналган **кутқуга** сўз шакли предмет маъноли бўлиб, предметнинг белги валентлиги кудратли лексемаси орқали тўлдириляпти. Бу бирикма аъзолари яхлит ҳолда кесимлик шаклини йўқотган предикатга боғланиб, унинг аргументи сифатида, айни замонда, пропозитив номнинг уюштирувчи маркази ўз аргументи билан бирга, умумий гагга нисбатан ҳол нозициясида қияпти. Яъни:



Юқоридагилардан кўринадикки, феъл асосли пропозитив номларни шаклий жиҳатдан қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

эга узвли: улар от, олмош, сон каби туркумлар билан ифодаланади;

тўлдирувчи узвли: от, олмош, сон, феъл шакллари билан ифодаланади;

аниқловчи узвли: сифат, от, сон билан ифодаланади;

ҳол узвли: равишнинг турлари орқали ифодаланади.

3.2. *Феъл предикатли пропозитив номларнинг ички мазмуний бўлиниши*

Бугунги кунда тилшуносликда феълларнинг мазмуний таснифида умумий талқин мавжуд эмас. Феъллар турлича тамойиллар асосида гуруҳланади¹. Инвариант маъно асосида тасниф қилинганда прагматик аспект эътиборга олинади, яъни: фаолият, ҳолат, хусусият, муносабат ва бошқа.

Умумий ҳолда феъл учун хос бўлган инвариант мазмун ҳаракат бўлиб, феъл предикатли пропозитив номнинг уюштирувчи маркази ҳам шу умумий мазмун асосида бирлашади. Шунга кўра, феъл предикатли пропозитив номларни мазмуний жиҳатдан таҳлил этишда қурилманинг уюштирувчи маркази эмас, унинг кенгайтирувчи узвлари алоҳида эътиборга олинади маъқулроқ. Яъни:

- миқдор узвли пропозитив номлар;
- белги узвли пропозитив номлар;
- предмет узвли пропозитив номлар;
- ўрин узвли пропозитив номлар;
- пайт узвли пропозитив номлар ва бошқалар


Миқдор узвли пропозитив номлар сон ва олмош туркумидаги лексемалар воситасида шаклланади, бунда биринчи миқдор англатувчи узв иккинчи узвнинг миқдор валентлигини юзага чиқаради. Бундай узвлар бир умумлаштирувчи маъно - миқдор маъноси остида бирлашади, айни замонда, ҳар қайси узв ўзига хос бўлган хусусий семемаларини ҳам сақлаб қолади. Натижада ҳар қайси миқдор узвида умумийлик ва хусусийлик зиддияти кўзга ташланади.

¹ Бу хусусда батафсилроқ маълумот учун қаранг: **Нурмонов А. ва бошқ.** Узбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан, 1995. 51 бет.

Микдор узви пропозитив номларнинг микдор узви бир қанча субстанционал шакл ва маънолардан ташкил топади. Бу субстанционал шакл ва маънолар бир инвариант шакл ва маънонинг турли вариантлари ҳисобланади. Ушбу инвариант шакл ва маъно бир бутунлиги функционал шакл ва функционал маънони ташкил этади. Берилган гапларда ҳам микдор англатувчи функционал шакллар микдорга эга бўлган предмет билдирувчи сўз шакллари билан синтагматик муносабатга киришган ва ҳар икки узвлар бир бутунликни ташкил қилган ҳолда гапнинг синтактик тузилишида бир синтактик позицияни эгаллайди. Эга позициясидаги пропозитив номларнинг уюштирувчи маркази предмет саналади. Шу предметга эргашиб, унинг валентликларини тўлдириш учун хизмат қилувчи воситалар пропозитив ном ҳосил қилади. Маълумки, ҳар қандай предмет микдор, белги, ўрин, пайт сингари валентликларга эгадир. Эга позициясида келган пропозитив номнинг хусусиятларини тўлароқ очини учун таянч сўз бўлган предметнинг валентлик хусусиятига асосланиш мумкин.

Кўп йиғлаганидан Мавлида анча ўзини олдириб қўйганди (Т.М.).

Ушбу гапда **кўп йиғлаганидан**, **Мавлида**, **анча** бирликлари **ўзини олдириб қўйганди** предикатига боғланиб, унинг валентликларини тўлдириб келмоқда ва гап кесими (**ўзини олдириб қўйганди**)га нисбатан ҳол (**кўп йиғлаганидан**), эга (**Мавлуда**), ҳол (**анча**) позицияларида функциялашмоқда **Мавлида**, **анча** лексемалари сингари **кўп йиғлаганидан** қурилмаси ҳам битта позицияда бўлиб, у ўз ичида ички боғланишларга эга. Пропозитив номнинг уюштирувчи маркази бўлган **йиғлаганидан** сўзи **кўп** микдор узвини тобелангирмоқда:



кўп **йиғлаганидан**

Яъни:

$\boxed{\text{quan} + \text{p}}$ +s + quan + s + Pv

бу ерда: quan - миқдор; p - кесимлик шаклини йўқотган предикат; s - субъект; Pv - кесимлик шаклига эга бўлган предикат.

Берилган қурилма таркибидаги миқдор узв ноаник миқдорни англагиш учун хизмат қилмоқда.

Ўзбек тилида бир қатор миқдор билдирувчи сўзлар борки, улар предмет ёки ҳаракатнинг миқдор валентлигини тўлдириб, уларнинг аргументи бўлиб келади. Миқдор валентлиги объектив борликдаги нарсаларнинг миқдорини акс эттиради ва шунга мувофиқ, умумий ёки хусусий миқдор билдиришга кўра ўзаро фарқланади. Миқдорнинг бу икки тури миқдор валентлигини тўлдириб келувчи лексик бирликларнинг ўзига хос жиҳатлари билан бири-биридан фарқланиб туради. Шу сабабли ҳам миқдор валентлигини қаңдай сўзлар тўлдириб келиши муҳим.

Миқдор узвлар учун аниқлик ва ноаниқлик белгиси ажратилади. Бундай белги учун миқдор узвларининг субстанционал томони этиборга олинади.

Функционал шакл ва функционал маъно субстанционал шакллар ва субстанционал маънолар муносабатидан иборат бўлади. Миқдор билдирувчи функционал шакл миқдорга эга бўлган предмет ёки ҳаракат билдирувчи сўз шакли билан синтагматик муносабатга киришади. Бу икки узв бир бутунликни ташкил қилган ҳолда гапнинг синтактик тузилишида бир вазиятни эгаллайди. Шу сабабли ҳам миқдор узвли пропозитив номлар гап тузилишида бир синтактик шакл бўлиб келади. Миқдор узви эса гап тузилишига нисбатан ҳеч қандай функция бажармайди. Унинг функцияси фақат пропозитив ном тузилишига даҳлдор бўлади.

Юқоридаги гапда ҳам **кўп** миқдор узви **йиглаганидан** феъл шакли учун тегишли бўлиб, унинг аргументи

сифатида юзага чиқяпти. **Кўн** лексемаси бутун гап учун муайян позиция бажармай, уюштирувчи марказ бўлган **йиглаганидан** сўзининг кенгайтирувчиси вазифасини бажармоқда. Икки лексема яхлит ҳолда предикатнинг бўш ўришларидан бири - микдор валентлигини тўлдириш функциясини амалга оширяпти.

Пост бошлиги карвонни бошқариб бораётган капитандан мени медсанбатга олиб боришни илтимос қилди. (Ў.Х.)

Ушбу гап таркибидаги пропозитив ном феъл билан берилиб, кесимнинг кесимлик шаклини йўқотиши натижа-сида вужудга келган. Шунга кўра, сифатдош маълум даражада кенгайган ва ўзи бошқариб келаётган бўлак **карвонни** сўзи билан бирга **капитандан** уюштирувчи маркази бўлаётган сўз шаклининг белгисини англатувчи бир неча аъзоли узвга тенг бўлиб қолган. Предикатнинг объект валентлигини тўлдириш учун **капитандан** аъзоси ўзидан олдинги белги англатувчи узвлар билан бирга яхлит функция бажаряпти. Гап таркибида эса учта предикат мавжуд бўлиб, улардан фақат биттаси кесимлик позициясини сақлаб қолган:

бошқариб бораётган - биринчи пропозиция
олиб боришни - иккинчи пропозиция
илтимос қилди - учинчи пропозиция

Гапда кесимлик позициясини сақлаган бўлак билан унинг (предикатнинг) аргументлари ўртасидаги боғланишга эътибор қилайлик:

пост бошлиғи илтимос қилди

$N(\text{нинг}) + N + PVf$

карвонни бошқариб бораётган капитандан илтимос қилди

$N_{ни} + V_{ган} + N_{дан} + PVf$

мени медресабатта олиб боришни илтимос қилди

$N_{ни} + N_{га} + V_{ишни} + PVf$

Яъни:

$s + s + \boxed{s + p + s} + s + lok + p + Pv$

бунда: s - субъект, p - предикат, lok - ўрин.

Объектив борликдаги ҳар қандай предмет турлича белгиларга эга бўлади, яъни ҳар қандай от белги валентлигига эгадир. Ушбу валентликнинг тўлдирилиши белги узви пропозитив номни ҳосил қилади.


Белги узви пропозитив номларнинг белги узви шакл ва маъно муносабати бирлигидан ташкил топган. Шакл томони субстанционал шакл ва функционал шаклдан иборат бўлиб, субстанционал шакл белги узвининг моддий асоси, функционал шакл бу узвнинг функциясини қамрайди. Бир неча субстанционал шакл битта функционал шаклга тенг бўлиши ҳам мумкин. Бирок ушбу бир неча субстанционал шакллардан биттаси функционал шакл учун асос бўлиб хизмат қилади.

Белги узвининг субстанционал шакли феъл бўлган пропозитив номлар таркиби феъл валентликларини тўлдирувчи актантлар орқали кенгайтиши ўзбек тилида кўп учрайди.

Тошкентдан келган ходимлар юзлаб жойга портлатгич моддаларини ўрнатишган эди (С.А.)

Гивала деворларга турсагини қўйган олма шохларини қисирлатади (С.А.)

Биринчи гапда келган феъл шакли ўрин валентлигини юзага чиқариб, чиқиш келишигидаги от орқали кенгайган бўлса, иккинчи гапда **қўйган** феъл шакли жўналиш келишиги шаклидаги **гивала деворларга** ҳамда тушум келишиги шаклидаги **турсагини** сўзи билан мураккаб қурилмали пропозитив ном ҳосил қилган.



Ушбу гаплар қуйидаги мазмуний узвлардан ташкил топган:

$$\boxed{\text{lok} + \text{p} + \text{s}} + \text{quan} + \text{lok} + \text{Ak} + \text{s} + \text{Pv}$$

Бунда: Ak - белги, quan - миқдор, lok - ўрин ва

$$\boxed{\text{Ak} + \text{lok} + \text{s} + \text{p} + \text{s}} + \text{s} + \text{pV}$$

Белги узвли пропозитив номлар таркибидаги белги узви қатор вариант шакллар воситасида намоён бўлувчи инвариант шаклга эга бўлиш билан бирга, қатор вариант маънолар орқали юзага чиқадиган ва ҳар бир вариант маънода такрорланиш хусусиятига эга бўлган инвариант маънога ҳам эга. Жумладан, ранг (оппоқ қор, ям-яшил дала), маза (бемаза қовун, аччиқ шўрва), ҳажм (мўъжай уй, катта дарвоза), ақлий белги (билимдон ўқувчи, доно аёл), хусн белгиси (хушрўй аёл, бадбашара одам) инфодаловчи лексик-семантик вариантларнинг ҳаммасида белги семаси мавжуд бўлиб, ушбу белги бирлаштирувчи сема вазифасини бажаради.

Пропозитив номларнинг уюштирувчи маркази предмет билдирувчи лексемалар бўлганда, предмет англатувчи лексема бошқа предметни англатувчи сўз билан қарашлилик муносабатига киришади.

Предмет узви пропозитив номлар борликдаги ўзаро қарашлилик муносабатида бўлган предметларнинг оғр-қали тилда ифодаланиши натижасида майдонга келади. Қарашлилик муносабати борликдаги муайян нарса-ҳодисанинг бошқа нарса ва ҳодисага қаршли эканлигини кўрсатади. Қарашлилик муносабатида қаратувчи ва қаралмиш қисмлари мавжуд бўлиб, улар борликдаги предметларнинг оғда акс этган объектив муносабатини намоён қилади. Қарашлилик муносабатини ифодаловчи пропозитив номларнинг қаратувчи узви шакл ва маъно бирлигидан иборатдир. Қаратувчи узвнинг субстанционал шакли турлича бўлиши кузатилади.

Предмет узви пропозитив номлар, одатда, қаратувчи функциясини бажаради. Қарашлилик муносабати доимо икки қисмнинг мавжуд бўлишини тақозо этади: қаратувчи предмет ва қаралмиш. Бироқ бундай тузилиш қарашлиликни англатувчи пропозитив номнинг ички тузилиши бўлиб, бутун гап қурилмаси учун ҳар икки қисм бир бутун ҳолда функциялашади.

Бошқа аъзоли пропозитив номлар узвлари сингари, предмет узвлари ҳам субстанционал ва функционал маънолар бирлигидан ташкил топади. Функционал маъно мазмуний майдонга¹ асос бўлган бирлаштирувчи архисема бўлиб, қатор субстанционал маънолар воситасида намоён бўлади. Бундай маънонинг юзага чиқишида муайян фарқ-

¹ Мазмуний майдон хусусида тулароқ маълумот учун қarang: **Искандарова Ш.М.** Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони). // Филол. фанл. доктори... дисс. автореф. Тошкент, 1999; **Собиров А.** Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. Тошкент: «Маънавият», 2005.

ловчи (дифференциал) семалар зидлик муносабатини аниқлатиш учун хизмат қилади.

Нима ҳаққинг бор бировнинг тўйини бузишга!
(Ў.Х.)


мисолида **биронинг тўйини бузишга** пропозитив ном бўлиб, бу ерда феъл-кесим трансформацияланиши натижа сида ўзидан олдинги лексемаларни эргаштириб, яхлиқ ҳолда кесимлик шаклини сақлаган предикатнинг аргументи сифатида битта позиция - тўлдирувчи функциясини бажаряпти. Биринчи узв (**биронинг**) кейинги узвнинг эгаси субстанционал маъносида бўлиб, ўзидан кейинги узв бўлган **тўйини** қаралмишининг қаратувчиси сифатида **бузишга** феъл шаклига бўйсуниб келяпти ва айни замонда кўп узвли пропозитив ном тўлдирувчи вазифасини бажармоқда. **Биронинг** лексемасининг позицияси **тўйини** сўзига нисбатан, **биронинг тўйини** ифодасининг позицияси ҳам **бузишга** сўзига нисбатан белгиланади, уларнинг позицияси бутун гап учун эмас, балки ўзлари бошқа раётган узвлар учун тегишли тарзда амал қилади:

биронинг тўйини бузишга


Капитаннинг шубҳа билан чақчайиб турган кўзига кўзи тушиди (Ў.Х.)

Ушбу мисолда фақат иккита синтактик позиция мавжуд. Дастлабки позиция тўлдирувчи позицияси саналиб, у сифатдош оборотли қурилма сифатида ўз кенгайтирувчиларига эга: **шубҳа билан чақчайиб турган**. Айни замонда, уюштирувчи марказ бўлган **кўзига** сўз шакли **капитаннинг** қаратувчиси учун қаралмиш функциясида келиб, бошқа барча аъзолари билан биргаликда предикатнинг аргументи ҳисобланади. **Капитаннинг** қаратувчи аъзоси эса **кўзига** қаралмишига нисбатан **шубҳа билан**

чақчайиб турган сифатдош обороти билан тенг позицияни эгаллайди:



Сифатдош оборот эса **кўзига** лексемаси (сифатланмиши)нинг сифатловчиси бўляпти.



Ушбу ган мазмуний жихатдан куйидаги узвлардан иборат:

$$\boxed{s + Ak + P + s} + PV$$

Қаратувчи узви қаратувчилик архисемаси асосидаги функционал маънога эга бўлса ҳам, бу функционал маъно қатор субстанционал маънолар орқали намоён бўлади. Ушбу субстанционал семалар орасида муайян предмет ёки белгининг эгаси бўлган предметлик маъноси функционал маъно учун кўпроқ хосланган бўлади.


Айрим ҳолларда қаратувчи сифатловчи билан кенгайиб келиши, натижада пропозитив номнинг уюштирувчи маркази бўлган предметнинг валентликлари янада реаллашиши, айти пайтда, пропозитив ном бирмунча мураккаб қурилма сифатида белгиланиши мумкин.

Ўрин извли пропозитив номлар предметнинг ўрин белгисини реаллаштириши билан характерланади.

Гарчи ўрин узвнинг субстанционал маъноси ўрин архисемаси билан умумийликни ҳосил қилса ҳам, у қатор семаларни ўз ичида жамлайди: ҳаракатнинг бажарилиш, чиқиш ёки йўналиш ўринлари каби. Ана шу субстан-

ционал маънолар турлича субстанционал шакллар орқали намоён бўлади.

Бундай пропозитив номлар предикатив шаклдаги предикатнинг нопредикатив шаклга трансформацияланиши орқали ҳам вужудга келади. Дастлабки предикатнинг аргументлари унинг ўзи билан биргаликда, яхлит ҳолда бутунлик бўлиб, бутун бир гапнинг ягона узви сифатида намоён бўлади ва гап тузилишида бир синтактик вазиятни эгаллайди.



Adj + V_{ган} + AdV + V_{иш} + N_{ни} + Vf



N_{дан} + V_{ган} + N + N_{дан} + N (нинг) + N_{ни} + Vf

Беҳи шохида мудраётган товук қанотини бир патиллатиб, жим бўлди (С.А.)

N_{нинг} + N_{да} + V_{ган} + N + N_{ни} + V_{иб} + Vf

Чўлга кетган одамлар эндигина қайтишибди (С.А.)

N_{га} + V_{ган} + N + Adj + Vf

Зирриллама гузаридаги катта қайрағоч шохига илинган радиокарнай кунига тўрт маҳал эшиттириш беради (С.А.)

$\overline{N + N_{\text{даги}} + \text{Adv} + N(\text{нинг}) + N_{\text{га}} + V_{\text{ган}} + N + N_{\text{га}} + C + V_f}$

Дастлабки мисолда ичидан хўрсиниш келди типидagi предикатив ифоданинг кесими трансформацияга учраши натижасида ичидан келган хўрсиниш тарзидаги сифатдош оборотли бирикма эга позициясида келяпти ва сифатловчи + сифатланмиш типидagi пропозитив ном хосил бўляпти. Гарчи ушбу ифода сифатловчисининг ўрин узви билан валентлиги реаллашаётган бўлса-да, унинг мавқеи сифатланмишнинг белгисини аниқлаш билан характерланади. Шунга кўра, бундай пропозитив номлар белги узви пропозитив номга яқинлашиб қолади:

$\boxed{\text{Lok} + \text{P} + \text{Ak} + \text{P}} + s + \text{Pv}$

Биринчи ва иккинчи гап таркибидagi ўрин узвининг субстанционал маъноси ҳаракатнинг чиқини ўрниши англа-тиб (ичидан қишлоқдан), ушбу субстанционал маъно дан субстанционал шакли орқали намоён бўляпти.

$\boxed{\text{lok} + \text{P} + \text{s}} + \text{lok} + \boxed{\text{s} + \text{s}} + \text{Pv}$

Учинчи мисолда беҳи шохида мидраётган товук ифодаси эга позициясида келмоқда:

$\overline{N(\text{нинг}) + N_{\text{да}} + V_{\text{ган}} + V_{\text{бк}}} \quad \text{Pv}_f$

Ўрин узвининг субстанционал маъноси ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдириб, бу маъно ўрин келишиги

аффикси воситасида юзага чиқяпти. Бундай субстанционал маъно ўрин архисемаси доирасида муҳим аҳамият касб этади. Чунки айни шу субстанционал маъно воситасида ўринга муносабат англатувчи белги (сифат) шаклланади. Яъни:

қилшлоқда яшайдиган тенгдошим ↔ қилшлоқдаги тенгдошим

беҳи шохда мудраётган товуж ↔ беҳи шохдаги товуж

Тўртинчи гапда трансформацияга учраган **кетган** предикати (сифатдош)га боғланган лексема ўрин архисемаси доирасидаги ҳаракатнинг йўналиш ўрни субстанционал маъносини ифода этипти, бу маънонинг намоён бўлишида **-га** жўналиш келишиги аффикси хизмат қилган.

Юқоридаги берилган гаплар асосида ўрин архисемаси билан умумлашган субстанционал маънонинг ҳаракатнинг чиқиш, бажарилиш ҳамда йўналиш ўринлари билан реаллашувчи хусусий кўринишлари намоён бўлган.

Сўнги гапда эга позициясида келувчи пропозитив помнинг уюштирувчи маркази бўлган предмет (**радиокарнай**) ўзига эргашиб, унинг валентликларини тўлдирин учуи хизмат қилувчи қатор воситалар орқали кенгайган. Ушбу синтактик қурилма тузилишидаги алоқадорликка эътибор қилайлик:

***Зириллама гузаридаги катта қайрагоч
катта қайрагоч шохига илинган радиокарнай***

Дастлабки муносабат **қайрагоч** лексемасининг ўрин (**зириллама гузаридаги**) ҳамда ҳажм белгиси (**катта**) валентликларини тўлдирган аргументлар орқали шаклланган бўлса, кейинги алоқадорлик **радиокарнай** сўз

шаклининг бўш ўринларини тўлдирувчи аргумент ва шу аргументга боғланган воситалар билан намоён бўлмоқда:

N + Nдаги + Adv + N(нинг)

N + Nдаги + Adv + Nнинг + Nga + Vган + N

Бу ерда **радиокарнай** сифатланмишининг сифатловчиси сифатдош оборот асосида шаклланыпти. Ушбу қурилма таркибида аргументнинг аргументи позициясидаги **Зириллама гизаридаги** ифодаси билан бирга, йўналиш ўрнини англатувчи субстанционал маъноли **шохиға (қайрағоч шохиға)** ифодаси ҳам мавжуд бўлиб, айти шу ўрин узви бирликлар пропозитив номнинг таянч нуктаси бўлган предмет валентликларини тўлдириш вазифасини ўтайди:

[Lok + Ak + s + s + P + s] + Temp + quan + PV

Ўрин узви ҳам кўп ҳолларда ҳаракат англатувчи бирликларга эргашиб, унинг бажарилиш ўрни, чиқиш ёки йўналиш нуктасини ифода этгани сабабли, тўлдирувчи вазиятида келувчи предметга боғланиб келаётган тобе воситалар орасида ўрин билдирувчи аъзоларнинг мавжуд эканлиги табиий. Жумладан, **Чеккада ўтирган бир жангчи совға ичидан чиққан хатни ўқишга титинди (Ш.)** гапида икки пропозитив ном мавжуд: эга позициясидаги **чеккада ўтирган бир жангчи** ва тўлдирувчи позициясидаги **совға ичидан чиққан хатни**. Уларнинг иккисида ҳам пропозиция ифодаловчи предикатлар - **ўтирган** ва **чиққан** сўзлари трансформацияга учраган ҳамда ўзига эргашиб келувчи кенгайтирувчилари билан биргаликда гап тузилишининг узви сифатида келган. **Чеккада** сўзининг субстанционал маъноси ҳаракатнинг бажарилиш ўрни бўлса, **совға ичидан** бирикма-

сининг субстанционал маъноси чиқиш ўрни сифатида хусусий семаларига эга.

эга позициясида

$N_{да} + V_{ган} + N$ PVf

$N(нинг) + N_{дан} + V_{қан} + N_{ни}$

тўлдирувчи позициясида

Демак, тўлдирувчи позициясида келувчи синтактик курилма бир неча кенгайтирувчиларига эга бўлиб, объектнинг белги валентлигини тўлдирувчи сифатдошнинг ўрин англатувчи узви ҳам қаратувчи + қаралмиш типиде шаклланган.

$lok + P + s + lok + P + s + PV$

Бу ерда эга ва тўлдирувчи позициясида келган пропозитив ном қуйидаги мазмуний узвлардан ташкил тошган:


эга позициясидаги пропозитив ном:

$lok + p + s$ - чеккада ўтирган бир жангчи

тўлдирувчи позициясидаги пропозитив ном:


$lok + p + s$ - совға(нинг) ичидан чиққан хатпи

Тўлдирувчи позициясидаги ўрин узви трансформалар катнашган гаплар субстанционал шакл жихатидан қуйидаги моделлар билан кўрсатилиши мумкин:



У Насибани эргаштириб арик истига ўрнатилган тахта “якка чўп”дан олиб ўтди (Ў.Х.)

гапида арик устига ўрнатилган тахта “якка чўп”дан тўлдирувчи позициясидаги пропозитив ном бўлиб, ўз доирасида бир неча узвларни жамлаган. Синтактик қурилманинг уюштирувчи маркази “якка чўп”дан ифодаси саналиб, ўзига ҳам сифатдош оборотни, ҳам от туркумидаги лексемани эргаштириб келган. Сифатдош кесимнинг трансформацияланиш махсули бўлгани сабабли, ўрин билдирувчи узв орқали кенгайган. Ўрин узвининг ўзи ҳам каратувчи + қаралмиш типиди келиб, ҳаракатнинг йўналиш ўрнини ифодалаш учун қўлланилган. Тўлдирувчи позициясидаги қурилманинг марказий нуктаси бўлган ифода билан боғланувчи воситалар тенг вазиятда келади:



Берилган гапда пропозитив номнинг уюштирувчи маркази бўлган «якка чўп»дан қурилмаси восита маъносини англатгани сабабли, бу гап мазмуний қисмларини шундай белгилаймиз:

$$s + [s + p + lok + P + Ak + inst] + PV$$

Пайт извли пропозитив номлар кўп жиҳатдан ўрин узвли қурилмаларга яқин туради. Чунки “замон ва макон модданинг асосий яшаш шакли саналади. Шунинг учун ҳам замон ва макон модда билан узвий боғлиқ бўлган, универсал ва умумий хусусиятга эга бўлган ҳодисадир”¹.

¹ Касевич В.Б. Семантика. Синтаксис. Морфология. М., 1988. С. 201.

Замон вазияти муайян лисоний воситалар ёрдамида ифодаланганлиги туфайли, у грамматикадаги замон шакллари семантикасининг асоси саналди.

Гап предикатининг предикативлик шакли орқали мутлақ (абсолют) замон маъноси англашилса, гап таркибидаги пайт семасига эга бўлган лексемалар орқали эса кўпинча, нисбий замон маъноси ифодаланади.

Темпорал (замон) аргументли субъект - предикат қурилмаларида предикатнинг предикатив шаклдан нопредикатив шаклга трансформация қилиниши натижасида унинг барча аргументлари шу қурилманинг ички узвларига айланади ва барча ички узвлар бир бутун ҳолда гап таркибидаги асосий предикатга нисбатан аргумент бўлиб келади.

Фалсафий категория сифатидаги замоннинг икки хил тури каби лисоний категория сифатидаги замоннинг икки хил тури ажратилади:

- 1) абсолют замон маъноси;
- 2) нисбий замон маъноси

Агар ҳаракат ёки вазиятнинг нутқ моментига нисбатан муносабати этиборга олинса, абсолют замон, ҳаракат ёки вазиятнинг нутқ моментига нисбатан эмас, балки бошқа моментга муносабатига қараб белгиланса, нисбий замон ҳисобланади¹.

Эга позициясида келган пропозитив номнинг уюштирувчи маркази, одатда, предмет бўлгани сабабли, пайт узвли қурилмаларнинг пайт аниқлаувчи воситалари кўпроқ пайтга муносабат билдирувчи воситалар билан ифодаланади.

¹ Философский словарь. М. 1991. С.75.

Ўрин узвли пропозитив номлар сингари, пайт узвли пропозитив номлар ҳам эга позициясида келганда, уларнинг кенгайиши сифатдош оборотлар ҳисобига бўлиши кузатилади. Масалан:

Халигина деразадан қия тишиб турган кин ҳам ғойиб бўлди (Ш.)

$\overline{\text{Adj} + \text{Nдан} + \text{Adj} + \text{Vган} + \text{N} + \text{Vf}}$

Эга позициясида келган қурилманинг маркази бўлган **қин** лексемаси ўзидан аввалги сифатдош оборотнинг (сифатловчининг) сифатланмиши бўлиб келяпти. Сифатловчи таркибидаги **тишиб турган** ифодаси бошқа аъзоларни ўзига эргаштириб келган:

ҳалигина тишиб турган - $\overline{\text{Adj} + \text{Vган}}$ - Temp + P

деразадан тишиб турган - $\overline{\text{Nдан} + \text{Vган}}$ - inst + P

қия тишиб турган - $\overline{\text{Adj} + \text{Vган}}$ - Ak + P

бу ерда: Adj - равиш Temp - пайт N - от
 inst - восита V - феъл Ak - белги
 P - предикат

Демак, пайт узвли дастлабки бирикманинг шаклланиши учун пайт равиши ўзига хос ўрин тутади. Яъни, юқоридаги гапнинг модели қуйидагича белгиланиши мумкин:

Субстанционал томондан:

$\overline{\text{Adj} + \text{Nдан} + \text{Adj} + \text{Vган} + \text{N} + \text{Vf}}$

Мазмуний узвлари:

$\overline{\text{Temp} + \text{inst} + \text{Ak} + \text{p} + \text{s}} + \text{PV}$

Эга позициясида келувчи курилма **гойиб бўлди** предикатининг аргументи бўлиб келгани ҳолда, пайт белгисини англаувчи узв (**ҳалигина**) аргументнинг аргументи сифатида умумий гап учун эмас, балки пропозитив ном учун амал қилади.

Пайт узвли курилмалар ўрин узвли синтактик курилмаларга анча яқин туради. Модданинг муайян замон ва макон билан алоқадорлиги инсон онгидан ташқаридаги объектив жараён бўлиб, бу объектив жараённи инсон сезги органлари орқали онгида акс эттиради. Инсон онгида акс этувчи модданинг замонга муносабати замон (темпорал) вазияти саналади¹.

**Темур ака ўша заҳоти югуриб келган
Хайриддинни даст кўтарди-да... (Ў.Х.)**

Берилган гапда уюштирувчи марказ - кесимга **ўша заҳоти югуриб келган Хайриддинни** тўлдирувчи вазиятидаги синтактик курилма яхлит ҳолда боғлананти Унинг таркибий қисмлари сифатдошнинг кенгайтирувчилари асосида қўи аъзоли курилмага йўл очган. Пайт англаувчи аъзо **ўша заҳоти** бирлиги **югуриб келган** сифатдошнинг аргументи саналади. Аслида **Хайридин ўша заҳоти югуриб келди** пропозициясидаги кесимлик шаклини олган предикат трансформацияга учраши билан юқоридаги синтактик курилмага айланиб, ушбу пропозитив ном яхлит ҳолда тўлдирувчи бўлиб келяпти.

Яъни:

$$N + \boxed{\text{Adj} + V_{\text{ган}} + N_{\text{ни}}} + V_f - s + \boxed{\text{temp} + p + s} + P_v$$

Турдиев ҳали этик киймаган сўл оёғи билан босди (Ш.) гапида воситали тўлдирувчи функциясида келган пропозитив ном қўп узвли бўлиб, бу ифода бутун

¹ Теория функциональной грамматики. Темпоральность. Модальность. А. Наука, 1990. С.5.

бир холда кесимлик шаклини сақлаган предикатнинг аргументи сифатида белгиланади. Синтактик қурилманинг уюштирувчи маркази ҳисобланган **оёғи билан** бирлиги қатор воситалар билан кенгайиб келяпти. **Хали, этик, киймаган, сўл** сўз шакллари синтактик позицияга мустақил холда эга бўлмаса-да, улар ўзидаги мазмуний белги - семаларни сақлайди. Шунга кўра, пайт узвига хос замон семаси ҳам ўз мавқеини йўқотган эмас. Ушбу гапнинг моделини шундай белгилаш мумкин:

$N + \boxed{\text{Adj} + N_{\text{ни}} + V_{\text{ган}} + \text{Adv}} + V_f$

Мазмуний узвлари:

$s + \boxed{\text{temp} + s + p + \text{inst}} + P_v$

Кўриниб турибдики, субстанционал жихатдан бир неча туркумлардан ифодаланган қурилма **сўл оёғи билан** мазмуний муносабатларда восита (*instrumentalis*) маъносини англатиш учун хизмат қиляпти.

Айрим ҳолларда пайт семасини юзага чиқарувчи воситалар бир неча узвли бўлиб, улар биргаликда замон белгисини намоён қилади. **Ўша воқеадан кейин баракда мажлис бўлганини... Дилядан эшитди (Ў.Х.)** гапида тўлдирувчи позициясидаги синтактик қурилма **ўша воқеадан кейин баракда мажлис бўлганини** ифодаси бўлиб, пропозитив номнинг таянч бирлиги ўрин, пайт англатувчи узвлар воситасида кенгайган. Пайт аъзоси қатор субстанционал шакллар (олмон, от, равиш) орқали юзага чиқиб, трансформацияга учраган бўлакнинг аргументи позициясида келган:

$\boxed{\text{temp} + \text{lok} + s + p} + s + P_v$

Феъл предикатли пропозитив номларнинг ички мазмуний узвларини яна давом эттириш мумкин.

3.3. От предикатли пропозитив номларнинг шаклий тузулиши ва синтактик позицияси

От асосли гапларда гапнинг уюштирувчи ва семантик маркази от бўлганлиги учун ҳам феъл асосли гаплардан замон, шахс категорияларининг қандай ифодаланиши жиҳатдан фарқ қилади. Бу маънолар феъл, асосли гапларда махсус морфологик кўрсаткичлар ёрдамида моддий ифодаланса, от асосли гапларда кўпинча от предикатнинг мазмуни лексик элементлар орқали яширин равишда ифодаланadi¹.

От предикатли пропозитив номлар ҳам шаклий жиҳатдан моддий асос ва синтактик вазият қарама-қаршилиги ҳамда бирлигидан иборат бўлиб, морфологик шакл синтактик шаклнинг юзага чиқиши учун асос саналади.

От предикатли пропозитив номларнинг шаклий субстанцияси марказини феъл ва унинг шиклларида бошқа туркумлар ташкил этади. От, сифат, олмош, равиш каби лексемалар пропозитив қурилманинг уюштирувчи маркази сифатида ўзига боғланаётган лексемаларни эргаштириб келади. Уларга тобе бўлган узвлар эса уюштирувчи марказ ҳисобланувчи от предикатнинг “бўш ўрин”ларини тўлдириб, аргументлар вазифасини бажаради. Пропозитив ном таркибидаги тобе ва ҳоким бирликлар яхлит ҳолда бутун гапга нисбатан битта позицияда бўлиб, гап предикатининг аргументи саналади. Худди феъл предикатли қурилмалар сингари от предикатли бир печа узвли бўлакларнинг ички тобе қисмлари бутун гапга нисбатан ҳеч қандай позиция эгалламай, уюштирувчи марказнинг кенгайтирувчиларигина бўла олади.

Бу ердан йглингизнинг касаллиги тўғрисида справка олиб кетинг (О.Ё.) гапида иккита предикат

¹ Нурмонов А. ва бошқ. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан, 1992. 70-бет. Тожиев О. “Ўзбек тилида от предикатли гаплар” номли дисс. Тошкент, 1995.

мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси кесимлик позицияси-дан тўлдирувчи позициясига ўтган. Ушбу жараён **йглингиз касал** тарзидаги от асосли содда гап трансформацияси натижасида умумий гапнинг битта бўлак сифатида белгиланиши орқали юзага чиқади. Бундай ҳолда гапнинг асосий предикати бўлган **олиб кетинг** феъл-лексемаси марказий элемент бўлиб, қолган барча бўлақлар унинг аргументлари саналади. Ўрин ҳоли позициясидаги **би ердан**, тўлдирувчи позициясидаги **справка** бирликлари сингари **йглингизнинг касаллиги тўғрисида** қурилмаси ҳам яхлит ҳолда - тўлдирувчи позициясида келиб, **олиб кетинг** предикатига синтактик жихатдан эргшиб келмоқда.

Adj + Nнинг + Nтўғрисида + N + Vf


бунда: Adj – равиш, N – от, V – феъл

От предикатли пропозитив номлар шаклий жихатдан феъл предикатли қурилмалардан тубдан фаркланади. Чунки уларнинг уюштирувчи маркази хилма-хил ҳолда ифодаланади. Феъл предикатли пропозитив номларда таянч нуқта феъл ва унинг шакллари орқали ифодаланса, от предикатли қурилмаларда трансформацияга учраган гапнинг маркази феълдан бошқа сўз туркумлари воситасида юзага чиқади. Шунинг учун от предикатли пропозитив номларнинг уюштирувчи маркази бўлиб келаётган сўзларни ифодаланишига кўра алоҳида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Уюштирувчи маркази от бўлган пропозитив номлар

Бундай қурилмалар от + от ёки олмош + от типидagi боғланишли содда гаплар трансформацияси натижасида кўпроқ кўзга ташланади (Отам - ишчи, Тошкент – пой-

тахтимиз, Мен- талаба, улар - дугона в.б.) Масалан: Ўша қизларнинг опа-сингил эканлигини Соҳибахон яхши биларди (О.Ё.) гаида предикатлар ўша қизлар - опа-сингил ва Соҳибахон биларди. Дастлабки предикат кесимлик шаклини йўқотиб ўша қизларнинг опа-сингил эканлигини тарзида эга позициясидаги Соҳибахон ва ҳол позициясидаги яхши сўз шакллари каби кесимга (биларди) эргашиб фақат битта позицияда – тўлдирувчи позициясида келяпти. Пронозитив курилманинг уюштирувчи маркази бўлган опа-сингил сўз шакли таянч, уюштирувчи марказ сифатида ўша олмоши ҳамда қизлар(нинг) сўзини ўзига эргаштириб келса-да, ўша. қизлар(нинг) лексемалари опа-сингиллар сўз шаклининг кенгайтирувчилари бўлиб, асосий кесимга нисбатан ҳеч қандай вазифа бажариш имконига эга эмас. Улар боғланишига эътибор қиламиз:



Яъни:

$\boxed{\text{Прон} + \text{Nнинг} + \text{Nэканлигини}} + \text{N} + \text{Adj} + \text{Ҳф}$

бу ерда: Прон – олмош

Йўқ, Шоввоз яхши биларди раҳбарликнинг осон иш эмаслигини (О.Ё.)

Берилган гапда кесимлик шаклини йўқотган предикат инверсияси кузатилмоқда. Яъни:

1-гап: **Шоввоз яхши биларди**

2-гап: **раҳбарликнинг осон иш эмаслигини**

Трансформациялашган гапнинг предикати инкор шаклида бўлиб, у бир неча сўздан иборат: сифат (осон), от (иш) кесимлик боғланмасининг инкор шакли (эмас).

Гапда **билади** кесими бошқа бир узви бўлаклар сингари **раҳбарликнинг осон иш эмаслигини** тўлдирувчи позициясидаги қурилмани яхлит ҳолда эргаштириб келяпти.

Субстанционал жihatдан:

Йўқ, + N + Adj + VГ + Nнинг + Adv + N + эмаслигини

Мазмуний узвлар:

Neg + s + Ak + Pv + s + Ak + s + Neg

Юқоридаги икки гапдан кўриш мумкинки, эга ва кесим боғланишидаги қурилмалар **кататкич + каралмиш** шаклидаги пропозитив номга ўтиб, яхлит позицияда келади.

Демак, уюштирувчи маркази от бўлган пропозитив номлар **-лиги, эканлиги, эмаслиги** шакллари билан юзага чиқади ва қайси позицияда келишига кўра кўрсаткичларини ўзгартириши мумкин:

Эга позицияси: -лиги, эканлиги, эмаслиги

Тўлдирувчи позицияси: от+-лигини, от + эканлигини, от + эмаслигини; от + -лигига, от + эканлигига, от + эмаслигига...

Ҳол позицияси: от+-лигидан, от + эканлигидан, от+ эмаслигидан; от + -лиги учун, от+ эканлиги учун, от+эмаслиги учун...

Бирок ушбу кўрсаткичларнинг барчаси асосий предикатга боғланиш жараёнида ўз вазифасини юзага чиқаради:

Уларнинг огайни эканлигига ишора қилиб қўйди (нимага? - тўлдирувчи)

Уларнинг огайни эканлигига севинди (нима учун? - хол)

Уюштирувчи маркази сифат бўлган пропозитив номлар

Бундай қурилмалар бопқаларига нисбатан анча кўп учрайди. Улар кўп ҳолларда от + сифат, олмош + сифат шаклида бўлиб, эга, тўлдирувчи ва хол позициясида келади.

Авалги уйқу қарахтлигидан... кетмони урган ерига бориб тишмаётган эди (С.А.)

Ушбу гапда от предикатли пропозитив ном аввалги уйқу қарахтлигидан қурилмаси бўлиб, у ўз доирасида ички бўлинишларга эга. Умумий ҳолда эса ушбу пропозитив ном бориб тишмаётган эди кесимишнинг кенгайтирувчиларидан бири бўлиб, худди эга позициясидаги кетмони, хол - позициясидаги урган ерига воситалари каби функция бажаряпти ва гапда яхлит бўлак сифатида хол позициясида келмоқда. Яъни:


Adv + Nнинг + Adv лигидан + N + Vрган + Nга + Vф

Унинг бачканалиги Икромжоннинг гашига тега бошлади (С.А.) гапида ҳам 2 та предикат мавжуд. Дастлабки гап у бачкана тарзидан (эга + кесим) унинг бачканалиги шаклидаги қараткич + қаралмиш муносабатига ўтган, кесимлик шаклини йўқотган предикат

қаралмиш сифатида бўлиб, ўз қаратқичи билан бирга, умумий гапнинг эгаси позициясида келмоқда: гашига тега бошлади кесими учун от предикатли қурилма битта функция бажаряпти. Уюштирувчи марказнинг кенгай-тирувчиси бутун гап учун эмас, балки пропозитив қурилма учун амал қиляпти.

Шунингдек, Қурбоной аясининг гаплари ростлигига шубха қилмасди (Ў.Х.) гапида ҳам пропозитив номнинг уюштирувчи маркази сифат орқали ифодаланмоқда. Предикатлари: Қурбоной шубха қилмасди; аясининг гаплари рост. Иккинчи предикат содда гап шаклидан трансформацияга учраши натижасида ички қаратқич + қаралмиш муносабатидаги яхлит бўлак функциясига ўтган. Ушбу қурилмада қаратувчи ва қаралмиш муносабатларининг кетма-кетлиги мавжуд: аясининг гаплари, гапларининг ростлиги, яъни: от + от + сифат.

Шубха қилмасди предикати эга позициясидаги Қурбоной лексемаси ҳамда тўлдирувчи позициясидаги аясининг гаплари ростлигига қурилмасини ўзига эргаштирмоқда. Улар предикат аргументлари бўлганидек, трансформациялашган гапнинг маркази рост(лигига) сўз шаклига нисбатан аясининг гаплари қурилмаси ҳам аргумент функциясида келяпти. Айни шу аргумент ички боғланишига ҳам эга: аясининг гаплари. Яъни:



Эримнинг душман эмаслигини сен билардинг-ки, виждонсиз! (Ў.Х.) гапида эса билардинг предикати

кати эга позициясидаги сен олмоши каби тўлдирувчи позициясидаги эримнинг душман эмаслигини қурилмасини ўзига эргаштириб келяпти ва улар предикатнинг аргументлари функциясини бажариш учун хизмат қиляптилар. Юкоридаги қурилмалардан фарқли ҳолда, пропозитив номнинг таянч нуктаси сифат билан бирга, инкор шаклидаги боғлама билан шаклланыпти:

Нинг + Adv_{эмаслигини}

Пропозитив ном ички жиҳатдан қуйидаги боғланишларни ифода этапти: қаратқич (эримнинг) + қаралмиш (душман эмаслигини). Аслида бу муносабат эга (эрим) ва кесим (душман эмас) боғланиши бўлган содда гапнинг трансформацияси натижасида қаратувчи + қаралмиш узвларидан иборат бўлиб қолган ва бутун гап учун фақат кенгайтирувчи (тўлдирувчи) сифатида кесим томонидан бошқарилмоқда.

Уюштирувчи маркази сифат бўлган пропозитив номлар ҳам -лиги, эканлиги, эмаслиги шакллари билан юзага чиқади. Уларнинг позицион шаклланишини қуйидагича белгилаш мумкин:

Эга позицияси: Adj + -лиги , сифат + эканлиги
сифат + -эмаслиги

Тўлдирувчи позицияси: сифат + -лигини ; сифат + эканлигини
сифат + -эмаслигини ; сифат + лигига
сифат + эканлигига ; сифат эмаслигига...

Ҳол позицияси: сифат + -лигидан , сифат + эканлигидан
сифат + -эмаслигидан ; сифат + -лиги учун
сифат + эканлиги учун ; сифат + эмаслиги учун...

Тўлдирувчи ва ҳол позициясида уюштирувчи маркази от бўлган пропозитив номлар каби, ушбу қурилмаларнинг

синтактик позицияси ҳам гапнинг асосий предикатига нисбатан белгиланади:

Чол қовуннинг ширинлигидан гапирди

(нимадан? - тўлдирувчи)

Чол қовуннинг ширинлигидан завқланди

(нима сабабли? - ҳол)

Уюштирувчи маркази равиш бўлган пропозитив номлар


Булар **от + равиш** типда (баъзан отланган сўзларнинг равиш билан бирикиши тарзида) шаклланди. Равиш туркуми учун хос бўлган лексемалар сингари бундай курилмалар ҳам кам учрайди. Жумладан, **Иш кўплигидан одамгарчиликдан ҳам чикиб қолдик-ки!** (О.Ё.) гапида **чикиб қолдик-ки** предикатига нисбатан **иш кўплигидан, одамгарчиликдан** ифодалари аргумент функциясида келяпти.

Таянч нуқтаси равиш орқали ифодаланган пропозитив номнинг ички боғланишида субстанционал жихатдан от ва равишнинг содда гап шаклидан, яъни **иш кўп** тарзидаги йиғиқ гапдан **иш(нинг) кўплигидан** кўринишида трансформацияланиши кузатиляпти. Кесимлик шаклини йўқотган предикат ва унинг кенгайтирувчи аргументи бўлган **иш(нинг)** сўз шакллари **эга + кесим** типдаги содда гап бўлиб, трансформация натижасида қаратувчи + каралмиш типдаги яхлит бўлакка айланган ва бутун гап учун битта позиция - ҳол вазиятини эгаллаган. Уюштирувчи марказнинг кенгайтирувчиси ҳисобланган **иш(нинг)** сўз шакли бутун гап учун амал қилмайди, балки ўз функциясини йўқотиб, ўзи эргашиб келаётган равиш орқали ифодаланган лексема (кўп) билан бирга ҳол бўлиб келади:

$N(\text{нинг}) + Adj\text{-лигидан} + N\text{дан} + Vf$

Онасининг ёнида эканлиги қулунга кич бағишлади шекилли, бирдан чопқиллаб кетди (К.Я.)

Берилган гапда кесимлик шаклини саклаган предикат иккита улар уюшиб келяпти: кич бағишлади, чопқиллаб кетди. Пропозитив ном билан синтактик муносабатга киришувчи предикат кич бағишлади бирлиги саналади. Бу ерда эга позициясидаги онасининг ёнида эканлиги ҳамда тўлдирувчи позициясидаги қулунга воситалари кич бағишлади предикатининг аргументлари вазиятида келяпти. Эга позициясидаги ушбу қурилма дастлаб онаси ёнида экан тарзидаги содда гап шаклида бўлиб, субстанционал жихатдан от + равиш + боғлама типида бўлган ва эга + кесим муносабатидан ташкил топган. Содда гапнинг трансформацияга учраши натижасида ушбу қурилма қараткич ва қаралмиш муносабатидаги яхлит бир бўлак вазиятини эгаллаган. Ушбу гаптаги кич бағишлади предикатига нисбатан онасининг ёнида эканлиги қурилмаси бир позицияда бўлса, пропозитив номнинг уюштирувчи маркази ёнида эканлиги бирлигига нисбатан онасининг сўзи кенгайтирувчи функциясида келяпти. Яъни:



Уюштирувчи маркази равиш бўлган пропозитив номлар қуйидаги кўрсаткичлар воситасида шаклланади ва эга тўлдирувчи, хол позицияларини эгаллайди:


Эга позицияси: равиш +_{лиги}, равиш +_{еканлиги},
 равиш +_{эмаслиги}

Тўлдирувчи позицияси: равиш +_{-лигини} , равиш +_{эканлигини}
 равиш +_{эмаслигини}
 равиш +_{-лигига} , равиш +_{эканлигига} ,
 равиш +_{эмаслигига}...

Хол позицияси: равиш +_{-лигидан} , равиш +_{эканлигидан} ,
 равиш +_{эмаслигидан} , равиш +_{-лиги учун} ,
 равиш +_{эканлиги учун} ,
 равиш +_{эмаслиги учун}

Уюштирувчи маркази олмош бўлган пропозитив номлар

Бундай қурилмалар от + олмош ёки олмош + олмош типига шаклланади. Пропозитив номнинг таянч бирлиги саналган олмошлар аксар ўринда сўроқ олмошлари орқали ифодаланади. Масалан, Менинг кимлигимни эл билса бўлди гапидаги пропозитив қурилма менинг кимлигимни гап кесими томонидан бошқарилиб, тўлдирувчи позициясида келяпти. Олмош + олмош орқали ифодаланган ушбу бутунлик дастлаб эга ва кесим муносабатида ташкил топган содда гап бўлиб, унинг трансформацияга учраши натижасида қаратувчи + қаралмиш типига яхлит позициядаги (тўлдирувчи) бирликка ўтган.



Қурилманинг қаратувчи узви (менинг) қаралмиш (кимлигимни)га эргашиб, унинг кенгайтирувчиси, улар муносабати орқали шаклланган пропозитив ном предикатнинг кенгайтирувчиси вазифасини бажаряпти. Ички узв бутун гап учун мустақил ҳолда муайян позицияда кела олмайди.

Предикати олмош орқали хосил бўлган пропозитив номлар **ким, нима, қаер, неча, қачон, қанақа** сўрок олмошлари, айрим ҳолларда кўрсатиш олмошлари билан юзага чиқади:

Сиз ўзингизнинг кимлигингизни менга айтиб бермадингиз (С.А.)

Ёши нечадалигини билиб бўлмайдиган, қанақа киши эди (О.Ё.)

Ўигитнинг бунақалигига хайрон қолдим (Ш.)

Дастлабки гапнинг предикати **айтиб бермадингиз** эга позициясидаги **сиз**, тўлдирувчи позициясидаги **ўзингизнинг кимлигингизни**, тўлдирувчи позициясидаги **менга** ифодалариши ўзига эргаштириб келяпти. Кўринадики, ўзингизнинг кимлигингизни қурилмаси ҳам бошқа бўлақлар сингари битта вазифа бажаряпти. Ушбу пропозитив ном олмош + олмош тишида бўлиб, дастлаб **ўзингиз ким (сиз)** тарзидаги содда гап шаклида, сўнг трансформацияланиш натижасида эса эга (**ўзингиз**) қаратувчи (**ўзингизнинг**) ҳамда кесим (**кимсиз**) қаралмиш (**кимлигингизни**) позициясига ўтган. Бутун гапга нисбатан эса уюштирувчи лексема ўз кенгайтирувчиси билан бирга фақат бир позицияда турибди. Яъни:

$$\overbrace{\text{Проп} + [\text{Проп} \text{-нинг} + \text{Проп} \text{-ни}] + \text{Проп} \text{-га} + \text{ЎГ}}$$

Иккинчи гапда **ёши нечада** шаклидаги содда гап трансформацияга учраши натижасида **ёши (нинг) нечадалигини** тарзидаги от + олмош шаклида бўлган қаратувчи + қаралмиш муносабатига келиб қолган ва яхли

ҳолда кейинги лексеманинг кенгайтирувчиси вазифасини бажаряпти. Яъни:

$N(\text{нинг}) + P_{\text{гон}} \text{-лигини} + V_{\text{ган}} + \text{Adv} + N_{\text{эди}}$

От + олмош типдаги пропозитив ном орқали шаклланган гапда **хайрон қолдим** предикати уюштирувчи маркази кўрсатиш олмоши бўлган пропозитив номнинг ўзини эргаштириб келяпти. Гапда фақат битта аргументи бўлган предикат мавжуд. Бироқ пропозитив ном **йигит бунақа** шаклидаги содда йиғиқ гапнинг трансформацияси билан худди юқоридаги воситалар каби қаратувчи + қаралмиш муносабати яхлит бўлакка айланган. Яъни:

$N_{\text{нинг}} + P_{\text{гон}} \text{-лигига} + V_f$

Англашиладики, пропозитив номнинг уюштирувчи маркази олмош орқали ифодаланса, олмош учун хос бўлган мавҳум маъно пропозитив номга, бутун гапга ҳам тегишли бўлиши мумкин. Қиёсланг:

йигитнинг бунақалигига
 фикрининг теранлигига
 ишининг кўплигига

→ хайрон қолдим

От предикатли пропозитив номнинг уюштирувчи маркази қандай сўз туркуми билан ифодаланишига кўра ҳам улар маъносидagi, гап мазмунидаги аниқлик даражаси белгиланиши мумкин.


Уюштирувчи маркази олмош бўлган пропозитив ном олмошнинг қандай кўрсаткичлар билан бирикишига кўра гапда эга, тўлдирувчи ва ҳол позициясини эгаллаши мумкин. Аксар ҳолларда ички боғланиши қаратувчи + қарал-

миш муносабатидаги тўлдирувчи позициясида экани кузатилади.

Уюштирувчи маркази модал сўзлар билан ифодаланган пропозитив номлар

Бундай қурилмалар **бор**, **ййқ**, **мавжид**, **керак**, **лозим**, **зарир**, **фарз**, **даркор** лексемаларининг кўнрок от туркумидаги лексемаларни эргаштириб келиши билан шаклланади. Профессор Н.Махмудов **бор**, **ййқ** модал сўзлари ҳамда **-лик** аффикси билан ҳосил бўлган ифодалар ҳақида фикр юритиб, бу каби бир қатор бирликларни семантик-синтактик жиҳатдан сифатдош оборотларга якин деб ҳисоблайди¹. Масалан:


Мактаб педагогика коллективи Ҳақимовнинг япон разведкаси билан алоқаси борлигини йз вақтида тишиниб етмаган (Ў.Х.) гапида Ҳақимовнинг япон разведкаси билан алоқаси борлигини қурилмаси тўлдирувчи позициясидаги пропозитив ном бўлиб, қурилманинг таянч нуктаси борлигини лексемасига от туркумидги **алоқаси** сўз шакли тобе бўляпти. Пропозитив қурилманинг бошқа аъзолари уюштирувчи марказ бўлган **борлигини** сўзига эмас, балки **алоқаси** сўзига боляпти:



Бу қурилма яхлит ҳолда **тишиниб етмаган** предикатининг аргументи сифатида эга позициясидаги **мактаб**


¹ Махмудов Н.М. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка//Автореф.дисс... докт.филол.наук. –Тошкент 1984.С.45.

педагогика коллективи, ҳол позициясидаги **ўз вақти-да** бирликлари каби функция бажаряпти. Пропозитив ном таркибидаги аъзолар босқичма-босқич ўзи боғланиб келатган воситанинг кенгайтирувчилари вазифасини бажаряпти. Юқоридаги пропозитив қурилма гапнинг ядроси саналган предикатнинг кенгайтирувчиси бўлгани ҳолда, пропозитив номнинг уюштирувчи маркази ҳам ўз кенгайтирувчисига эга. Яъни:



Бу ишда Шоқосимнинг ҳам айби борлигини билди (О.Ё.)


Берилган гапда **билди** кесими **бу ишда Шоқосимнинг ҳам айби борлигини** қурилмасини ўзига эргаштириб келмоқда. Демак, пропозитив ном предикатнинг кенгайтирувчиси сифатида тўлдирувчи позициясида турибди. **Бу ишда Шоқосимнинг ҳам айби бор** шаклидаги содда гап трансформацияга учраши натижасида бир неча узвдан иборат қурилма - пропозитив номга айланган. Ушбу қурилманинг уюштирувчи маркази **бор** лексемаси **айби** ва **бу ишда** воситаларини тобелантириб, **айби** лексемасига **Шоқосимнинг** қаратқичи боғланипти:



Шунингдек, **Фармонов Тошкентдан ҳеч қандай хабар йўклигидан безовта эди (О.Ё.)** гапида ҳам уюштирувчи марказнинг модал сўз билан ифодаланганини кузатиш мумкин. Бироқ юқоридаги икки гапдан фаркли

ҳолда, пропозитив номнинг таянч пуктаси бўлган сўз инкор маъноли саналади. Уюштирувчи марказ **йўқлигини** ифодаси ўз кенгайтирувчилари билан бирга эга позициясидаги **Фармонов** лексемаси сингари **безовта эди** предикатининг аргументи бўлиб, ҳол позициясида келмоқда.

Ушбу қурилма ўз ички боғланишларига эга бўлиб, **Тошкентдан ҳеч қандай хабар йўқ** шаклидаги содда гапдан қаратувчи + қаралмиш типидagi мураккаб бўлакка айланган. Бу ерда уюштирувчи марказ ҳисобланган йўқлигидан лексемаси **хабар(нинг)** лексемасини ўз кенгайтирувчилари билан эргаштириб келяпти. **Тошкентдан** ва **ҳеч қандай** ифодалари алоҳида-алоҳида ҳолда **хабар** лексемасига боғланипти:



Ҳол позицияси:

$N + [Nдан + Pron + N + йўқлигидан] + Adv$ эди

Тасдиқ ёки инкор ифодаловчи лексемалар (**бор-йўқ**) жуфт ҳолда ҳам ишлатилиши мумкин бўлган ҳолларда, бизнингча, содда гапнинг трансформацияси кузатилмайди¹. Назаримизда, трансформацияга учраши мумкин бўлган содда гапнинг ўзи мавжуд эмас.

Хотини Шералига дори-дармон кераклигини айтди гапида **айтди** предикати эга позициясидаги **хотини**, тўлдирувчи позициясидаги **Шералига дори-дармон кераклигини** тобелантириб келяпти. Пропозитив ном ўз ичида **Шералига, дори-дармон** сўз шаклларини эргаштириб тўлдирувчи + эга + кесим типидagi

¹ Бундай шаклларни С.Маҳматқулов. "Шерали ёнидаги қизнинг умуман бор-йўқлигидан буткул беҳабар" тарзидаги мисоллар орқали асослашга интилади. Қаранг: Маҳматқулов С. Ўзбек тилида предикатив синтагманинг трансформацияси... 24-бет

Шералига дори-дармон керак содда гапининг трансформацияга учраши билан шаклланыпти. Барча бўлақлар ўз позициясини йўқотиб нофункционал позицияда юзага чиқяпти ва кесимнинг битта аргументи бўлиб келмокда. Яъни:

$$\overline{N + Nга + N(нинг) + кераклигини + Vг}$$

Уюштирувчи маркази модал сўзлар бўлган пронозитив номлар гагда қандай позицияда келиши уларнинг таянч нуқтаси олаётган морфологик кўрсаткичлар воситасида, аynи замонда, асосий предикатга қай йўсинда боғланиши билан белгиланади:

Эга позицияси:

борлиги, йўқлиги, кераклиги, зарурлиги, фарзлиги...

Тўлдирувчи позицияси:

борлигини, йўқлигини, кераклигини, зарурлигини, фарзлигини...; борлигига, йўқлигига, кераклигига, зарурлигига, фарзлигига...; борлигидан, йўқлигидан...

Хол позицияси:

борлиги учун, йўқлиги учун, кераклиги учун, зарурлиги учун, фарзлиги учун...

Гашининг асосий предикатига боғланиш усули билан айрим шакллар хол ёки тўлдирувчи позициясини эгаллаши мумкин. Масалан:

... иши борлигига (нимага? - тўлдирувчи)

... иши борлигига (нима учун? - ҳол)

... иши борлигидан (нимадан? - тўлдирувчи)

... иши борлигидан (нима сабабли? - тўлдирувчи)

... иши борлигида (нимада? - тўлдирувчи)

... иши борлигида (қачон? - ҳол)

Бундай шаклдаги пропозитив номларнинг синтактик позицияси предикатнинг мазмуний ифодаси орқали конкретлашади:

Унинг иши борлигига ишора қилди (тўлдирувчи)

Зарур иши борлигига кўп ўтирмади (ҳол)

Иши борлигидан нолиб қолди (тўлдирувчи)

Иши борлигидан шошилди (ҳол)

Пропозитив қурилманинг синтактик позициялари уюштирувчи маркази от, сифат, олмош, равиш бўлган ифодаларда ҳам асосий предикат ва унга боғланувчи сўзнинг морфологик кўрсаткичи орқали намоён бўлади.

3.4. От предикатли пропозитив номларнинг ички мазмуний тузилиши

Маълумки, от кесимнинг мазмуний тузилиши морфологик маъно ва синтактик маънонинг қарама - қаршилиги ва бирлигидан иборат. Синтактик маъно умумлашган (инвариант) маъно сифатида морфологик маънолар орқали рўёбга чиқади¹.

От предикатли пропозитив номларнинг мазмуний тузилиши ҳам турли морфологик маънолар воситасида реаллашади. Феъл предикатли пропозитив номларнинг уюштирувчи марказидан фарқли ҳолда, бундай қурилмаларнинг уюштирувчи марказлари хилма-хил мазмуний турлардан иборат бўлади. Шунга кўра, от предикатли пропозитив номларни мазмуний жиҳатдан ажаратишда уюштирувчи марказининг қандай узв эканлигини аниқлаш муҳим.

Предмет извли пропозитив номлар


Пропозитив номларнинг уюштирувчи маркази предметни билдирувчи лексемалар бўлганда, предмет англатув-

¹ Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1995. 73-бет.

чи лексема бошқа предмет англатувчи лексема билан карашлилик муносабатида бўлиши, ҳар қандай предмет муайян белгиси ва микдорига эга бўлиши сабабли белги ва микдор англатувчи лексемалар билан кенгайиб келиши кузатилади. Масалан:

Низомжон бировга аралашмайдиган, камгапроқ бола бўлганидан, синфдошлари уни “индамас” деб чақиришарди (С.А.)

Берилган гапнинг асосий предикати **чақиришарди** лексемаси эга позициясидаги **синфдошлари**, тўлдирувчи позициясидаги уни, ҳол позициясидаги **Низомжон бировга аралашмайдиган, камгапроқ бола бўлганидан** қурилмасини ўзига бўйсундирмоқда. Пропозитив ном ҳам бошқа бўлақлар сингари ўз кенгайтирувчилари билан яхлит битта позицияни эгаллаяпти. Унда предмет + белги + белги + предмет узвлари иштирок этиб, ҳар қайси узв уюштирувчи узвнинг аргументи бўлиб келмоқда ва предмет узвнинг валентлигини тўлдириш учун хизмат қиляпти:



Яъни:

белги
+ предмет
белги

Дастлабки белги ифодаловчи узв сифатдошнинг бўлишсиз шакли билан, иккинчи узв сифат билан ифодаланяпти. Ўз навбатида, сифатдош ҳам ўз кенгайтирувчи узви - аргументига (бировга сўзига) эга бўлиб, ички бўлиниши мураккаб қурилма ҳисобланади.

$$\boxed{s + Ak + Ak + s(p)} + s + s + s + Pv$$

$$\boxed{s + p}$$

бу ерда: s – субъект

Ак - белги

P – предикат, кесимлик


шаклида бўлган предикат Pv тарзида, трансформацияга учраган предикат (P) шаклида белгилади. Шунингдек, от предикатли пропозитив номларнинг уюштирувчи маркази турлича мазмуний воситалар билан шаклланишини назарда тутиб, уларни ҳам шартли равишда алоҳида белгиладик. Масалан, юқоридаги гапда S (P) – мазмуний субъект кесимлик шаклини йўқотган предикат функциясида.

Би киши Нигоранинг амакиси эканлигини ҳам йшанда билган эди (З.С.) гапда пропозитив номнинг, уюштирувчи маркази саналган **амакиси эканлигини** ифодаси асосий предикатнинг - **билган эди** сўз шаклининг аргументи сифатида **йшанда** сўзи каби позицияда турибди. **Амакиси эканлигини** таянч нуктаси **Би киши Нигоранинг амакиси экан** содда гапининг кесими бўлиб, ўзига бир неча узвларни эргаштириб келяпти ва трансформация натижасида кесимлик шаклини йўқотиб, ўз аргументлари билан бирга яхлит бир бўлак функциясини эгаллаяпти. Унинг аргументлари эса нофункционал позицияга ўтмоқда, яъни ўзи боғланиб келаётган лексема билан бирга синтактик позицияда келяпти. Ушбу пропозитив курилма тўрт узвли бўлиб, уюштирувчи марказ **амакиси эканлигини** икки қаратувчи узвлар **би киши** ва **Нигоранинг** воситаларини эргаштириб келяпти. Дастлабки қаратувчи аъзонинг ўзи икки аъзоли бўлиб, кўрсатувчи **бу** ва предмет узв **киши(нинг)** лексемаларидан иборат. Яъни:

бу киши Нигоранинг амакиси эканлигини

Предмет узви пропозитив номлар айрим ҳолларда от ўрнида қўлланилган олмошлар орқали ҳам шаклланиши мумкин.

Бироқ *Рисолат* гапнинг нимада эканлигини пайқамади (С.А.)



Ушбу гапнинг асосий предикати ***пайқамади*** сўз шакли бўлиб, эга позициясидаги ***Рисолат*** ҳамда тўлдирувчи позициясидаги ***гапнинг нимада эканлигини*** ифодалари предикатнинг аргументлари саналади. Пропозитив ном шаклидаги қурилма ***Гап нимада экан?*** тарзидаги содда гапнинг трансформацияланиши натижасида ҳосил бўлган. Бунда эга + кесим типидagi содда гап қаратувчи + қаралмиш типидagi яхлит бир бўлаққа айланган. Қаратувчи узв от билан, қаралмиш эса олмош билан ифодаланган. Гарчи ушбу қурилманинг уюштирувчи маркази ҳам предмет аниглашиш учун хизмат қилса-да, юқорида берилган гаплардан фарқланиб, уюштирувчи марказ ҳисобланган предмет узви умумий, абстракт маъно аниглашиш хусусиятига эга. Чунки олмош бошқа туркумлар, хусусан, отларга нисбатан мавҳум тушунчани ифода этади.

$$s + \boxed{s + s(p)} + Pv$$

Белги узви пропозитив номлар

Уюштирувчи маркази белги аниглаувчи лексема бўлган пропозитив номлар от предикатли қурилмалар орасида анча кўп учрайди. Белги узви пропозитив номлар таркибидаги белги аниглаувчи узвлар қандай белгини ифодалашига кўра айрим муаллифлар томонидан иккига бўлинади:

1) сезги органларимиз билан идрок қилинадиган ёки турли физик ўлчов тизими билан ўлчаш мумкин бўлган белги;

2) физик ўлчов тизими билан ўлчаб бўлмайдиган, сўзловчининг маълум позиция нуктаи назаридан баҳосини билдирувчи белги¹

Буларнинг ҳар қайсиси алохида-алохида ЛСГни ташкил қилади. Шу билан бирга, ҳар икки гуруҳ муайян белгиларига кўра яна майда ЛСГларга бўлинади. Масалан, иккинчи гуруҳ С.Ғиёсов томонидан яна саккиз ЛСГга бўлинади:

1) умумий ижобий баҳога эга бўлган ЛСГ:

яхши, дируст, тизик;

2) белгининг ноодатий эканлигини билдирувчи ЛСГ:

қизик, ажойиб, галати;

3) предметнинг ташқи белгисини билдирувчи ЛСГ:

сўлим, чиройли, гўзал;

4) субъектнинг ақлий тавсифини билдирувчи ЛСГ:

доно, ақлли, одил;

5) таъсирга муносабат қобилиятига кўра субъект баҳосини билдирувчи ЛСГ:

хишёр, сезгир, зийрак;

6) ҳаракатни бажариш қобилиятига кўра субъект баҳосини билдирувчи ЛСГ:

чаккон, эпчил, иддабирон;

7) субъектнинг эмоционал ҳолатини билдирувчи ЛСГ:

хурсанд, шод, қувноқ;

8) ҳулқ нуктаи назаридан субъект баҳоси:

шўх, қувноқ²

¹ Ғиясов С.Т. Семантическая структура и компонентный анализ качественных прилагательных узбекского языка//АҚД. Тошкент: 1983. С.8

² Ғиёсов С.Т. Ўша асар, 9-бет.

Ана шундай турлича белги англатувчи узвлар уюшти-
рувчи марказ сифатида предмет ва ўрин узвлари восита-
сида кенгайиб, яхлит бўлак позициясидаги пропозитив ном
хосил қилади.

**Асрора ўзининг шўхлиги, оғзи ботирлиги
билан бутун қишлоқда ном чиқарган эди (С.А.)**

$N + \text{Pron (нинг)} + \text{Adv} + \text{Adv билан} + \text{Pron} + N_{\text{да}} + V_f$

Гапнинг асосий предикати **ном чиқарган эди** қурил-
масининг кенгайтирувчилари сифатида эга позициясидаги
Асрора, тўлдирувчи позициясидаги **ўзининг шўхлиги**,
оғзи ботирлиги билан, ҳол позициясидаги **бутун**
қишлоқда ифодаларини кўрсатиш мумкин. Гап доирасида
бошқа бўлаклар сингари мавкега эга бўлган пропозитив
ном ўз ичида қатор узвлардан иборат қурилма ҳисобла-
нади. Ушбу қурилма таркибида қаратувчи + қаралмиш
типидаги боғланиш мавжуд бўлиб, уюшиб келмоқда.
Уларнинг иккинчиси барқарор бирикма воситасида шакл-
ланган бўлишига қарамай, трансформацияга қадар **оғзи**
ботир тарзида фақат кесимдан иборат бўлган.

Кўринадики, пропозитив ном трансформацияланишига
қадар икки содда гап шаклида бўлган:

ўзи шўх - предмет + белги

(у) оғзи ботир - (предмет) + белги

Бу гапда предметга хос бўлган хулқ белгиси намоён
бўлмоқда.

$s + [s + Ak(p) + Ak(p)] + lok + Pv$

Бу срада **ўзининг шўхлиги** билан ва **оғзи ботир-
лиги билан** восита маъносида келяпти, шу сабабли маз-
муний узвларни шартли ҳолда шундай белгилаш мумкин:

$s + [s + inst(p) + inst(p)] + lok + Pv$

Турсинбойнинг сал нотоб бўлиши икковини оёқдан йикитарди (С.А.) гапида пропозитив ном эга позициясида келяпти. **Турсинбой сал нотоб** шаклидаги содда гап трансформацияга учраши натижасида қаратувчи + қаралмиш типидagi яхлит қурилмага айланыпти ва ушбу ифода асосий предикат ҳисобланган **оёқдан йикитарди** кесимининг аргументи бўлиб келяпти. Пропозитив ном тўлдирувчи позициясидаги **икковини** сўз шакли каби гапда фақат битта функцияни (эга) бажариш учун хизмат қиляпти. Ушбу қурилма предмет англатувчи узв **Турсинбойнинг** сўз шакли билан белги англатувчи узв **сал нотоб бўлиши** ифодаси ўртасидаги боғланишни кўрсатяпти.

От лексемалар (предмет узвлар) оркали уюшган пропозитив номлар сингари, белги англатувчи узвлар ҳам айрим вазиятларда олмош туркумидаги лексемалар воситасида юзага чиқиши мумкин. Бунда улар англатган белги маъноси анча мавҳум хусусиятга эга бўлиш кузатилади. Масалан:

Унинг қанақалиги кишининг хаёлига ҳам кириб чиқмас (О.Ё.)

Берилган гапда **кириб чиқмас** предикати эга позициясидаги **унинг қанақалиги**, тўлдирувчи позициясидаги **кишининг хаёлига** бирикмаларини тобелантириб келмоқда. Пропозитив ном саналган **унинг қанақалиги** ифодаси **У қанақа?** йиғиқ содда гапининг трансформацияланиши натижасида юзага келган. Эга (у) + кесим (**қанақа**) типидagi содда гапдан қаратувчи (**унинг**) + қаралмиш (**қанақалиги**) ички боғланишидаги яхлит бўлакка айланган. Белги ифодаловчи лексема **қанақалиги** ноаниқ, мавҳум маънони акс эттириши билан юқоридаги узвлардан фарқланади. Улар боғланишига эътибор қиламиз:


Унинг қанақалиги

кишининг ҳаёлига

ҳам

гириб чиқмас

Яъни:



Бу гап қуйидагича мазмуний узвлардан ташкил
тонган:

$$s + Ak(p) + s + s + Pv$$

бунда: s - субъект

Ak - белги


P - предикат

Микдор извли пропозитив номлар

Маълумки, микдор белгиси предмет ҳамда ҳаракат ифодаловчи бирликлар учун таалукли бўлиши мумкин. Предмет ҳаракати микдори билан предмет микдори бир-бирига тенг ҳодисалар эмас. Предмет ҳаракатининг микдор белгиси шу типдалиги ҳаракатнинг бир марталиги ёки такрорийлигини ёки ҳаракат предметнинг бир қисми билан алоқадор эканлигини ифодаласа, предметнинг микдор белгиси шу турдаги предметларнинг бир ёки бирдан ортиклигини ифодалайди. Предмет ҳаракати ва унинг микдори ўртасидаги муносабат микдор вазиятини ҳосил қилади. Инсон онгида акс этган микдор вазияти лисоний воситалар орқали ўз ифодасини топади. Тилда предмет ҳаракати ва унинг микдорини ифодаловчи махсус лексик воситалар мавжуд. Бу лексик воситалар мазмунида микдор семаси марказий ўринни эгаллайди: **кўп**, **оз**, **пича**, **мўл**, **кам** ва бошқа.

Микдор узвли предикатив ифодаларнинг предикати предикатив шаклини попредикатив шаклга айлантириш йўли билан трансформация қилинганда, трансформа гап-лик хусусиятини йўқотади ва гапнинг асосий предикатига

Ўз аргументлари (ички узвлари) билан бир бутун ҳолда аргумент бўлиб қолади. Масалан:




Ннинг + Adv лигини + Vf

s + Ak(p) + Pv

Ушбу гапда тўлдирувчи позициясидаги пропозитив ном дастурхоннинг тўқинлигини ифодаси гапнинг асосий предикати айтмайсанми сўз шаклининг аргументи бўлиб келяпти, тўлдирувчи + кесим шаклидаги бошқарув муносабати юзага чиқяпти. Бош келишидаги предмет (эга) ва унинг миқдорий белгисини ифодаловчи кесим орқали шаклланган содда гап - дастурхон тўқин ифодаси қаратувчи (дастурхоннинг) узвнинг қаралмиш (тўқинлигини) узвга боғланиши типидagi трансформация бўлиб, уюштирувчи маркази миқдор аниқланган аргумент сифатида функция бажаряпти. Миқдор узвнинг аргументи бўлган предмет узви трансформанинг ички узви, асосий предикат аргументининг ички аргументи ҳисобланади.

Шунингдек, Султонали энди ёрдам кам эканлигини жуда яхши биларди гапида асосий предикат биларди лексемасининг аргументлари Султонали, энди ёрдам кам эканлигини, жуда яхши ифодалари ҳисобланади. Предикатнинг кенгайтирувчилари сифатида эга позициясидаги Султонали, ҳол позициясидаги juda яхши сўз шакллари сингари тўлдирувчи позициясидаги энди ёрдам кам эканлигини ифодаси ҳам ўз ички аргументлари билан бирга хизмат қиляпти. Ушбу трансформация энди ёрдам кам экан содда гапининг транс

формацияси воситасида ҳосил бўлиб, бутун гапга нисбатан яхлит бир позиция - тўлдирувчи позициясида келиши билан характерланади. Пропозитив ном таркибидаги уюштирувчи марказ ҳисобланувчи кам эканлигини микдор англатувчи узви ўзига энди найт билдирувчи узвини ҳамда ёрдам(нинг) предмет англатувчи узвларини, эргаштириб, ана шу ички аргументлари билан гап предикатига боғланиб келяпти. Уларнинг умумий боғланишига эътибор қиламиз:



Яъни:


$s + \text{[temp + s + quan (P)]} + Ak + Pv$

бунда: s- субъект, temp - пайт, Ak - белги, P - предикат, quan - микдор.

Ушбу гапнинг субстанционал шаклини шундай белгилаш мумкин:

$N + \text{[Adj + N(нинг) + Adj эканлигини]} + жуда Adv + Vf$

Уюштирувчи маркази микдор маъносини англатувчи лексема сон туркуми билан ифодаланганда, микдорнинг аниқ кўриниши намоён бўлади. Масалан:



$Спн + Cга + Vca + Cэканини + Pron + Vf$

бу ерда: C - сон, Pron- олмош, V - феъл

Гапнинг асосий предикати **билади** сўзининг аргументлари тўлдирувчи позициясидаги **бешни бешга қйшса йн эканини**, эга позициясидаги **хамма** бирликлари саналади. Бу пропозитив ном кўринишидаги трансформа **Бешни бешга қйшса - йн** шаклидаги гапдан ҳосил бўлган ва ўз ички аргументлари билан (кенгайтирувчилари билан) предикатнинг аргументи вазифасини бажаряпти.


Берилган гапнинг мазмуний узвларини шундай белгилаш мумкин:

quan + quan + P + quan (P) + s + Pv


Кўринадики, уюштирувчи марказ аниқ микдор (сон) бўлса, унинг кенгайтирувчилари орасида аниқ микдор билдирувчи лексемалар бўлиши табиий. Микдор билдирувчи узвларнинг умумий ҳолдаги ифодаси сўроқ олмошлари орқали ҳам юзага чиқади:

Иноят оқсоқол унинг тангаси қанчалигини обдан суриштирди (С.А.)

Тўлдирувчи позициясидаги пропозитив номнинг таяниш нуктаси **унинг тангаси қанчалигини** ўз ички аргументлари билан худди эга позициясидаги **Иноят оқсоқол** ҳол позициясидаги **обдан** лексемалари сингари **суриштирди** предикатининг аргументи ҳисобланади. Қурилиш таркибидаги уюштирувчи марказ бўлган **қанчалигини** микдор аниқлаувчи узв **тангаси** предмет узвиши ўз аргументи билан бирга тобелантириб келяпти. Трансформация лашгунга қадар ушбу ифода **унинг тангаси қанча** типдаги содда гап бўлиб, сўнг қаратувчи + қаралмиш типли трансформага айланган. Эътибор берилса, тангаси қаратувчиси ҳам ўз қаратувчисига эга: **унинг тангаси**. Бу ифода яхлит ҳолда **қанчалигини** сўз шаклининг қаратувчиси саналади:



Берилган гап субстанционал жихатдан шундай шаклланган:




Мазмуний узвлари:

$s + [s + s + \text{quan} (P)] + Ak + Pv$

Демак, миқдор англатувчи узвлар аниқ миқдор англатувчи (сон лексемалар орқали) ва мавҳум, ноаниқ миқдор англатувчи (равиш, олмош лексемалар орқали) миқдор узвлари сифатида ажратилиши мумкин.

Ўрин узвли пропозитив номлар

Ўрин узвли пропозитив номларнинг уюштирувчи маркази ўзининг аргументлари билан бирга яхлит позицияда туради. Уюштирувчи маркази ўрин англатувчи лексема бўлган пропозитив номлар предмет англатувчи birlikларни ўзига эргаштиради. Жумладан:



$\text{Pron} + \text{Adj} + \text{Nning} + \text{N} + \text{Vf}$


Берилган гапнинг асосий предкати эшитган эди феъли бўлиб, эга позициясидаги у, ҳол позициясидаги ҳозир, тўлдирувчи позициясидаги шоввознинг қишлоқда эканини ифодалари предикат “бўш ўрин”лари – валентлигини тўлдириш учун хизмат қилмоқда. Пропозитив ном Шоввоз қишлоқда экан шаклидаги содда гап

бўлиб, эга + кесим типли содда гапдан қаратувчи (**Шоввознинг**) + қаралмиш (**қишлоқда эканлигини**) узвли пропозитив помга айланган. Таянч сўз бўлган ўрин узвининг кенгайтирувчиси **Шоввознинг** сўзи аргументнинг аргументи саналади.

s + temp + s + lok (P) + Pv

бунда: Temp – пайт, lok – ўрин

Менга унинг қаердан эканлиги муҳим эмас гапда пропозитив қурилма эга позициясини эгаллаяпти. Унинг узвлари иккиси ҳам абстракт маъноли бўлиб, олмош воситасида ифодаланапти. Ўрин аңглатувчи кесимлик шаклини йўқотган предикат трансформанинг қаралмиши ҳисобланади. Бу уюштирувчи марказ **қаердан** сўз шакли юкоридаги **қишлоқда** сўз шаклига нисбатан поаник маъно аңглатиши билан фарқланади. Гап предикати **муҳим эмас** ифодасининг кенгайтирувчилари сифатида тўлдирувчи позициясидаги **менга** лексемаси билан бирга, **унинг қаердан эканлиги** қурилмасини ҳам кўрсатиш мумкин. Ушбу қурилма таркибида ҳам кенгайтирувчи узв мавжуд бўлиб (**унинг лексемаси**), ушбу узв кенгайтирувчинини кенгайтирувчиси саналади. Яъни:



P_{гов} – нинг + P_{гов} дан эканлиги

Ушбу гапнинг мазмуний узвларига эътибор беринг:

s + s + lok (P) + Ak + Neg

бунда: s – субъект

Lok – ўрин

Ak – белги

Neg - инкор

Демак, пропозитив ном таркибидаги ўрин англатувчи лексеманинг субстанционал шакли у ифода этаётган маънонинг аниклик даражасини ҳам белгилаш учун хизмат қилиши мумкин.

Пайт узвли пропозитив номлар

Юқорида айтиб ўтилганидек, пайт узвли пропозитив номлар кўн жихатдан ўрин узвли қурилмаларга яқин туради. Қурилманинг уюштирувчи маркази пайт билдирувчи лексемалар бўлганда ҳам худди ўрин узвлари сингари, от, равиш ва улар ўрнидаги олмошлар хизмат қилади. Бундай кесимлик шаклини йўқотган предикатлар аргументлари кўпроқ предмет англатувчи узвлар бўлади. Айрим ҳолларда ана шу узв қўлланилмаслиги ҳам кузатилади, бироқ бундай қурилмаларда предмет англатувчи узвнинг мазмуни сақланади. Масалаи:

Мехринисо энди жуда кеч эканлигини тишинди (О.Ё.)

гапида энди жуда кеч эканлигини қурилмасининг уюштирувчи маркази жуда кеч эканлигини қаралмиш саналиб, унинг қараткичи бевосита иштирок этмаган. Бироқ, айти шу вазият учун вақт лексемаси мазмуни қаратувчи тарзида англашилиши мумкин. Ушбу гапнинг асосий предикати тишинди сўз шакли аргументлари сифатида эга позициясидаги Мехринисо ҳамда тўлдирувчи позициясидаги энди жуда кеч эканлигини ифодаларини кўрсатиш мумкин. Пропозитив қурилма икки мазмуний узвдан иборат бўлиб, уларнинг иккиси ҳам пайт англатувчи узвлар саналади: энди, кеч. Демак, бундай қурилмалар пайт англатувчи узвнинг пайт англатувчи узв билан боғланиши орқали ҳам юзага чиқиши мумкин. Бироқ бу ерда улар муносабати қаратувчи + қаралмиш типда деб

хисоблаш тўғри бўлмайди. Чунки уларнинг боғланиши қуйидагича:

энди (вақтнинг) жуда кеч эканлигини

Субстанционал жихатдан ушбу гап қуйидагича шаклланади:

N + Adj + Adj эканлигини + V_f

Унинг мазмуний узвлари:

s + temp + temp (P) + Pv

Аксар ҳолларда бу каби пропозитив қурилмалар тўлдирувчи позициясида келса-да, уларнинг эга ёки ҳол функциясида келишини ҳам кўриш мумкин:

Ҳали вақт эрта эканлиги учун кўчаларда одам сийрак (О.Ё.)

Adj + N + Adj эканлиги учун + N_{да} + N + Adv

Ушбу гапнинг предикати **сийрак** лексемаси аргументлари сабаб ҳоли позициясидаги **хали вақт эрта эканлиги учун**, ўрин ҳоли позициясидаги **кўчаларда**, эга позициясидаги **одам** ифодалари саналади. Ўз аргументлари билан яхлит функция бажараётган пропозитив қурилма ўз кенгайтирувчиларига эга. Улардан бири пайт узв, иккинчиси предмет узвдан иборат. Демак, ушбу қурилмада бирдан ортиқ пайт англатувчи лексема мавжуд. Унинг мазмуний узвлари:

temp + s + temp (P) + lok + s + Pv

Экзистенционал узви пропозитив номлар

Мавжудлик билдирувчи (экзистенционал) гапларда объектив олам ёки унинг айрим парчасидаги маълум белгига эга бўлган объектнинг мавжуд эканлиги тасдиқ ёки инкор қилинади. Табиийки, бундай гапларда сўзловчи ва тингловчига у ёки бу даражада маълум бўлган фазо ту-

шунчаси бошлангич нукта саналади. Бу фазода мавжуд бўлган маълум объект хақида эса янги маълумот берилади.¹

Мавжудлик билдирувчи гаплар денотати макон ва бу макондаги предикатлар ҳисобланади. Шунга кўра, бу каби гаплар таркибида, албатта, ўрин ва предмет аңлатувчи узвлар иштирок этади.

Экзистенционал узвли пропозитив номлар ҳам айни шу асосда юзага чиқади. **Бу ерда бир сир бор** (Ў.Х.) гапи ўрин + предмет + муносабат тарзидаги структурали курилма бўлиб, у трансформацияга учраши билан гапнинг марказий нуктаси бўлган кесимга нисбатан фақат битта позицияда келади. Содда гап доирасидаги **эга + кесим** типи **қараткич + қаралмиш** типига айланади:

бир сир бор - бир сирнинг борлиги...

Бу фоний дунёда адолатнинг

йўқлигидан нола қилди (О.Ё.)

Берилган гапда **нола қилди** предикати (кесими) ўзига **бу фоний дунёда адолатнинг йўқлигидан** курилмасини эргаштириб келяпти. Ушбу пропозитив ном дастлаб **бу фоний дунёда адолат йўқ** типидagi содда гап бўлиб, унда эса (адолат) кесим + (йўқ) муносабати мавжуд бўлган. гапнинг трансформацияланиш натижасида бу муносабат қараткич + қаралмиш типидagi битта бўлакка айланган: **адолатнинг йўқлигидан**. Пропозитив номнинг уюштирувчи маркази йўқлигидан модал сўзи ўз аргументлари бўлган **бу, фоний, дунёда** сўзлари билан бирга, **нола қилди** предикати (кесими)нинг аргументи сифатида келяпти. Улар боғланишига эътибор қиламиз:

¹ Нурмонов А. ва бошқ. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан. 1992. 63-бет.

Бу фоний дунёда адолатнинг йўқлигидан нола қилди

Яъни: Pron + Adv + Nда + Nнинг йўқлигидан + Vf

Ушбу гапнинг мазмуний узвларини қуйидагича белгилаш мумкин:

deix + Ak + lok + s + Neg (P) + PV

бунда: deix - кўрсатувчи; lok - ўрин; Ak - белги; s субъект; Neg - инкор; P - предикат

Марат Хилоланинг овозида совик катъият борлигини сезди (Ў.Х.) гапдаги пропозитив ном Хилоланинг овозида совик катъият борлигини қурилмаси ўз кенгайтирувчи аргументлари билан яхлит позицияда-тўлдирувчи вазифасида келяпти. бу ерда Хилоланинг овозида совик катъият бор содда гапи трансформацияланиши билан ўз функциясини ўзгартирган, предикат кесимлик шаклини йўқотган, натижада содда гапнинг эга ва кесими қаратқич + қаралмиш тибли қурилмага айланган:

катъият бор - катъият (нинг) борлигини

Гапдаги борлигини лексемаси катъият(нинг) сўзи билан чекланмай, Хилоланинг, овозида, совик сўз шаклларини ҳам ўзига бўйсундириб келяпти. Умумий ҳолда гапдаги бўлақларнинг боғланиш тартибини кўриб чиқамиз:

эга тўлдирувчи кесим
Марат: Хилоланинг овозида совик катъият борлигини сезди

Яъни: N + Nнинг + Nда + Adv + N(нинг) + борлигини + Vf

Мазмуний узвлари:

s + s + s + Ak + Pos + Pr

бунда: Pos - тасдиқ

Учинчи боб юзасидан хулосалар

1. Пропозитив номлар ўзига хос шакл ва мазмун бирлигидан ташкил топган яхлитликдир. Ўз доирасида улар шаклий ва мазмуний тузилишга эга бўлади.

2. Пропозитив номларнинг шаклий тузилиши - унинг таркибидаги шаклий қисмлар, яъни бирикмали бўлакларнинг бир неча шаклий узвлардан ташкил топишидир.

3. Пропозитив номлар турлича йўллар билан ҳосил бўлади:

а) содда гапни гап бўлагига трансформацияланиш билан (барча пропозитив номлар);

б) объект билдирувчи ифоданинг белги валентликларини тўлдириб келиши билан (тўлдирувчи позициясидаги пропозитив номлар).

4. Эга позициясида келган пропозитив номнинг уюштирувчи маркази бўлган сўзнинг аниқловчиси трансформацияга учраган бўлади ва унинг таркибида кесимлик шаклини сақлаб қолган феълдан ташқари барча сўз туркумлари иштирок этиши мумкин.

5. Тўлдирувчи вазиятида келган пропозитив номларнинг таянч нуқтаси бўлган сўз гапнинг объект валентлигини тўлдириб келади, бу сўзнинг “бўш ўрин”ларини тўлдириб келган сўзлар асосан аниқловчи бўлиб келади.

6. Хол позициясидаги пропозитив номлар асосан гап трансформацияланиши натижасида ҳосил бўлади ва етакчи сўз феълнинг функционал шакллари оркали ифодаланadi ва пропозитив номлар равишдош оборотли пропозитив номлар, сифатдош оборотли пропозитив номлар, ҳаракат номи оборотли пропозитив номларга бўлинади.

7. Пропозитив номларни мазмуний жиҳатдан таҳлил этишда қурилманинг уюштирувчи маркази эмас, унинг

кенгайтирувчи узвлари алохида эътиборга олинishi максадга мувофик. Бунга кўра пропозитив номлар:

- миқдор узвли;
- белги узвли;
- предмет узвли;
- ўрин узвли;
- пайт узвли ва бошқаларга бўлинади.

8. Миқдор узвли пропозитив номларда миқдор узвлар предмет ёки ҳаракатнинг миқдор валентлигини тўлдириб келиб, уларга хос аниқлик ва мавҳумлик белгиси ажратилади.

9. Белги узвли пропозитив номнинг уюштирувчи маркази учун хос белгини билдириб келган бир ёки бир неча лексемадан иборат бўлади. Ўзбек тилида унинг субстанционал шакли феъл бўлган пропозитив номларнинг таркиби феъл валентликларини тўлдирувчи ақтантлар орқали кенгайиши кўп учрайди.

10. Предмет узвли пропозитив номлар борликдаги ўзаро қарашлилиқ муносабатида бўлган предметларнинг онг орқали тилда ифодаланиши натижасида майдонга келади.

11. Ўрин ва пайт узвли пропозитив номлар предметнинг ўрин ва пайт белгисини реаллаштириши билан характерланади. Ўрин узвнинг субстанционал маъноси ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини, пайт узвнинг субстанционал маъноси ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдиради.

12. От предикатли пропозитив номларнинг шаклий субстанцияси марказини феъл ва унинг шаклларидаги бошқа лексемалар ташкил этади. Улар феъл предикатли қурилмалардан тубдан фарқланади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Бевосита кузатишда берилган, сезги аъзоларимизга таъсир қиладиган алоҳида нарса ва ходисаларнинг замирида яширинган моҳиятни белгилашда ва унинг табиатини ёритишда системавий тадқиқотларнинг аҳамияти катта. Системавий тадқиқотлар дедуктив методга асосланган ҳолда, умумийликларнинг таркибий қисмлари, улар ўрта-сидаги муносабат турларини ўрганишга асосий эътиборни қаратади.

2. Бунга мувофиқ тилнинг барча сатҳ бирликлари, хатто энг кичик бирлик саналувчи фонема ҳам муайян ички узвларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган яхлитлик саналади. Гап юқори сатҳ бирлиги сифатида фонемадан кўра мураккаброк структурага эга бўлган системадир.

3. Гап система сифатида икки ва ундан ортик синтактик бирликларнинг ўзаро мазмуний ва грамматик муносабатидан ташкил топган яхлитлик саналади. Гапнинг гап бўлмаган бошқа синтактик бирликлардан фарқи предикативлик (кесимлик)дир. Предикатив маънони ифодаловчи воситалар асосан кесимга қўшилади. шунинг учун предикативлик шаклларини кесимлик шакллари деб ҳисоблаш мумкин.

4. Гапни гап қилиб турган асосий белги предикативлик белгиси экан, шу белгини ифодаловчи ҳар қандай минимал бирлик гап ҳисобланади. Шунинг учун битта сўз шаклининг ўзи ҳам предикативлик шаклига ва маъносига эга бўлиб гап мавқеига эга бўлиши мумкин.

5. Гап мураккаб структурага эга бўлган система сифатида шаклий ва мазмуний элементларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топади. Бу эса унинг икки томонлама тузилишга эга эканлигини кўрсатади: Шаклий тузилиш бирликлари ва мазмуний тузилиш бирликлари. Анъанаваий тилшўносликда гап тузилиши деганда асосий эътибор

унинг шаклий тузилиш бирликларига қаратилди ва у гап бўлаклари рукни остида ўрганилди.

6. Гапни бўлакларга ажратишда икки чўкки, икки уюштирувчи марказга - эга ва кесим ҳамда унга грамматик эргашиб келган бўлакларга эътибор қаратилганлиги туфайли гап бўлаклари фақат икки даражага - бош ва иккинчи даражали бўлакларга таянилди. Барча гап бўлаклари устидан ҳукмронлик қилувчи бўлак сифатида эга, иккинчи ўриндаги ҳоким - бўлак сифатида эса кесим қаралди. Бунинг натижасида туркий тиллардаги гап қурилишининг ўзига хос табиати ёритилмай қолди.

7. Туркий тилларда гапнинг мазмуний ва грамматик маркази кесимдир. Шунинг учун гапда эганинг ифодаланиши доимо зарур бўлавермайди. Унинг мазмуни доимо кесимдан билиниб туради. Гапнинг бошқа иштирокчилари эса кесимнинг бўш ўринларини (валентликларини) тўлдириб келади. Бу эса гапнинг тузилишини йиғиқ ва ёпик типларга ажратишга имкон беради: фақат кесимдан иборат бўлган гаплар йиғиқ, кесим ва унинг бўш ўринларини тўлдириб келувчи бўлаклар иштирок этган гаплар ёйик гаплар саналади.

8. Туркий тилларда гапнинг мазмуний ва конструктив маркази кесим саналар экан, гап таркибида иштирок этган барча синтактик шаклларни (синтаксемаларни) кесимга қандай муносабатда бўлиш белгисига қараб даражаларга бўлиш мумкин бўлади. Бу эса туркий тилларда, хусусан ўзбек тилида, гапнинг синтактик (шаклий) узварининг гапдаги мавқеини белгилашда синтактик позиция нуқтаи назардан ёндошиш қулай усул эканлигини кўрсатади.

9. Гапнинг шаклий тузилиш бирликларининг гапдаги мавқеини белгилашда синтактик позиция усулини қўллаш натижасида уларнинг умумий гап структураси учун икки хил мавқега - амалий ва ноамалий мавқега ажратиш эҳтиёжи туғилади. Амалий мавқега эга бўлганлар гапнинг, ноамалий мавқега эга бўлганлар эса гапнинг эмас, балки унинг бўлагининг бўлаги саналади.

10. Синтактик шаклларнинг гапнинг ёки гап бўлагининг бўлаги мавқеида бўлиши уларнинг кесимга бўлган муносабатига қараб белгиланади. Кесимлик шакли ёки кесимлик шаклини олган лексик birlikнинг лексик маъноси валентлигини тўлдириб, улар билан бевосита муносабатда бўлган бўлақлар гапнинг бўлақлари, кесимдан бошқа бўлақлар билан муносабатда бўлган бўлақлар эса бўлақнинг бўлақлари саналади.

11. Бўлақнинг бўлагига эга бўлган синтактик birlikлар бир неча сўз шакллариининг ўзаро муносабатидан ташкил топган бутунлик сифатида яхлит ҳолда кесимга нисбатан битта синтактик позицияни (вазиятни) эгаллайди. Бундай битта синтактик вазиятни эгаллаган ва ички бўлиниш хусусиятига эга бўлган синтактик қурилмаларни таркибий қисмларга бўлиш гапни бўлақларга ажратишдан кейинги бўлақни бўлақларга ажратиш даражасига мансубдир.

12. Таркибий қисмларга бўлиниш-бўлинмаслик белгисига қўра тасниф қилиш фақат сўзларга ва гапларгагина эмас, балки гап бўлагига ҳам даҳлдордир. Бунга қўра гап бўлақлари уч гуруҳга бўлинади: 1) содда гап бўлақлари; 2) мураккаб гап бўлақлари; 3) бирикмали гап бўлақлари.

13. Содда гап бўлақлари таркибий қисмларининг мушакил сўзларга бўлиниш-бўлинмаслик белгисига қўра кейинги икки турдаги гап бўлақлари билан приватив зидланиш муносабатида бўлади. Айни пайтда, кейинги икки турдаги бўлақлар ҳам ўзаро оппозицияга киришади. Бу вақтда зидланишга асос белги бўлиб гап бўлаги таркибидеги қисмларнинг ўзаро боғланиш характери хизмат қилади. Боғланиш эркин ва ҳоким-тобе муносабатни ўзида сақлаб турса, бундай бўлақ бирикмали, ана шундай белгига эга бўлмаса мураккаб гап бўлаги бўлади.

14. Бўлақнинг бўлаги доимо бирикмали гап бўлаги доирасида амал қилади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
Синтактик вазият (позиция)	8
Лисоний бирликларда шакл ва мазмун диалектикаси ...	15
I боб. ГАПНИНГ ШАКЛИЙ ТУЗИЛИШИ ВА УНИ ҚИСМЛАРГА БЎЛИШ МУАММОЛАРИ	23
1.1. Гап система сифатида	23
1.2. Гап бўлакларининг тузилиш турлари: лексик ва пропозитив номлар	32
1.3. Гапни иккинчи даражали бўлакларга ажратиш масаласи	37
1.4. Гапнинг номинатив аспекти	41
1.5. Коммуникатив белги ва унда предикатларнинг ўрни	44
II боб. ПРОПОЗИТИВ НОМЛАР ВА УЛАРНИНГ ГАП ТУЗИЛИШИДАГИ ЎРНИ	49
2.1. Умумий масалалар	49
2.2. Пропозитив номинация ва денотат тузилиши	54
2.3. Синтагматик муносабат ва уни юзага чиқарувчи воситалар. Синтагматик муносабат ҳақида	56
2.4. Синтагматик маънолар ва уларнинг ифодаланиш йўллари	62
2.5. Лингвистик белги тузилиши	67
2.6. Пропозитив номлар таснифи: от асосли ва феъл асосли пропозитив номинация	71

III боб. ПРОПОЗИТИВ НОМЛАРНИНГ ИЧКИ ТУЗИЛИШИ ВА СИНТАКТИК ПОЗИЦИЯЛАРИ ...	83
3.1. Феъл предикатли пропозитив номларнинг шаклий тузилиши ва синтактик позицияси	83
3.2. Феъл предикатли пропозитив номларнинг ички мазмуний бўлиниши	107
3.3. От предикатли пропозитив номларнинг шаклий тузилиши ва синтактик позицияси	126
3.4. От предикатли пропозитив номларнинг ички мазмуний тузилиши	142
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	161

